

ГУЛБАДАНБЕГИМ
ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР ҚИЗИ

ҲУМОЮН НОМЛ



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК: 94(575.1)

КБК 63.3(5Ў)

Г 95

Масъул муҳаррир: *Ансориддин Иброҳимов*

Форс тилидан *Аҳмад Қуронбеков* таржимаси.

«Хумоюннома» асари Захириддин Мухаммад Бобуринг кизи Гулбаданбегим томонидан ёзилган. Гулбаданбегим бу китобни ўзининг шахсий кузатувлари асосида ёзиб қолдирган. Қўлингиздаги ушбу нашр форс тилидан таржима қилинган бўлиб, баъзи изоҳлар кўшилган ҳолда тақдим этилмоқда.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-28-619-1

© Аҳмад Қуронбеков (тарж.), 2016.

© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ул фирдавс макон ва жаннат ошиён [Бобур] воқеаларидан нимани билсангиз, ёзингиз, деган буйруқ бўлганди. Ҳазрати фирдавс макон фоний дунёдан боқий дунёга йўл олганларида, бу ҳақир [Гулбаданбегим] саккиз ёшда эди, шу сабабли бўлиб ўтган воқеаларнинг камроқ қисми хотирамда қолган эди. Подшоҳнинг амрига биноан, нимаики эшитган ва хотирамда қолган бўлса, қоғозга туширдим.

Бу китобчанинг бошида ҳазрати подшоҳ отамнинг бошдан кечирганлари ёзилади. Гарчи бу сўзлар ҳазрати подшоҳ отамнинг «Вақое»¹сида битилган бўлса ҳам уларнинг табаррук, саодатли хотиralарига хурмат-иззат юзасидан [унинг бошдан кечирганлари] ёзилади.

Ҳазрати Соҳибқирон [Амир Темур] замонидан ҳазрати фирдавс макон [Бобур] замонигача ўтмиш подшоҳлардан ҳеч ким уларга тенг келадиган юриш қилмаган. [Бобур] ўн икки ёшлигида подшоҳ бўлдилар. 909 ҳижрий рамазон ул-муборак ойининг бешинчи санасида (1504 йил 22 февраль) Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон ўлкасида хутба ўқилди. Мукаммал ўн беш йил муддатда Мовароуннаҳр ўлкасида чиғатойлар, темурийлар ва ўзбекий²лар

¹ «Вақое» деб, аслида «Бобурнома» назарда тутилмоқда.

² Ўзбекийлар – Шайбоний сultonлар маъносида.

султонлари билан жанг ва юришлар қилдилар. Улар-нинг саноғини шарҳлашга қаламнинг тили ожизу нотавондир. Жаҳонгирлик бобида бизнинг ҳазратимиз [Бобур] бошидан ўтказган қийинчилик ва машаққатларга кам киши дуч келган. Жанглар ва хавф-хатарлар пайтида ул ҳазрат қўрсатган довюраклик, мардлик ва сабр-тоқат камдан-кам подшоҳда учрайди.

[Бобур] икки марта қилич зарби билан Сармарқандни фатҳ қилдилар. Биринчи мартаада ҳазрати подшоҳ отам ўн икки ёшда эдилар ва иккинчи мартасида эса ўн тўққиз ёшда эдилар, учинчи мартасида йигирма икки ёшда эдилар – олти ой қамалга тушдилар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқародай амакиляри Хуросонда бўла туриб, улардан кўмак бўлмади. Кошғардаги Султон Маҳмудхон уларнинг тоғалари эди, бироқ улар ҳам ёрдам юбормадилар. Ҳеч каердан мадад келмагач, умидсизликка тушдилар.

Шундай бир пайтда Шоҳибекхон [Шайбоний-хон], агар опангиз Хонзодабегимни бизга узатсангиз, биз ва сизнинг орамизда сулҳ тузилади ҳамда иттифоқчилик алоқалари ўрнатилади, деб айтиб юборадилар.

Охири зарурат юзасидан Хонзодабегимни мазкур хонга узатиб, ўзлари ташлаб чиқдилар.

Икки юз киши пиёда [аскар] билан елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ – шу алфозда яроқсиз, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳуга тавакkal қилиб, Бадахшонот ва Кобулга юзландилар.

Қундуз ва Бадахшонотда Хўшрувшох [Хусравшох]нинг лашкари ва одамлари бор эди. Гарчи ёмонлик қилиб Бойсунғур мирзони шаҳид этиб, Султон

Масъуд мирзонинг кўзларига мил торттирган эсаларда, ҳазрати подшоҳ отамизнинг хузурларига келиб мулозамат кўрсатдилар. Бу иккала подшоҳ отамизнинг амакиваччалари эдилар.

Бурунроқ ул ҳазрат [Бобур]нинг қозоқлик [қочиб юрган] пайтларида зарурат юзасидан йўллари унинг вилоятига тушганида, ул ҳазрат [Бобур]ни беандишилик ва дағаллик билан вилоятидан чиқариб юборган эди. Мардлик, инсонийлик ва мурувват намунаси бўлган ҳазрати подшоҳ [Бобур] умуман ундан қасос олиш пайдан бўлмадилар, аксинча, жавохир ва тилла буюмлардан қанча кўнгли тиласа, олсин, деб буюрдилар. [Хусрав] беш-олти тuya ва беш-олти хачир юки билан ижозат олиб, сихат-саломат Хурсонга жўнаб кетди ҳамда ҳазрати подшоҳ [Бобур] Кобулга йўл олдилар.

Ўша даврда Кобул ҳокимлиги Зуннун Арғуннинг ўғли Муҳаммад Муқимга тегишли эди. [Зуннун Арғун] Ноҳидбекимнинг бобоси эди.

Кобулни Улуғбек Мирзонинг вафотидан кейин Абдураззок мирзодан олганди. Мазкур Абдураззок мирзо подшоҳ [Бобур]нинг амакиваччаси эди.

Подшоҳ [Бобур] ғалаба билан Кобулга келди. Икки-уч кун қалъани қамал қилгач, бир неча кун ўтказиб [Муҳаммад Муқим] аҳду паймон билан Кобулни ҳазрати подшоҳ [Бобур] кишиларига топшириб, мол-дунёсини олиб Қандаҳорга, отасининг олдига кетди.

Ҳижрий 910 рабиъ ус-соний (1504 йил, сентябрь) санада Кобул фатҳ бўлди. Кобул амири бўлгандан кейин Бангашга юриш қилдилар ва бир йўла ўлжа олиб, Кобулга қайтдилар.

Ҳазрати хоним – ҳазрати подшоҳнинг она-лари олти кун ичида иситмалаб, фоний оламдан дорилбақога равона бўлдилар. Ҳазрати хонимни «Наврузий» боғига қўйдилар. Боғнинг эгалари бўлган Васил атка [ака]нинг кишиларига бир минг мисқолий танга (4,68 гр) бериб қўйдилар.

Шу аснода Султон Ҳусайн мирзодан «Биз ўзбек [Шайбонийхон қўшини] билан жанг қилиш ни-ятимиз бор, агар Сиз ҳам келсангиз, жуда яхши бўлади», дея таъкид қилиб хат келди. Ҳазратнинг Худодан тилаги ҳам шу эди. Оқибатда улар томон йўлга отландилар.

Йўл асносида «Султон Ҳусайн мирзо учибди», деган хабар келади. Ҳазрати подшоҳ [Бобур]нинг амирлари, ҳазрати Султон Ҳусайн мирзо ўтган бўлса, йўлдан қайтиб, Кобулга кетиш айни муддао бўлур эди, деб арзга еткурдилар. Ҳазрат: «Шунча йўл бо-сиб ўтдик, энди Мирзо [Султон Ҳусайн]нинг азасини йўқлаб қайтамиз», деб буюрдилар. Оқибатда Хуро-сонга йўл олдилар.

Подшоҳ [Бобур] ташриф буюрганларини эши-тиб, Бадиuzzамон мирзодан ташқари ҳамма мирзо-лар кутиб олишга чиқдилар. Султон Ҳусайн мирзо-нинг амирларидан Бурунтуқбек ва Зуннунбек айтиб-диларки, подшоҳ [Бобур] Бадиuzzамон мирзодан ўн беш ёшлик кичик бўлганлари учун хузурларида тиз чўкиб таъзим бажо келтирсалар, муносиб бўлур эди. Шу аснода Қосимбек айтадиларки, ёшда кичик, лекин тўраликда улуғ, чунки бир неча бор қилич зўри билан Самарқандни фатҳ қилганлар. Шунинг учун подшоҳ [Бобур] тиз чўкиб ҳузур топса [муносиб-ми?].

Бадиuzzамон мирзо подшоҳ [Бобур]нинг таъзи-
мига пешвоз чиқиб, ҳузурига қабул қилсинлар.

Шу пайтда подшоҳ [Бобур] эшикдан кириб кела-
дилар.

Мирзо ғафлатда қолдилар, Қосимбек ҳазрати
подшоҳнинг фўта [белбоғ]сини ечиб, Бурунтуқбек
ва Зуннунбекка карата: «Мирзо пешвоз чиқиб ку-
тиб олишига келишмаганмидик?» деди. Шу орада
бутунлай саросимага тушган мирзо [Бадиuzzамон]
олдинга чиқиб, ҳазрати подшоҳни кутиб олдилар.

Хурсонда ўтказган бир неча кун мобайнода мир-
золар ҳар қайсиси мезбонлик мулозаматини бажо
келтирдилар, базм уюштиридилар. Барча боғ-роғларни
айланиб, сайд қилдилар.

Мирзолар қишини шу ерда ўтказишни таклиф
қилдилар. «Қишидан чиққач, ўзбек билан жанг
қиласиз», – дедилар. Аммо ҳеч узил-кесил қарорга
келолмадилар.

Султон Ҳусайн Мирзо саксон йил давомида Хуро-
сонни обод ва маъмур қилгандилар, аммо мирзолар
отасининг жойини олти ой сақлаб туришга ярамади-
лар.

Подшоҳ [Бобур] уларнинг бепарволигини кўриб,
ўзларининг сарф-харажатлари учун ажратилган жой-
ларни кўриш баҳонасида Кобул томонга йўл олдилар.

Ўша йили қор қалин ёққанди. Йўлдан адашади-
лар. Ҳазрат [Бобур] ва Қосимбек йўлнинг яқинлигини
ҳисобга олиб, ана шу йўлни ихтиёр қилгандилар.
Йўқса амирлар кенгашда бошқа йўлни маслаҳат бер-
гандилар. Амирларнинг айтганларини қилмаганлари
учун улар ўзларини кўриб-кўрмасликка олиб борар-
дилар.

Ҳазрат [Бобур] ва Қосимбек ўғиллари билан учтўрт кунлаб йўлни қордан тозалашди. Қўшин орқадан келди.

Шу алфозда Ғурбандгача келишди. У ерда ёйий ҳазоралар ҳазратга дуч келиб, жанг қилишди. Ҳазоралар аҳолисидан кўплаб қўй ва чорва моллари, сон-саноқсиз ашёлар подшоҳ одамлари қўлига тушди. Улар ҳисобсиз ўлжа билан Кобулга юзландилар.

Пойи Минорга етишганда, Мирзохон ва Мирзо Мухаммад Ҳусайн Кўрагон бош кўтариб, Кобулни қамалга олишипти, деб эшитишади.

Ҳазрати подшоҳ [Бобур] Кобул аҳолисига «Бизлар етиб келдик, мардоналикни бой берманглар», деб фармон ёзиб, уларга тасалли бериб кўнглини кўтарадилар. «Биби Моҳрӯй тогининг тепасида гулхан ёқамиз, сизлар ҳам хазинахона тепасида гулхан ёқинглар, токи бизнинг келганимиздан хабардор бўлганингизни билайлик. Тонг чоги сиз у томондан, биз бу томондан ғанимга рўпара бўламиз». Аммо қалъя одамлари етиб келгунча, ҳазрат жанг қилиб, фатҳ қилгандилар.

Мирзохон подшоҳнинг холаси бўлмиш онасиникига яширинади. Хоним охири ўғлини олиб келиб, гуноҳидан ўтишини сўрайди.

Мирзо Мухаммад Ҳусайн жон талвасасида [подшоҳнинг] кичик холаси бўлган ўз аёлининг уйида ўринқопнинг ичига кириб, хизматкорига «Устимдан боғлаб қўй», деб буюради.

Охир-оқибат, подшоҳнинг одамлари хабар топиб, Мирзо Мухаммад Ҳусайнни ўринқопдан чиқарадилар ва подшоҳнинг олдига олиб келадилар. Ниҳоятки, ҳазрат [Бобур] холаларининг юз-хотирини қилиб,

Мирзо Мұхаммад Ҳусайннинг гуноҳидан ўтдилар.
Холаларининг хотирига кулфат ғубори қўнмасин деб,
ҳар кунгидай холаларининг уйларига борди-келди
қилар, илгаридан ҳам кўпроқ қўнглини олардилар.
Уларга ер-сув ва мулк тайин қилдилар.

Аллоҳ таолонинг инояти билан Кобулни Мирзо-
хон қамалидан ҳалос қиласидилар. Ўша пайтда йигирма
уч ёшда бўлиб, фарзандсиз эдилар. Фарзанд кўришни
жуда орзу қиласидилар.

Ўн етти ёшларида Султон Аҳмад мирзонинг қизи
Ойша Султонбекимдан бир қиз туғилган эди. Чакалоқ
бир ой ҳам яшамади. Худойи таоло Кобулнинг оли-
нишини муборак қилиб, ўн саккиз фарзанд ато этди.

Аввал окам (фарғонача «онам» маъносида)
Моҳимбекимдур – улардан ҳазрати Ҳумоюн подшоҳ,
Борбўл мирзо, Мехрёнбеким, Эшон Давлатбеким ва
Форук мирзо;

Яна Султон Аҳмад мирzonинг қизи Маъсума Сул-
тонбекимдан бир қизалоқ дунёга келди – у туғрук
пайтида вафот қилди – қизига онанинг номини
қўйишиди;

Дилдорбекимдан эса Гулрангбеким, Гулчех-
рабеким, Ҳиндол мирзо, Гулбадонбеким ва Олур мир-
золар туғилдилар.

Хулоса шуки, Кобулнинг олинишини яхшиликка
йўйишганди: ҳамма фарзандлар Кобулда туғилдилар.
Хўстда Моҳимбекимдан Мехрёнбеким ва Дилдорбе-
гимдан дунёга келган Гулрангбекимлардан бошқаси
[Кобулда туғилган эди].

Ҳазрати фирдавс макон [Бобур]нинг катта ўғли ҳазрати Ҳумоюн подшоҳнинг туғилиши

Уларнинг муборак таваллуди сешанба кечаси зулқаъда ойининг тўртинчи куни 913 ҳижрий сана (7 март 1508 йил)да Кобул аркида, қуёш хут буржига баробар келганида юз берди.

Худди ўша йили ҳазрати фирдавс макон амирларига ва бошқа кишиларга: «Мени Бобур подшоҳ деб атанглар», деб буюрди. Негаки ундан илгари, ҳазрати Ҳумоюн подшоҳ туғилмасдан бурун уни Бобур мирзо деб аташ одат бўлган эди. Қолаверса, шаҳзодаларни «мирзо» дейишарди. Улар [Ҳумоюн] туғилган йили ўзларини Бобур подшоҳ деб эълон қилдилар. Ҳазрати жаннат ошиён [Ҳумоюн]нинг туғилиш тарихини Бобур подшоҳ деб эълон қилдилар. Ҳазрати Шоҳи Фирузкадр) сўзларидан топганлар¹.

Фарзандлар туғилгандан сўнг хабар келдики, Шоҳ Исмоил Шоҳибекхонни ўлдирипти.

Ҳазрати подшоҳ [Бобур] Кобулни Носир мизога топшириб, ўзлари аҳли аёл ва фарзандлари – Ҳумоюн подшоҳ, Мехржонбегим, Борбўл мирзо, Маъсума Султонбегим ва Мирзо Комронлар билан бирга Самарқандга йўл олдилар. Бомдод пайтида Шоҳ Исмоил Самарқандни фатҳ қилдилар. Мовароуннаҳр саккиз ой унинг [Бобур] кўл остида бўлди. Ака-укалар ўртасидаги муросасизлик ва мўғул аҳлиниң мухолифлиги натижасида Кўли Маликда Убайдуллахондан мағлуб бўлдилар ҳамда вилоятда бошқа қололмадилар. Шундан сўнг Бадаҳшонга, кейин Ко-

¹ Араб алифбосидаги абҷад ҳисоби назарда тутилган.

булга жўнадилар. Ундан сўнг хаёлидан Мовароуннаҳр орзусини чиқардилар.

910 ҳижрий сана (1505 йил)да Кобул ҳокимлиги уларнинг қўлига ўтганди.

Доим Ҳиндистонга кирсам, деб ҳавас қиласардилар, лекин амирларининг раъи сустлиги ва ака-укаларининг рози бўлмаганлиги сабабли бу ишга эришолмасди.

Нихоят ака-укалар кетиб, амирлардан уларнинг мақсадига қарши гапира оладиган бир кимса қолмагач, 925 ҳижрий сана (1519 йил)да икки-уч ҳамладан кейин жанг билан Бажаурни олдилар.

Худди шу куни Малик Мансур Юсуфзай (Афғоний Оғочанинг отасидир) ҳазратнинг мулозаматига келди. Ҳазрати подшоҳ [Бобур] унинг қизи Афғоний Оғочани ўз никоҳларига олиб, Малик Мансурга рухсат бердилар. Уларга от ва шоҳона сарпо иноят қилдилар. Бориб дехқонлар ва бошқа кишиларини олиб келиб, ўз ватанларини обод қилишларини буюрдилар.

Кобулда қолган Қосимбек арзга еткуриб хат юборибдиларки, «Яна бир шаҳзода туғилди. Ҳинднинг фатҳ этилишини яхши аломатга йўйиб, яхши истаклар таъсирида беадаблик қилиб ёздим, энди нимани лозим топсалар, ихтиёр подшоҳнинг ўзларида». Подшоҳ ўша заҳоти Мирзо Ҳинддол деб исм қўйдилар.

Бажаур фатҳидан кейин Бҳира томонга йўл олдилар. [Бҳира]ни талон-тарож қилмадилар, унга омон бердилар. Тўрт юз лак¹ шоҳрухий (Шоҳрух мирзога мансуб тангалар) товон олиб, навкарлар сонига қараб лашкар одамларига тарқатдилар-у, Кобулга йўл олдилар.

¹ Бир лак – юз минг.

Шу аснода Бадахшон аҳолисидан арзнома келдики, «Мирзохон вафот қилди, Мирзо Сулаймон ҳали ёш, ўзбек эса яқин, бу вилоятнинг чорасини кўргайсиз, токи Бадахшон қўлдан кетмасин».

Бадахшоннинг чорасини кўргунча бўлмай, Мирзо Сулаймоннинг онаси номи ёд этилган мирзони олиб ўзлари келдилар. Ҳазрати подшоҳ [Бобур] муддаога кўра ҳамда уларнинг юз-хотири учун уй-жой ва отасининг ер-мулкини унга бердилар. Бадахшонни эса Ҳумоюн подшоҳга бердилар. Ҳумоюн подшоҳ ўша музофотга жўнаб кетди.

Унинг кетидан подшоҳ ҳазратлари билан окам (Моҳимбегим) бир неча кун бирга ўтказиш учун Бадахшонга жўнадилар. Ҳазрат Ҳумоюн подшоҳ ўша ерда қолдилар. Сўнг подшоҳ отам ва окам Кобулга қайтдилар.

Бир муддат ўтгач, Қаллот ва Қандахор томонга йўл олдилар. Қаллотга етиш ҳамоно уни фатҳ қилиб, Қандахорга жўнадилар. Қандахор аҳолиси бир ярим йилгача қалъа ичида қамалда бўлдилар. Бир ярим йилдан сўнг оғир жанг жадаллардан кейин Худонинг инояти или фатҳ қилдилар. Катта миқдорда зару зевар қўлга кирди. Сипоҳийлар ва лашкар ахлига жуда кўп тилла билан туюлар тарқатдилар. Қандахорни Мирзо Комронга бериб, ўзлари Кобулга қайтдилар.

Фуррат ул-сафар ойи 932 хижрий сана (17 ноябрь 1525 йил)да подшоҳлик чодир ва уй жихозларини ортиб, Якланга (ҳозирги номи Яковланг) тепаликлинидан ошиб, Дех Яъкуб воҳасида манзил қурдилар. Кечани ўша ерда ўтказиб, эртаси куни кўча-кўча Хиндистон томонга йўл олдилар.

925 ҳижрий сана (1518 й. м.) (матнда 935 й. де-
йилган) дан кейинги етти-саккиз йил орасида бир неча
марта Ҳиндистон томонга лашкар тортиб, ҳар марта-
си бир вилоят ёки паргана (хирож олинадиган ер)ни,
жумладан, Бхира, Бажаур, Сиёлкут, Диболпур, Лохур
ва бошқаларни олдилар. Бешинчи мартасида ғуррат
ул-сафар ойи 932 ҳижрий сана (1525 й. м.) жума куни
Дехи Яъкубда манзил тутиб, ундан Ҳиндистонга йўл
олдилар. Лохур, Сирхинд ва йўл устидаги ҳар вилоятни
кўлга киритдилар. Ражаб ойининг саккизи 932 ҳижрий
сана (1526 йил 20 апрель) жума куни Панипатда Сул-
тон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Баҳлул
Лудийга қарши жангга саф тортдилар. Аллоҳнинг ино-
яти билан ғолиб келдилар. Бу жангда Султон Иброҳим
ўлдирилди. Бу фатҳ фақат Аллоҳнинг марҳамати ила
кўлга киритилди. Негаки Султон Иброҳимнинг 180
минг отлик аскари ва бир ярим минггача маст филлари
бор эди. Подшоҳ ҳазратларининг лашкари эса савдо-
гарлар ва яхши-ёмон билан бирга ўн икки минг киши
эди. Жангга яроқли аскар бор-йўғи 6–7 минг киши эди.

Бешта подшоҳнинг хазинаси уларнинг [Бобур]
кўлига тушди, ҳаммасини бўлиб бердилар. Ўшанда,
Ҳиндистонда ўтмиш подшоҳларнинг хазинасини
сарфлаш айб иш ҳисобланади, балки унинг ёнига
кўшиб кўпайтиришади, ҳазратлари уни аксини қилиб,
борлик хазинани тарқатиб бердилар, дейишади.

Хожа Калонбек «Ҳиндистон ҳавоси мизожим-
га тўғри келмаяпти» деб бир қанча марта Кобулга
рухсат тиладилар. «Агар рухсат бўлса, бироз муддат
Кобулда бўлсам», – дедилар. Ҳазратлари хожадан жу-
деникка сира рози эмасдилар. Ахийри хожа ҳаддан
ортиқ зорланиб қўймагач, рухсат бердилар.

«Хамоноки кетадиган бўлсангиз, Султон Иброҳимнинг фатҳидан қўлга тушган ҳинд совғаларидан валинеъматларга, опа-сингилларга ва ҳарам аҳлига бериб юбормоқчимиз, ўзингиз билан бирга олиб кетасиз. Муфассал рўйхатини берамиз, ўшанга қараб тарқатасиз. Айтинг, ҳар бир бегим боғ ва девонхонада алоҳида подшоҳий чодирлар тутсинлар, яхшилаб маърака ўтказиб, тўла-тўкис ғалаба қозонилгани шукронасига Ҳақ субҳонаху ҳақларига дуо қилсинлар», деб буюрдилар. Рўйхатга биноан, ҳар бир бегимга Султон Иброҳимнинг хос ўйинчиларидан бир рақкоса, бир жавоҳир, лаъл, марварид, ёқут, олмос, зумрад, феруза, забаржад ва шунга ўхшаш нарсалар тўла тилла лаган, садаф, товоқча тўла ашрафий (Шоҳ Ашрафга мансуб тилла танга), яна икки товоқда шоҳрухий (Шоҳрух мирзога мансуб тилла танга) ҳамда тўққиз-тўққиз ҳар хил матолар; [валинеъматларга] тўрт товоқ ва бир ўйинчи, бир лаган жавоҳир, бир товоқ ашрафий ва шоҳрухий [тангалар] хукм қилгандилар. Валинеъматларга совға қилган ўша лагандаги жавоҳир ва ўйинчиларни элтиб берсинлар, бошқа совғаларни ундан кейин қўйсинлар, деб амр қилдилар. Опа-сингиллар, фарзандлар ва ҳарам аҳли, қариндошлар, бегимлар, оғалар, энагалар, кўкалар, оғачалар ва барча дуогўйларга алоҳида-алоҳида жавоҳир, ашрафий, шоҳрухий ва матолардан шу тартибда бердилар. Ўша зикр қилинган девонхона ва боғда уч кунгача маъракаю хурсандчилик давом этди. Бундан бошлари осмонга етиб, ҳазратнинг ҳаққи ва давлатига дуойи фотиҳа қилиб, шукроналик саждасини адо этдилар.

Хожа Калонбекнинг қўлига Миршаб [Муҳаммад] амакиларига атаб уч подшоҳий сир¹ катта ашрафий бердилар. «Агар миршаб, подшоҳ ҳазратлари менга нима бериб юбордилар, деб сўраса, бир ашрафий [танга] деб жавоб берасиз», – дея Хожа [Калонбек]га тайинлаган эдилар. Аслида ҳам бир ашрафий эканлигидан таажжубланиб, уч кунгача койиндилар.

«Ашрафийни тешиб, кўзини боғлаб, бўйнига осиб ҳарам ичкарисига киритинглар», – деган ҳукм бўлган эди. Ашрафийни тешиб бўйнига осилган ҳамоно, унинг оғирлигидан бетоқат бўлиб, изтиробга тушиб миннатдорчилик билдирилар. Ашрафийимни тортиб олмасин, деб икки қўллаб тутиб, турфа ҳолатга тушарди. Ҳар бир бегимларга ўн-ўн икки ашрафийдан тортиқ қилдилар, ҳаммаси бўлиб етмиш-саксон ашрафий бўлди.

Хожа Калонбек Кобулга келганидан кейин Агра да Ҳумоюн подшоҳ ва барча мирзолар, сultonлар, амирлар хазинадан тортиқ қилдилар. Ён-атроф ва виляятларга фармонлар юбориб, ҳар киши бизнинг мулоzимлигимизга келса, айниқса, отамиз ва боболаримизга хизмат қилган кимсаларга ҳар томонлама риоятини қилгумиздир, агар келсалар, инъомларимизга мушарраф бўлғайлар, дея таъкид қилдилар.

«Кимки Соҳибқирон ёки Чингизхоний наслидан бўлса, бизнинг даргоҳимизга келсинлар. Ҳак субҳонаҳу Ҳиндистон мамлакатларини бизга атоқилди, келиб давлатни биз билан баҳам кўргайлар».

Сulton Абу Сайд мирзонинг қизларидан олти бегим: Гавҳаршодбегим, Фахри Жаҳонбегим, Хадича

¹ Бир сир – 441 г.

Султонбеким, Бадиъ ул-Жамолбеким, Оқбеким, Султон Бахт, подшоҳнинг тоғаси Султон Маҳмудхоннинг қизи Зайнаб Султон хоним, подшоҳ ҳазратларининг кичик тоғаси Олачахоннинг қизи Мухиб Султон хоним келдилар. Сирасини айтганда, ҳамма бегимлар ва хонимлар тўқсон бир киши эди. Уларнинг барчасига ўзлари истаганча ер-мулк ва инъомлар тайин қилдилар.

Аграда ўтказган тўрт йил давомида ҳар жума куни [Бобур] аммаларини йўқлаб борарди. Бир куни ҳаво ниҳоятда иссиқ эди ва ҳазрати окам (онам) айтдилар: «Ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар бир жума бормай кўя қолсангиз, не бўлғай? Бегимлар бундан ранжимасалар керак!» Подшоҳ [Бобур] окамга дедилар: «Моҳим, бу сўзларни гапиришинг ажабланарли. Отасидан ва акаларидан айрилган ҳазрати Абу Сайд мирзонинг қизларидан мен кўнгил сўрамасам, қандай бўларкин?»

Хожа Қосим меъморга ҳукм қилдилар: «Мен сенга бир яхши вазифа топшираман, у ҳам бўлса – аммаларимнинг саройда қандай муҳим ишлари ва хизматлари бўлса, валинеъматларнинг саройдаги хизматларини бажонидил [бизга] тақдим этгайсан».

Аграда сувнинг у томонида иморатлар [барпо қилишни] буюрдилар. Ҳарам ва боғнинг ўртасидаги тошдан қурилган уй-хилватхонани ҳамда девонхонада ҳам тошдан иморат кўтарган эдилар. Уйнинг ўртасида бир ҳовуз, уйнинг тўрт минорасида тўрт ҳужра, дарёнинг қирғозида чўванди [шийпон] барпо қилгандилар. Ҷолпурда бир яхлит тошдан ўнга ўн [газ] қилиб ҳовуз қуришни буюргандилар, қачон бу ҳовуз битса, унга тўлдириб шароб қуяман, дер-

дилар. Рано Санго жангидан илгари шаробдан тавба қылганлари учун лимон шарбати билан түлдирдилар.

Султон Иброҳимнинг фатҳидан кейин бир йил ўтгач, Рано сон-саноқсиз лашкар билан Манду тарафдан пайдо бўлди.

Подшоҳ ҳазратларининг хизматларини бўйнига олган амирлар, рожалар ва ройлар – ҳаммаси ёғий бўлиб Ранога бориб қўшилдилар. Кўли Жалолдан тортиб Самбал ва Ропригача барча парганалар, рой ва рожалар, аффонлар ёғий бўлиб, икки юз мингга яқин отлик аскарлар тўпланди.

Шу пайтда мунажжим Муҳаммад Шариф: «Подшоҳ ҳазратлари [Бобур] ҳозир жанг қилмаса, давлатга муносиб иш қилган бўлур, чунки саккиз юлдуз қаршида турипти», – деб лашкар кишиларига айтади.

Подшоҳ лашкарлари ажаб бир ҳайронликда қолиб, чукур ўй-ғамга толдилар ва саросимага тушиб қолдилар. Лашкар аҳлининг бу ҳолатини кўриб, ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўрдилар.

Ғаним яқинлашиб келгач, муборак хотирлари-га келган тадбир шу бўлдики, қочиб кетган ва ёғий бўлғанлардан қолган барча амирлар, хонлар ва сultonлар – каттаю кичик, асилу фақирга тўпланишини буюрдилар. Уларнинг барчаси йиғилиб келишдилар. Уларга қараб дедиларки: «Бизнинг турган жойимиз билан ватан ва ўрганган шаҳарларимиз орасидаги йўл неча ойлик эканини биласизларми ўзи? Кишиларимиз мағлуб бўладиган ўша кундан Худонинг ўзи сақласин! Навзанбillaх! Биз қаерда-ю, ватанимиз, шаҳrimиз қаерда?! Ишимиз ажнабийлар ва бегоналар қўлига тушади. Бас, бу икки йўлдан бирини танла-

шимиң керак: агар ғанимни ўлдирсак, ғозий бўламиз, агар ўлсак, шаҳид кетамиз. Ҳар икки тақдирда ҳам бизнинг фойдамиз – буюклар даражаси ва буюклар мартабасидир».

Ҳаммалари яқдиллик билан розилик бердилар. Хотинталоқ бўлайлик, деб Куръон олиб қасам ичдилар, дуойи фотиҳа қилдилар: «Подшоҳ, иншооллоҳ, токи танимизда бир қатра қон колгунича, жонимизни фидо қилишга тайёрмиз», дедилар.

Рано Санго жангидан икки кун олдин подшоҳ ҳазратлари [Бобур] шаробдан тавба қилгандилар, [нафақат бу] балки барча ман қилинган ишлардан тавба қилгандилар.

Мардоналиқ, яқдиллик ва бирдамликка даъво қилувчи тўрт юз таниқли йигитлар улар билан ҳамжиҳатлик ва тобелик аломати сифатида подшоҳ ҳазратлари туфайли [шаробдан] тавба қилдилар. Барча ман қилинган асбоб-анжом, тилла ва кумуш буюмлар: пиёла, кўза ва бошқа нарсаларни синдириб, бева-бечора, мискинларга тортиқ қилдилар.

Чор атрофга қатъий таъкид қилиб фармонлар жўнатдилар, бож ва тамфо солиғидан, ғалла закотидан, номашруъ мажбуриятлардан озод қилинсин, хеч бир кимса савдогарларнинг борди-келдисига халал бермасин, маъмурчилик ва хотиржамлиқда келдикетди қилишларига йўл берсин, деб буюрдилар.

Рано Санго билан жанг бўладиган кунга ўтар кечаси Қосим Ҳусайн мирзо, Султон Ҳусайн миризонинг қизидан туғилган невараси, Ойша Султон-бегимнинг ўғли Хуросондан келибди, деган хабар келди. Қосим Ҳусайн мирзо 10 курух¹ жойга етиб

¹ Курүҳ – икки миль.

келди, дейишди. Бу хабарни эшитиб ҳазратнинг [Бобур] кўнгиллари тоғдай кўтарилди. «Уларнинг ёнларида неча киши бор экан?» – деб сўрадилар. Суриштирилса, ўттиз-қирқ чамаси отлиқ аскар экан. Шу захоти ярим кечада мукаммал қуролланган минг отлиқни юбордилар. Ўша кечанинг ўзида бирга қайтишди. [Бу] иш ғаним кишилари ва бегоналар билиб қўйсин, қўмак етиб келди, вақтида келди, деб амалга оширилди. Ким бу режа ва тадбирни эшитган бўлса, олқишлиайди.

Ўша куннинг эртасига 933 ҳижрий сана жумод ул-аввал ойида (1527 йил февраль) Сикри тоғ этакла-рида (хозир бу тоғ тепасида Фатхпур барпо бўлган) Рано Санго билан жангга саф тортилди ва Аллоҳнинг инояти билан ғалаба қозониб, гозий бўлдилар.

Рано Санго устидан ғалаба қозонгандаридан бир йил ўтгач, окам [онам] Моҳимбегим Кобулдан Ҳиндистонга келдилар. Бу ҳақир [Гулбадан] ҳам улар билан бирга опа-сингиллардан олдин келиб, подшоҳ отамларнинг хизматларига хозир бўлдим. Окам [онам] Кўл [Жалол]га етгандаридан подшоҳ ҳазратлари [Бобур] иккита тахтиравон билан учта отлиқ юбордилар. Кўлдан Агра томонга жадал жўнадилар. Подшоҳ ҳазратлари Кўли Жалолийга бориб кутиб оламан деган ниятлари бор эди. Намози шом пайти бир киши келиб: «Ҳазратларини [Моҳим] икки курух [~4 миль] жойда қолдириб келдим», – деди.

Отам ҳазратлари от келтиргунларича ҳам сабри чидамай, пиёда йўлга тушдилар ва Моҳим ойимлар [нанача]нинг юклари олдида учрашдилар. Окам [онам] пастга тушмоқчи бўлдилар, подшоҳ отам қўймадилар ва окамнинг жиловларида уйгача пиёда келдилар.

Окам [онам] подшоҳ отамнинг олдиларига кела-
ётганларида менга: «Кундуз куни келиб, ҳазратлари
[Бобур]нинг хизматларини бажо айла», – деб буюр-
дилар.

... Тўққизта отлиқ ва икки тўққиз от, подшоҳ отам
юборган иккита қўшимча тахтиравон, Кобулдан олиб
келинган битта тахтиравон, окамнинг юзга яқин зеб-
зийнатга безанган, тўбичоқ отларга мингтан мўғул
хизматкорлари...

Отамнинг халифаси ўзининг аёли Султоним би-
лан бирга Навгромда бизга пешвоз чиқдилар. Мен
тактиравонда эдим. Момоларим [энага] мени кичик
боғчада пастга туширдилар ва ерга шолча солиб, шол-
чага ўтқаздилар. Менга отамнинг халифаси келган-
да, ўрнингиздан туриб кутиб олинг, деб ўргатдилар.
Отамнинг халифаси келгач, мен ўрнимдан туриб
кутиб олдим. Шу орада уларнинг аёли Султоним
ҳам келдилар. Мен билмасдан ўрнимдан турмоқчи
бўлгандим, отамнинг халифаси «Бу кампир бор-йўғи
сизнинг канизингиз. Унга туришнинг ҳожати йўқ.
Отангиз бундай вазифа юклаб, бу қари қулларини
бошини осмонга етказдилар. Ҳукм бўлгач, бандар-
ларининг уни бажармасликка не мажоли бор?» деб
муболаға қилдилар.

Отамнинг халифасидан беш минг шоҳрухий ва
беш от тортиқ олдим. Унинг аёли Султоним уч минг
шоҳрухий ва уч от совға қилди. Моҳазари [таом] тай-
ёр, агар тановул ихтиёр қиссалар, бандаларини кўкси
осмондай кўтарилгай [дедилар]. Мен рози бўлдим.

Бир яхши жойда катта супа ясашган эди. [Унда]
қизил мовутдан чодир қурилди, унинг ичи Гужарот
зарбафтидан эди ва [яна] олтита бошқа рангда шо-

миёна [тепаси текис чодир] тикилганди. Тўртта мовутдан ёғочлари турли рангда саропарда [подшоҳлар чодири] тикилганди. Мен отамнинг халифасининг манзилида ўтиридим. Таом келтиришди: элликка яқин қовурилган қўй гўшти, нон, шарбат ва жуда қўп мевалар [эди]. Таомланиб бўлгач, тахтиравонга ўтириб, отам подшоҳ ҳазратлари [Бобур]нинг хузурига келиб, таъзим бажо айладим ва тиз чўқдим. Ҳазрат [Бобур] узок саволга тутдилар. Бир муддат ёнларига ўтқаздилар. Шу мазгилда бу ҳақир [Гулбаданбегим] шунчалар шодмон бўлдиларки, ундан ортиғи тасаввурга сиғмайди.

Аграга келганимиздан сўнг уч ой ўтиб, подшоҳ ҳазратлари Дхўлпурга йўл олдилар. Моҳимбеким ҳазратлари ва бу ҳақир [Гулбаданбегим] Дхўлпур сайрига бордик. Дхўлпурда бир яхлит тошдан ўнга-ўн [газ] ҳовуз ясалган эди. У ердан Сикрига кетдилар. Кўлнинг ўртасида бир катта супа ясашни буюрдилар. Супа ясалгач, кемага ўтириб, у ерга борардилар ва сайр қиласар, ўша ерда ўтирадилар. Ўша супа ҳозир ҳам бор. Сикридаги боғда бир шийпон ҳам курдиргандилар. Отам подшоҳ ҳазратлари ўша шийпонда тўрхона [пашشاхона] ясатиб, унинг ичида ўтириб «Мусҳаф» [Куръон] ёзардилар¹.

Мен билан афғоний оғоча [Биби Муборак] пастда ўтирадик, окам [онам] намозга кетдилар. Мен афғоний оғочага «Кўлимдан тортинг», дедим. Афғоний оғоча қўлимдан тортдилар. Кўлим чиқиб кетди. Мен бетоқат бўлиб, йиғлай бошладим. Охири синиқчини олиб келиб, қўлимни бойлашди ва Аграга жўнаб кетдик.

¹ Куръони каримни кўчириш назарда тутилмоқда.

Аграга етиб келгандаридан «Бегимлар Кобулдан келяпти», деган хабар келди. Отам подшоҳ ҳазратлари Навгромгача бориб, катта аммам, отам подшоҳ ҳазратларининг опаси бўлган окажоним [Хонзода]га пешвоз чиқдилар. Бегимларнинг ҳаммалари окажонимнинг манзилларидан [унга] таъзим бажо келтирдилар. Ҳамма хурсандчилик изҳор қилишди, шукроналик саждасини бажо келтириб, Аграга йўл олдилар. Ҳамма бегимларга ҳовлилар иноят қилдилар. Бир неча кундан кейин Зарафшон боғига сайрга чиқдилар.

Мазкур боғда таҳоратхона бор эди. Уни кўриб [Бобур] дедилар: «Салтанат ва подшоҳликдан кўнглим олинди. Шу Зарафшон боғида хилватга чекинсан. Хизматкорликка битта Тоҳир офтобачининг ўзи менга етиб ортади. Подшоҳликни Ҳумоюнга топширам». – дедилар.

Шунда окам [онам] ҳазратлари ва ҳамма фарзандлар фифон чекиб йиғладилар. «Худойи таоло Сизни кўп йиллар, саноқсиз асрлар ўз паноҳида арасин, барча фарзандлар Сизнинг соянгизда ўсибулғайсинлар», – дедилар.

Бир неча кундан сўнг Олур мирзо касалга чалиндиндилар, уларнинг касали ич оғриққа уланди. Ҳакимлар ва табиблар қанча даволамасин, уларнинг касали зўрайса-зўрайдики, камаймади. Охири ўша касал билан фоний оламдан боқий оламга равона бўлдилар. Подшоҳ ҳазратлари қаттиқ ғам чекдилар.

Мирзо Олурнинг оналари бўлган Дилдорбегим нодири жаҳон, аср ягонаси бўлган фарзандларидан айрилгач, савдои бўлиб қолдилар. Дилсиёхлик ҳаддан ошиб кетгач, подшоҳ ҳазратлари [Бобур] окам [онам] ва бошқа бегимларга қараб: «Ке-

линглар, Дхўлпур сайрига борайлик», – дедилар. Ўзлари кемага ўтириб, соғ-саломат сувдан ўтдилар ва ўша Дхўлпурга етиб бордилар. Бегимлар ҳам кемага ўтириб сувдан ўтмоқчи бўлдилар. Шу мазгилда Дехлидан Мавлоно Муҳаммад Факр Алининг арзномалари етиб келди. Улар ёзгандиларки, Ҳумоюн мирзо bemорлар ва ажаб бир ҳолатдалар, бу хабарни олгач, бегим ҳазратлари [Моҳим] тезлик билан Дехлига отлансиналар, чунки мирзо [Ҳумоюн] ўта сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Окам ҳазратлари бу хабарни эшитишлари биланок сабр-тоқатини йўқотдилар, худди ташналиқдан азоб чеккан кишидай Дехлига жўнаб кетдилар.

Матхурага етиб келганларида, ўзларининг жаҳонни кўргувчи қўзлари билан фарзандларини эшифтганларидан ўн чандон заифроқ ва нотавонроқ кўрдилар. У ердан она ва бола иккаласи худди Марям ва Исодек Аграфа йўл олдилар.

Аграфа етиб келганларидан кейин бу ҳақир [Гулбаданбегим] опа-сингиллари билан ул фаришта табиатли ҳазратлари [Ҳумоюн]га таъзим бажо келтиришга бордик. Уларнинг ҳоллари борган сари оғирлашиб бораётгани туфайли ҳар гал хушларига келганларида, дур сочувчи тиллари билан ҳол-аҳвол сўрадилар ва: «Сингилларим, хуш келибсизлар, қани, сизлар билан дийдор кўришайлик, ҳалигача кўришмадик», – дердилар. Уч қайта гавҳар сочувчи тиллари билан шу сўзларни айтиб, бизни мамнун қилдилар.

Ҳазратлари [Бобур] келиб дийдор кўришгач, нурафшон чехраларида ғам-кулфат сояси кўринди. Уларни кўришлари ҳамоно [Ҳумоюн] баттар дардини изҳор қиласидилар.

Шу пайт окам [онам] ҳазратлари айтдилар: «Сиз менинг фарзандимдан ғофилсиз. Сиз подшоҳсиз, не ғамингиз бор? Бошқа фарзандларингиз бор. Гамни ҳаммаси менда, чунки биттаю битта фарзандим бор!» Ҳазратлари [Бобур] жавоб бердилар: «Моҳим, гарчи бошқа фарзандларим бўлса ҳам ҳеч бир фарзандимни сенинг Ҳумоюнингчалик яхши кўрмайман, чунки салтанату подшоҳлик ва ёруғ дунёни фақат жаҳонда ягона, нодири даврон, толеи кулган, фарзанди дилбанд Ҳумоюн учун истайман, бошқаларга эмас».

Улар [Ҳумоюн] бетоблик пайтида ҳазратлари [Бобур] ҳазрати Муртазо Али (карамуллоҳи важхуху) зиёратига борувчини кутардилар. Ўша борувчини чоршанба куни кутишарди. Улар [подшоҳ] изтироб ва безовталиқдан сесланба кунидан кута бошладилар. Кун нихоятда иссиқ. Уларнинг дилу жигари ўртанди. Ўша борувчидан шундай дуо қилишни сўрадилар: «Эй Худо, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менким Бобурдурман, ўз умрим ва жонимни Ҳумоюнга бағишладим».

Ўша куннинг ўзидаёқ ҳазрати фирдавс макон [Бобур]нинг тоблари қочиб қолди. Ҳумоюн подшоҳ бошидан сув қуйиб, ташқарига чиқдилар ва қабул маросими ўтказдилар. Отам подшоҳ ҳазратларини бетоблиги туфайли ичкарига олиб кирдилар. [Бобур] қариб икки-уч ой ётувлик бўлиб қолдилар. Мирзо Ҳумоюн Колинжар томонга кетгандилар. Подшоҳ ҳазратларининг бетоблиги зўрайганлиги туфайли Ҳумоюн подшоҳ ҳазратларини тилатиб бир кишини юбордилар. Улар тезлик билан етиб келдилар. Ул ҳазратларига таъзим бажо келтиргач, уларни ўта

холдан тойган ҳолатда қўрдилар. Ҳумоюн подшоҳ ҳазратлари қаттиқ изтиробга тушиб, ҳаддан ташқари безовталандилар. Хизматкорларга қараб: «Нега бирданига бунчалик озиб-тўзиб кетдилар?» – дедилар ва табибу ҳакимларни чақиртирилар. Улардан: «Мен уларни соғ-саломат қолдириб кетгандим, бирданига нима бўлиб қолди?» деб сўрадилар. Ҳакимлар ва табиблар бир нарсалар дейишиди.

Отам подшоҳ ҳазратлари тинмай ҳар лаҳза «Ҳумоюн қаерда? Нима қиляпти?» деб сўрадилар.

Шу аснода бир киши келиб: «Мир Хўрдабекнинг ўғли Мир Бердик ҳузурларига келибдилар», – деб хабар берди. Отам подшоҳ ҳазратлари шу ондаёқ уларни ҳузурларига чақириб, безовта бўлиб сўрадилар: «Ҳиндол қаерда? Қачон келади? Нима бало бўлди? Нега бунча куттиради?» Мир Бердик жавобан: «Бахтли шаҳзода Деҳлига етиб келдилар. Бугун-эрта хизматларига етиб келса керак», – деди. Шунда отам подшоҳ ҳазратлари Мир Бердикка қараб: «Эй, бадбаҳт кимса, эшишишмча, синглингни Кобулда узатишибди, сени Лоҳурда уйлантиришибди. Мана шу тўйлар туфайли бўлса керак, ўғлимни эртароқ олиб келмадинг, интизорлик ҳаддан ошиб кетди-ку!» – дедилар. «Ҳиндол мирзо қанча ўсган? Кимга ўхшайди?» деб сўрадилар.

Мир Бердик мирзонинг [Ҳиндол] кийимини кийиб олганлиги учун уни кўрсатиб: «Бу шаҳзоданинг либоси эди, бу бандаларига иноят қилдилар», – деди. Ҳазратлари [Бобур] яқинроқ келишни сўраб: «Қани кўрай, Ҳиндолнинг қаддиқомати қанча бўлганийкин», – дедилар. Ҳар сония: «Во дариф, Ҳиндолни кўрмадим», – деб надомат чек-

дилар. Ким келса, ундан: «Хиндол қачон келади?» – деб сўрардилар.

Бетоб бўлиб ётган пайтларида окам [онам]га: «Гулрангбегим ва Гулчехрабегимни узатиш керак», – деб ҳукм қилдилар. «Қачонки Жев¹нинг амма ҳазратлари ташриф буюрсалар, уларга маълум қилингларки, подшоҳ айтдилар, менинг хаёлимдан кечдики, Гулрангни Эсан Темур Султонга, Гулчехрани Тўхта Буға Султонга унаштирасак бўларди». Окажоним табассум ила келдилар. Уларга: «Подшоҳ ҳазратлари хаёлимдан шундай қилсак, деган фикр ўтди, қолганини улар нимага розилик берсалар, шундай қилинглар, деб буюрдилар», – дейишиди. Окажоним ҳазратлари [Хонзода] ҳам: «Худомуборак қилсин. Ўзи ёрлақасин. Хотирларига жуда яхши фикр келибди», – дедилар. Чечам [онам]нинг ўзлари, Бадиъ ул-Жамолбегим ва Оқбеким ҳар иккала аммани даҳлизга олиб кетдилар. [У ерни] тозалатиб, гиламлар тўшаб, Моҳим ойим ҳар иккала султонни тиз чўқтириб, уларни баҳтиёр этадиган соатнинг маслаҳатини қилдилар.

Шу орада уларнинг [Бобур] қорин оғриқлари кучайди. Хумоюн подшоҳ ҳазратлари отасининг ахволи оғирлашганини қўриб, безовталиги янада ошди. Табиблар ва ҳакимларни чақиртириб, яхшилаб қаранглар, ҳазратлари [Бобур]нинг дардини даволанглар, деди.

Ҳакимлар ва табиблар тўпланишиб, бизнинг толеимиз пастлиги шундаки, бирон-бир дори кор қилмаётитпи, фақат Ҳақ субҳонаҳу ҳазратларидан

¹ Жев – Гулбаданбекимнинг эркалатиб айтиладиган номи.

умидвормизки, ўз ғайб хазиналаридан шифойи ожил ато қилсин, деб зорланиши.

Шундан сўнг ул ҳазратларининг томирларини ушлаб кўриб, табиблар: «Ўша Султон Иброҳимнинг оналари берган заҳарнинг асаридир», – дейиши. Бу шундай рўй берганди: бахтиқаро Байда канизи орқали бир чимдим заҳар бериб, буни Ахмад чошнагир¹нинг қўлига топшир ва айт, қандай йўл билан бўлса ҳам подшоҳнинг хос ошига ташласин, деб буюриб, унга катта ваъдалар қилганди.

Подшоҳ ҳазратлари [Бобур] ўша бахтиқаро Байдани она дейишига ва унга ер-мулк тайин қилиб, ҳар томонлама ҳурматини жойига қўйишига ва мени Султон Иброҳим ўрнида кўр, дейишига қарамай, шу ишни қилди. Аммо бу халқда жаҳолат устун турганлиги учун кўрсатилган иззат-икромни назарга олмади. Қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан, деган гап бор. Хуллас, заҳарни ўша ошпазга олиб келиб берган эди. Аллоҳ таоло ўша ошпазни кўр ва кар қилиб қўйди. У заҳарни овқатнинг устига сепган эди. Улар ўша овқатдан озгина тановул қилгандилар. Касалликнинг асл сабаби ўша заҳар бўлиб, кундан-кун озиб-тўзиб, бетоблиги кучаяр, ранги ўзгариб бораради.

Эртасига барча амирларни чорлаб буюрдилар: «Неча йиллардан бери подшоҳлигимни Ҳумоюнга бериб, ўзим Зарафшон боғининг бир чеккасида узлатга чекилсан деб кўнглимни бир чеккасига туғиб юрардим. Аллоҳнинг қарами билан ҳаммаси мұяссар бўлди, лекин шу ишни таним соғлигига

¹ Чошнагир – овқатнинг мазасини тотиб кўргувчи, подшоҳнинг ишончли ошпази.

құлмоқчи әдим, бўлмади. Эндиликда бу хасталик мени енгди. Ҳаммангиз Ҳумоюнни менинг ўрнимда кўринглар ва унинг давлатини қўллаб-кувватлашда ҳимматларингни кам қилманглар, у билан ҳамжиҳат, ҳамнафас бўлинглар. Ҳақ субҳонаҳу таолодан умид қиласанки, Ҳумоюн ҳам одамларга яхши муносабатда бўлади. Энди, Ҳумоюн, укаларингни, барча қариндош-уруг ва ҳалқни сенга, сени Худога топширдим». Бу сўзлардан ҳозир бўлганлар зор чекиб йигладилар ва уларнинг муборак кўзлари ҳам ёшга тўлди.

Бу воқеани ҳарам аҳли, ичкари кишилари эшитдилар. Безовталиқ, дод-фарёд кўтарилиди. Уч қундан кейин фоний дунёдан абадий оламга равона бўлдилар.

937 ҳижрий сана (1530 й. 26 декабрь) жумод ул-аввал ойининг бешинчиси душанба куни бу дунёдан ўтдилар.

Табиб ва ҳакимлар кўргани келиш баҳонаси билан аммамиз ва оналаримизни олиб чиқиб кетишиди. Ҳамма ўрнидан турди, бегимлар ва оналаримни катта хонага киритишиди. Фарзандлар, яқинлар ва бошқа кишиларнинг бошига қора кунлар тушди, ҳаммалари зор-зор йиглар, дод-фарёд солар, тоқатсизланарди. Ҳар бири бир бурчакда қора кунларни яширин бошдан кечирарди. Ўзларининг бошига тушган воқеани яширин тутишарди.

Охири Оройишхон номли ҳинд амирларидан бири арз қилди: «Бу ишни яшириш яхши эмас, неғаки Ҳиндистонда агар подшоҳлар шундай воқеага дуч келишса, одамлар бозорларни талон-тарож қилишади. Баски, мўғуллар билмасдан хонадонлар ва ҳовлиларга кириб талон-торож қилишмасин. Би-

рон кишига қызил либос кийдириб, филга ўтқазиб, Бобур подшоҳ ҳазратлари дарвешликни ихтиёр этиб, подшоҳликни Ҳумоюн подшоҳга топшириби, деб жар чақиртирилса, маъқул бўларди».

Ҳумоюн подшоҳ ҳазратлари «Шундай қилинглар», деб ҳукм қилдилар. Шундай жар чақирилиши билан одамлар анча тасалли топишли. Халқ уларнинг давлатлари [бардавом] бўлсин, деб дуо қилди.

Шу ойнинг тўққизида, жума куни Ҳумоюн подшоҳ ҳазратлари тахтга ўтиридилар. Уларнинг подшоҳлигини барча олам муборакбод қилди.

Шундан сўнг ўзининг оналари, сингиллари, яқинларини йўқлаб, ҳол-аҳвол сўрадилар, уларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатдилар.

«Ҳар ким қандай мансаб, хизматда бўлса, қандай ер-мулка эга бўлса, ўз ҳолича қолади ва аввалги тартибда ўз хизматларини адо этаверсинглар!» – деб ҳукм қилди.

Худди шу куни Мирзо Ҳиндол Кобулдан келиб, подшоҳ [Ҳумоюн] ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар. Уни [кўриб] ўта хурсанд бўлдилар, меҳрибонлик кўрсатдилар. Отадан қолган хазинадан анча нарсаларни Мирзо Ҳиндолга иноят қилдилар.

Отам подшоҳ ҳазратлари вафотидан кейин биринчи улуғ айём кунларининг маъракалари мозор бошида ўтказиларди. Мухаммад Али миршабни ҳазратлари [Бобур]нинг мозорига мутавалли қилиб тайинлашди. Жамоат билан беш вақт намоз ўқиб, хатми қуръон қилсинлар ва жаннат-макон ҳазратларининг арвоҳларига дуои фотиха қилсинлар, дея олтмиш хушовоз ҳофиз ва қироати юксак қориларни тайинладилар. Сикри (ҳозирда

Фатҳпур номи билан машхур)ни унга боғлаб қўйишди ва токи мозорга тегишли бўлган уламо, ҳофизлар ва бошқаларга сарфласинлар, деган ниятда ундан тушадиган беш лакдан ортиқ даромадни ҳазратларининг мозорига вақф қилдилар.

Окам [онам] икки маҳал ош беришни тайинлайдилар. Эрталаб бир бука, икки қўй, беш эчки ва на-мозигарда беш эчки [дан овқат қилишарди]. Окам [онам] ҳаётлик пайтида икки йилгача икки маҳал бутаом окамнинг мол-дунёсидан мозор бошига эҳсон қилинарди.

Окам [онам] ҳаётлик пайтларида подшоҳ ҳазратлари [Хумоюн]ни окамнинг давлатхона [уй] ларида кўрардим. Окам [онам] мазалари қочганда, каминага, менинг вафотимдан кейин подшоҳнинг қизлари акалари [Хумоюн]ни Гулбаргбибининг уйларида кўришлари мушқул кўринади, дедилар.

Окам [онам] ҳазратларининг сўзларини подшоҳ ҳазратлари юрак-юрагига жо қилган эканми, токи Хиндистонда экан, доимо бизнинг уйга келиб, бизларни йўқлаб турдилар ва беҳад меҳрибонлик иноят қилдилар. Маъсума Султонбегим, Гулрангбегим, Гулчехрабегим ва бошқа бегимлар оиласлик бўлган эдилар. Подшоҳ ҳазратлари бу ҳақирнинг уйига келарди ва барча бегимлар ҳам бу ҳақирнинг уйига келиб, подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо айладилар. Максад шуки, подшоҳ отам ва окам вафотларидан кейин подшоҳ ҳазратлари [Хумоюн] бу кўнгли синикдан кўнгил сўраб турар, бу бечорага шунчалар иноят ва беҳад шафқат қилардиларки, ўзимнинг етимлигим ва бошимда соябонларим йўқлигини сезмасдим.

Жаннат ошиён ҳазратлари [Хумоюн] фирмавс-
макон ҳазратлари вафотидан кейин Ҳиндистонда
бўлган ўн йил давомида барча кишилар маъмур ва
хавф-хатарсиз, тоат-итоатда ҳаёт кечирдилар.

Фирдавс макон ҳазратлари [Бобур] воқеаларидан
кейин Биббан ва Боязид Гур томондан келдилар. Бу
хабарни эшитишлари биланоқ подшоҳ ҳазратлари
Аградан улар томонга йўл олдилар. Биббан билан Бо-
язидни мағлуб қилиб, Чанодага келдилар. Чанодани
ҳам қўлга киритиб, Арага келдилар.

Окам – Моҳимбегим, ягона орзу-тилагим –
Хумоюннинг фарзандларини кўрсам, дердилар.
Қаерда соҳиби хусну жамол қиз кўрса, подшоҳ
ҳазратларининг хизматларига келтирадилар. Мева-
жон – Хаданг ясовулнинг қизи – менинг хизматим-
да эди. Иттифоко, фирмавс макон ҳазратлари [она]
ҳали ҳаётликларида бир куни: «Хумоюн, Меважон
ёмон эмас, нега ўз хизматингга олмайсан?» – деди-
лар. Охири улар [она]нинг сўzlари билан Хумоюн
подшоҳ ўша кеча никоҳ қилиб Меважонни олдилар.

Уч кундан кейин Бекабегим Кобулдан келдилар
ва ҳомиладор бўлдилар. Бир йилдан кейин қиз
туғилди. Исмини Ақиқабегим кўйишиди.

Меважон ҳам окам Моҳимбегимга: «Мен ҳам
ҳомиладорман», – деди. Окам икки хил ярок [сар-
по] тайёр қилдилар. «Икковингдан қай биiring ўғил
туғсанг, яхши яроқни ўшанга бераман», – дедилар.
Бир даста яроқ, тилла, кумушдан бодом ва ёнгоклар
ясаттириб қўйган ҳамда ёлғон яроқ ҳам ясаттириб
қўйган эдилар. Буларнинг икковидан бири ўғил туғса
керак, деб димоғлари чоғ эди. Интизорлик билан
кутганларида, Бекабегим Ақиқабегимни туғдилар.

Энди кўзлари тўрт бўлиб Меважонни қутардилар. Ўн ой тўлиб, ўн биринчи ой ҳам ўтди. Меважон эса: «Холам Мирзо Улуғбекнинг оиласи эдилар, ўн икки ойда ўғил туққанлар. Эҳтимол, мен ҳам унга ўхшагандурман», – дердилар. У чодирлар тикиб, кўрпа-тўшаклар қавитганди. Охирида маълум бўлдики, елбўғоз эканлар.

Чанода тарафга кетган подшоҳ ғалаба ва саодат билан қайтдилар.

Окам – Моҳимбегим, катта тўй бериб, бозорларни безатдилар. Илгарилари савдо ахлининг ўзигина бозорларга зеб берардилар. Охири улар [Моҳимбегим] одми кишилар ва аскарларга ҳам хукм қилдилар, токи яхши жойлар, сўлим маконлар кўтарсинглар. Шундан сўнг кўча безаш Ҳиндда расм бўлди.

Тўрт зиналик тахтнинг устига зардўзи адраски, зардўзи тўшак ва ёстиқ ташланганди. Чодирларнинг усти ва қабулхона ичкариси фарангий зарбоф, ташқариси португал сақарлоти [мовут] билан ёпилганди. Чодир ва қабулхонанинг ёғочларига тилла ҳал югуртирилиб, уларга ниҳоятда зеб берилганди. Харгоҳ [чодир]нинг турлув [иплари] Гужарат зарипакларидан, каннат ва сарканнат (жомашов), офтоба, чилопчин, шамдон, идиш-оёқ, гулобпош (гулоб сепадиган)ларнинг ҳаммаси тилладан яалиб, кимматбаҳо тошлиар қадалганди. Ҳамма анжомларни тайёрлаб, бинойидай тўй беришди. Ўн икки қатор туя ҳамда ўн икки қатор ҳачир, етмишта тўбичноқ от, юзта юқ ташувчи от тортиқ қилишди ва етти минг кишига маҳсус сарпо беришди. Бир неча кунгача шодиёна давом этди.

Шу аснода, Муҳаммад Замон мирзо Ҳожи Муҳаммад Кўкайнинг отасини ўлдирибди, энди исён

күтариш пайида, деб эшилдилар. Подшоҳ ҳазратлари уларни келтириш учун бир кишини юбордилар. Уларни тутишиб, Баёнада қамаб, Ёдгор тоғайга топширдилар. Ёдгор тоғайнинг одамлари биргаллашиб, Муҳаммад Замон мирзони қочирдилар. Шу мазгилда Султон Муҳаммад мирзо ва Найхуб Султон Мирзонинг кўзига мил тортилсин, деган ҳукм бўлди. Найхуб мирзонинг кўзларига мил тортиб, кўр қилишди. Муҳаммад Султон мирзонинг кўзига мил тортган киши унинг кўзига зарар етказмади. Бир неча кундан кейин Муҳаммад Замон мирзо ва Муҳаммад Султон мирзо ҳамда ўғиллари Улуғ мирзо, Шоҳ мирзо қочишиди. Бир неча йил давомида ҳамиша уларнинг гавфоси бўлди.

Подшоҳ ҳазратлари Биббан ва Боязид лашкарларидан қайтгач, окам [онам] бир йилга яқин Агра да бўлдилар. Онам ҳазратларига, шу кунларда юрагим сиқиляпти, агар ҳукм қилсалар, сизнинг хизматингизда Гувалёр сайрига борсак, дея арз қилдилар. Окам ҳазратлари, очам ва сингиллар Маъсума Султонбегим (мен Моҳчеча дердим) билан Гулрангбегим (мен Гулчече дердим) валинеъматларнинг хизматларида Гувалёрда бўлдик.

Гулчехрабегим Удадаликларида, уларнинг эрлари Тўхта Буға Султон Ҳақ раҳматига етишдилар. Бегимнинг хизматида бўлган кишилар: «Тўхта Буға Султон вафот қилди, бегимни нима қилай?» – деб Удадан ҳазратларининг арзига еткурдилар. Подшоҳ ҳазратлари мирзочага: «Бориб бегимни Аграга келтиринг, биз ҳам Аграга борамиз», – деб ҳукм қилдилар.

Шу орада онам ҳазратлари: «Агар ижозатлари бўлса, Бекабегим ва Ақиқани чақирсан, улар ҳам Гувалёрни кўришса», – дедилар.

Навкарлар ва Хожа Кабирни жўнатишиди, Бекабегим билан Ақиқа Султонбегимни Аградан олиб келишиди. Гувалёрда икки ойни бирга ўтказишиди. Шундан сўнг Аграфа жўнашди. Шаъбон ойида Агра да эдилар.

Шаввол ойида онамнинг қоринларида оғриқ пайдо бўлди. Шу ойнинг ўн учинчи куни 940 ҳижрий сана (27 апрел 1534 й.) фоний дунёдан бокий дунёга сафар қилдилар.

Подшоҳ отам ҳазратлари фарзандларининг етимлик доғи янгиланди. Айниқса, мениниким, ўзлари парвариш қилгандилар. Менинг бошимга бир турфа ҳолат, бетоқатлик ва оғир мусибат тушганди. Кечаю кундуз зор-зор йиглаб, дод-фарёд солардим. Подшоҳ ҳазратлари бир неча бор келиб, тасалли бердилар, меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилдилар. Онам ҳазратлари икки ёшлигимда мени ўз уйларига олиб кетиб, тарбияладилар ва ўн яшарлигимда бу дунёни тарқ этдилар. Яна бир йилгача онамнинг уйида бўлдим.

[Хумоюн] Ҳазратлари Дхўлпур сайрига кетган вактларида ўн бир ёшга қадам қўйгандим, ачам [Дилдор]га ҳамроҳ бўлдим. Гувалёрга жўнашдан аввал иморат бино қилишга тушдилар.

Онам [Моҳим]нинг қирқи ошини ўтказиб, подшоҳ Дехлига ташриф буюрдилар ва у ерда динпаноҳ қальта тамал тошини қўйдилар, сўнг Аграфа келдилар.

Онажоним [Хонзода] подшоҳ ҳазратларидан: «Мирзо Ҳиндолнинг тўйини қачон қиласиз?» – деб сўрадилар.

Ҳазрат: «Бисмиллоҳ!» – дедилар. Мирзо Ҳиндолни никоҳ қилган пайтларда онам [Моҳим] ҳали

тирик эдилар. Тўйни ўтказамиз деб, тўй асбоб-ан-жомларини тайёрлашга машғул бўлаётгандарида, [подшоҳ] «Тилсим» [тўйхона]нинг тўй анжомлари ҳам тайёр, аввал «Тилсим» зиёфатини берай, сўнг Хиндолни тўйини қиласай, деб буюрдилар.

Подшоҳ ҳазратлари онажонимга [Хонзода]: «Амма ҳазратлари нимани буюрадилар?» – дедилар. Улар эса: «Худо муборак қилсин, хайрли бўлсин», – дедилар.

Дарё лабида қурилган ва «Тилсим» деб аталган тўйхонанинг шархи

Биринчи саккиз бурчакли хона ва хонанинг ўртасида саккиз бурчакли ҳовуз, ҳовузнинг ўртасида саккиз бурчакли суфа ва унинг устига шоҳона гиламлар тўшалганди. Кўпчилик ёшлар ва гўзал қизлару соҳибжамол аёллар ҳамда созандалару хушвоноз хонандалар ҳовуздаги [супа]га ўтирасин, деб хукм қилинганди.

Хонанинг тўрида онам [Моҳим] тўйда иноят қилмиш жавоҳир билан безалган таҳт қўйилган, унинг олдига зардўзи тўшак ташланганди.

Подшоҳ ҳазратлари ва онажоним [Хонзода] таҳтнинг олдидаги бир тўшакка ўтирилар. Онажонимнинг ўнг кўлларида уларнинг аммалари, Султон Абусаид мирзонинг қизлари Фахр Жаҳонбегим, Бадиъ ул-Жамолбегим, Оқбегим, Султон Баҳтбегим, Гавҳаршодбегим ва Хадича Султонбегим ўтирилар.

Бошқа тўшақда бизнинг аммаларимиз – фирдавс макон [Бобур] ҳазратларининг опа-сингиллари бўлмиш Шаҳрбонубегим, Ёдгор Султонбегим, Сул-

тон Хусайн мирзонинг қизи Ойша Султонбегим, подшоҳ ҳазратларининг аммаси Зайнаб Султонбекимнинг қизи Улуғбеким, подшоҳнинг амакилари Султон Аҳмад мирzonинг қизи Ойша Султонбеким билан Султонийбеким, подшоҳнинг амакиси Султон Халил мирzonинг қизи Калонхонбекимнинг онаси Бекабеким, подшоҳнинг амакиси Улуғбек миозо Кобулийнинг қизлари Моҳимбеким билан Бегибеким, она томондан Поянда Мухаммаднинг невараси Султон Масъуд мирzonинг қизи Хонзодабеким, подшоҳнинг аммаси Султонбеким, Бадиъул-Жамолбекимнинг қизи Шоҳхоним, Оқбекимнинг қизи Хонимбеким, подшоҳнинг катта тоғалари Султон Маҳмудхоннинг қизи Зайнаб Султонхоним, Олачахон номи билан машҳур бўлган подшоҳнинг кичик тоғаси Султон Аҳмадхоннинг қизи Муҳибба Султонхоним, подшоҳнинг холасининг қизи Мирзо Хайдарнинг сингиллари Калон ва Хониш, Бека Калонбеким, Кичикбеким, подшоҳнинг аммаси Фаҳр Жаҳонбекимнинг қизи Дилшодбекимнинг онаси Шоҳбеким, Султон Баҳтбекимнинг қизи Кичкинабеким ва Оппоқбеким ҳамда подшоҳнинг аммаси Мехлиқбеким, подшоҳнинг она тарафдан аммаси Султон Хусайн мирzonинг невараси Шодбеким, Султон Хусайн мирzonинг невараси Музaffer миранг қизи Мехрангизбеким (Уни жон-дилдан яхши кўришар, унга эрларнинг кийимини кийдиришарди. У анвои хунар соҳиби эди. У зеҳгиրтарошлиқ¹, чавғонбозлиқ, ёй отишни билар ва қўплаб созларни чаларди), Гулбеким, Фавқбеким, Жон Султонбеким,

¹ Ёй отиш учун бармоққа тақиладиган ангишвонасимон буюм.

Афрузбонубегим, Оғабегим, Ферузабегим ва Барлос-
бегимлар ўтиришарди.

Бошқа бегимлар ҳам кўп бўлиб, жами тўқсон олти
киши эди ва ҳаммаси маошлик эдилар. Бир қанча
бошқалари ҳам бор эди.

«Тилсим»нинг зиёфатидан кейин Мирзо
Хиндолнинг тўйи бўлди. Юқорида зикр этилган бе-
гимлардан баъзилари вилоятларга кетдилар. Шу
йиғинда ҳозир бўлган баъзилари ўнг қўл тарафда
ўтиришарди. Бизнинг бегимлардан Оға Султон, Ёд-
гор Султонбекимнинг онаси Оғоча, Отун момо, Сали-
ма, Сакина, Биби Ҳабиба ва Ҳанифабекалар эдилар.

Подшоҳнинг чап томонидаги зардўзи тўшакда
Маъсума Султонбеким, Гулрангбеким, Гулчехра ва
бу қўнгли синик ҳақирлари Гулбаданбеким, Ақиқа
Султонбеким, бизнинг онамиз бўлмиш Дилдор-
беким – ачамиз, Гулрангбеким, Бекабеким, нанача
Моҳим, Амир халифанинг оиласи Султоним, Алуш-
беким, Ноҳидбеким, Хуршид қўка, подшоҳ отам-
нинг қўжаларининг болалари – Афғоний оғоча, Гул-
нор оға, Нозгул оғоча, Ҳиндубекнинг аёли Маҳдума
оға, Равшан Кўқанинг онаси Фотима Султон энага,
Мирзокули кўканинг аёли Надим кўканинг онаси
Фахрунисо энага, Муҳаммад кўканинг аёли, Муай-
йидбекнинг аёли, подшоҳнинг қўжалари – Хуршид
қўка, Шарафнисо қўка, Фатҳ қўка, Робия Султон
қўка, Моҳлиқо қўка, бизнинг энагалар ва қўкалар,
бегимларнинг одамлари, амирларнинг аёллари
ўтирадилар.

Ўнг қўл тарафда ўтирган одамлар Салимабека,
Бишибека, Хожа Абдулла Марвориднинг қизи Хо-
ним оға, Мўғулбекнинг онаси Нигор оға, Нор Сул-

тон оға, Миршоҳ Ҳусайннинг қизи Абасбека, Кесак Моҳим, Кобули Моҳим, Беги оға, Хоним оға, Саодат Султон оға, Биби Давлатбаҳт, Насиб оға, Абас Кобули, бошқа оғалар ва бекалар – амирларнинг аёллари эдилар. Барчалари ана шу тўй маросимида қатнашгандилар.

«Тилсим» уйининг тархи қўйидагича эди: саккиз бурчак катта хона – шу ерда тўй берилган эди. Кичик хона ҳам [каттаси]га ўхшаб саккиз бурчакли эди. Ҳар иккала саккиз бурчакли хона анвои безаклар билан безалганди. Саккиз бурчакли катта хонадаким – тўйхонадур – жавоҳирлар билан безалган тахт қўйилган, тахтнинг усти ва тагида зардўзи адрески [тўшаклар] солинган, бир ярим газлик марварид шодалари осилганди. Ҳар бир шоданинг тагида икки юмалоқ ойна ва пастда ўттиз-қирқ шода марварид ясад осилганди.

Саккиз бурчакли кичик хонада, жавоҳирлар билан безалган каравот ва токчаларга қимматбаҳо тошлар қадалган пондон¹, кўза, пиёла, тилла ва кумуш уй анжомлари қўйилганди.

[Яна бир хона] қиблага қараган томони девонхонага, шарқ томонда боққа, жанубга қараган томони саккиз бурчак катта хонага ва шимолга қараган томонида кичик саккиз бурчакли хонага эшик очилганди. Бу юқорида зикр этилган учта хонанинг тепасида учта болохона бор эди. Уларнинг бирини «давлат хонаси» дейишарди. Бу хонада тўққизта жанг яроқлари: садаф қадалган қилич, қўр², камар ва ханжар, жамудҳар³,

¹ Пон – ҳиндлар чайнайдиган хушбўй барг.

² Қўр – ўқ-дори идиши.

³ Жамудҳар – эгри ханжар.

каҳпух¹, ўқдон бўлиб ҳаммасига қимматбаҳо тошлар қадалган ва қурол-аслаҳа устига зардўзи ёпинчиқ ташланган эди. «Саодат хонаси» деб аталадиган иккинчи хонада жойнамоз, китоблар, садаф қадалган қаламдонлар, чиройли жуздан ҳамда чиройли расмлар ва хатлар билан безалган мураққаъ² қўйилганди.

«Мурод хонаси» деб аталадиган учинчи хонада қимматбаҳо тошлар қадалган каравот сандал солинган идиш ва аклни лол қолдирадиган тўшаклар солинган, пастки томонда ҳам айриқча тўшаклар солинган бўлиб, бу кўрпачаларнинг олдида ҳаммаси лол қолдирадиган зарбафтдан тикилган дастурхонлар ёзилган, алвон мевалар ва анвои шарбатлар, барча айшу тараб ва емишлар муҳайё эди.

«Тилсим» уйининг тўйи бўлган куни: «Ҳамма мирзолар, бегимлар ва амирлар сочқи тайёрласинлар!» – деган буйруқ бўлди. Уларнинг буйруқлариға биноан ҳамма [сочқи] келтиридилар. «Бу сочқиларни уч тўда қилсинлар», – деб буюрдилар. Уч товоқ ашрафий (танга) ва олти товоқ шохрухий (танга) бўлди. «Бу «Давлат» [хонасидагилар] ҳиссаси», деб бир товоқ ашрафий ва икки товоқ шохрухийни Ҳиндубекка бердилар: «Мирзолар, амирлар, вазирлар ва сипохийларга улашинг!»

«Бу «Саодат» [хонасининг] ҳиссаси», деб бир товоқ ашрафий ва икки товоқ шохрухийни Мулло Мухаммад Фарғарийга мулозимат қилдилар: «Буни акобир ва аъёнлар, уламо ва солиҳлар, зоҳидлар, ма-

¹ «Кахпух» сўзи ҳиндий ва форсий лугатларда қайд қилинмаган, афтидан милтиқнинг оғзаки нутқдаги номи бўлса керак.

² Мураққаъ – альбом.

шойихлар, дарвешлар, обидлар, фақирлар, мискинларга улашинг».

Бир товоқ ашрафий ва икки товоқ шохрухийни: «Бу «Мурод» [хонасининг] хиссаси – бизники, оддимга келтиринг», деб буюрдилар. Келтирилар. «Аввал бир товоқча ашрафий ва икки товоқча шохрухийни бегимлар олдига олиб боринг. Сикимларига сиққанича олишсин!» – деб буюрдилар.

Сўнг қолган икки товоқ шохрухий ва борлик ашрафий (чамаси икки минг танга ва шохрухий чамаси ўн минг танга эди) аввал валинеъматлар, сўнг бошқаларнинг олдига сочдилар. Йифиндагиларнинг ҳар бири юз-юз эллик тангадан кам топмаган эди. Айниқса, ҳовуз ўртасида ўтирган жамоатга кўп тегди.

Подшоҳ ҳазратлари онажоним [Хонзода]га қараб: «Агар ижозат берсалар ҳовузга сув қуйилса», – деди. Онажоним: «Кўп яхши», – дедилар. Ўзлари бориб зинанинг тепасига ўтирилар. Одамлар ғафлатда қолиб, бирданига шариллаб сув қуйилди. Ёшлар бирданига қий-чув солишли.

Подшоҳ ҳазратлари: «Ўз ҳолига қўйинглар», – дедилар. «Ҳар қайсинглар бир юмалоқ шит (арпабодиён) ва бир бўлак маъжун енглар, кейин бу ердан чикинглар», – деб буюрдилар. Шу орада ким маъжун еган бўлса, тезда у ердан чиқди. Сув тўпикка чиқсан эди. Хуллас, ҳамма тўйгунча маъжун еди ва у ердан чиқишиди. Тўй оши тортилади ва одамларга сарпо қўйилди. Маъжун еганлар ва бошқаларга ҳам инъомлар, сарполар улашилди.

Ҳовуз бўйида меҳмонхона бўлиб, унинг дарчаларига панжара тутилганди. Ёшлар ана шу

мехмонхонада ўтиришди. Ўйинчилар ўйинга тушишди. Қизлар базми ҳам авжида эди.

Кемалар ҳам безалганди. Бир кемада гўё олти кишини олти бурчакка турғазиб қўйишган ва тенасиға болохона ясашган, тагида чирмовуқгул, гултожихўроз, гули нафармон, лола ўтқазиб, боғча қилишганди. Бир жойда саккиз кемани бирлаштириб, бир кема ясашганди, у саккиз бўлак бўларди. Гапнинг қисқаси, Худойи таоло уларнинг муборак дилларига шунга ўхшаш кўп ихтиrolарни солган эдики, ҳар ким кўрса, ҳайратдан ёқа ушларди.

Энди Мехди хожанинг синглиси Султонимбегим билан Мирзо Ҳиндолнинг тўйлари шархи

Отамнинг езна [почча]сини Жаъфар хожадан бошқа фарзандлари йўқ эди. Фарзанд бўлмасди. Она-жоним Султонимни фарзанд тутинган эди. Икки ёшдан бошлаб Хонзодабегим уни боқиб олган эди. Уни ўта яхши кўрарди. Уни ўз акасининг ўғли [Ҳиндол]га берди. Жуда серфайз, яхши тўй бўлди.

...Кўшк, адрес [кўрпа], бешта тўшак, бешта ёстиқ, битта катта лўла болиш, иккита думалок кўшуқаболиши¹, чимилдиқ чодири, учта тўшак билан парда – ҳаммаси зардўзи.

Мирзо [Ҳиндол]нинг сарпоси: чорқаб, зардўзи тож, фўта (белбоғ), дастрўмол, зардўзи сочиқ ва зардўзи қўрпуш².

Султонимбегимга тугмалари жавоҳирдан тўқ-қизта нимча: биттаси лаълдан, биттаси ёқутдан, бит-

¹ Кўшуқаболиши – кўш болиш.

² Қўрпуш – кўрпа ва тўшак солинадиган ғилоф.

таси зумраддан, биттаси ферузадан, биттаси забар-жаддан, яна биттаси шунга ўхшагандан. Ундан кейин тўққиз шода гавҳар, бир чорқаб¹ ҳамда тугмали чорқаритчи² [нимча], бир жуфт лаъл узук, бир жуфт дур узук, учта пакҳа³ ва шоҳона соябон, бир пояли чироф, Хонзодабегим йикқан ҳар хил асбоб-анжом, кўрпа-тўшак, уй анжомлари ва буюм-тайимлар – ҳаммасини бердилар.

Шундай бир тўй қилдиларки, подшоҳ отамнинг бошқа фарзандларига унақа тўй мұяссар бўлмади. Ҳамма мұҳайё қилган нарсаларини топширидилар: тўққизта эгар-жабдуғига қимматбаҳо тошлар қадалган тўбичноқ от, тилла ва кумуш уй асбоб-анжоми, турк, черкас, ўрус ва ҳабаш қуллар. Ҳар биридан тўққиз-тўққиз инъом қилдилар.

Отамнинг езнаси Мирзо [Ҳиндол]га ҳадялари: тилла-кумуш асбоб-анжомлари билан; бир тўққиз тўбичноқ от, зардўзи, жавоҳир қадалган эгар-жабдуқ яна икки тўққиз юқ ташувчи отлар, баҳмал зарбафт ва португал мовутидан эгар-жабдуқ; турк, ҳабаш ва хинд қуллари ҳаммаси уч тўққиздан ва уч занжирли фил.

Тўйдан фориғ бўлгач, Хуросонхон номли Султон Баҳодирнинг вазири Баёнага чопқин ясади, деган хабар келди. Подшоҳ ҳазратлари Мирзо Аскарийни Фахр Алибек, Мир Турдибек ва бошқа амирлар билан жўнатдилар. Улар Баёнага бориб жанг қилиб, Хуросонхонни мағлуб қилдилар.

¹ Чорқаб – қадимий зеб-зийнатлардан бири.

² Чорқаритчи – қадимий тақинчоқ.

³ Пакҳа – елпигич.

Бир муддатдан сўнг подшоҳ ҳазратларининг ўзлари саодат ва саломат ҳолатда Гужаратга йўл олдилар. 941 ҳижрий сана ражаб ойининг ўн бешида (1535 й., 29 январь) Гужаратга азму жазм кўрсатдилар. Зарафшон боғида чодир тикирдилар ва шу боғда лашкар тўплангунча бир ой турдилар.

Девон кунлариким, якшанба ва сесанбадир, сувнинг у томонига ўтардилар. Боғда бўлган кунларининг аксарида очам [Дилдор], опа-сингиллар ва ҳарам аҳли ҳазратларининг хизматларида бўлардик. Ҳаммадан юқорида Маъсума Султонбегимнинг чодири, ундан сўнг Гулрангбегим билан очамнинг чодири ёнма-ён турарди. Онамнинг чодиридан кейин Гулбаргбегим, Бекабегим ва бошқа бегимларнинг чодири турарди.

Ошхоналар қуриб, тайёр қилишди. Биринчи марта боғда тиклангач, эл-юртдаги тартиб-қоидани кўриш учун [подшоҳ] ташриф буюрдилар. Бегимлар ва опа-сингиллар ҳам қадам ранжида қилишди. Маъсума Султонбегимнинг [чодири] яқинрок тушгани учун уларнинг уйига ташриф буюрдилар. Барча бегимлар ва опа-сингиллар ҳазратларининг хизматларида эди.

Ҳар қайси бегим ва опа-сингилларнинг уйига ташриф буюрсалар, ҳамма бегимлар ва опа-сингиллар уларга қўшилиб бирга келардилар. Эртаси куни бу ҳақир [Гулбадан]нинг уйига ташриф буюрдилар. Ўтириш ярим кечагача давом этди. Кўпчилик бегимлар, опа-сингиллар, бекалар, оғалар ва оғачалар, со занда ва хонандалар бор эди. Туннинг уч ҳиссасидан кейин [1 ҳисса – 3 соат] ҳазратлари [подшоҳ] дам

олишга ётдилар. Опа-сингиллар ва бегимларнинг ҳаммаси ҳазратларининг ҳузурларида ёнбошладилар.

Бекабегим: «Намоз вақти бўлди», – деб уйготдилар. [Подшоҳ] ҳазратлари: «Таҳорат сувини шу хонада тайёрласинлар», – деб буюрдилар. Бегимлар подшоҳ уйғонганини билишди. «Бу бокка ташриф буюрганингизга шунча кун бўлди, бир кун ҳам бизнинг уйга келмадингиз, – деб гинахонликни бошладилар. – Бизнинг уйнинг йўлига чақиртикан битмаганди-ку! Бизнинг уйга ташриф буюрасиз, йифин-маърака ўтказасиз, деб умид қиласиз. То-кайгача бу бечораларга нисбатан илтифотсизлик қиласиз?! Бизда ҳам кўнгил бор. Бошқа жойларга уч марталаб ташриф буюрдингиз, ўша ерда кеча-кундуз айш-ишрат билан ўтказдингиз».

Подшоҳ лом-мим демай намозга турдилар. Чошгоҳ пайти бўлганда опа-сингиллар, бегимлар, Дилдорбегим, Афғоний оғача, Гулнор оғача, Меважон, оғажон ва энагаларни чакирдилар. Биз ҳаммамиз йифилгач, подшоҳ ҳеч нарса демадилар. Ҳамма билдики, подшоҳнинг жаҳли чиққан эди. Бир муддат вақт ўтгач: «Биби, сахарда нимага мендан гинахонлик қилдинг? Ўша жой гина қиладиган жоймиди? Сизлар валинеъматларингизнинг уйида эканлигимни билардингиз-ку! Улардан кўнгил сўраб туришим лозим. Шунга қарамай, «кеч кўраман» деб уларнинг олдида уятлиман. Сизлардан узр сўрайман, деб кўнглимга туғиб қўйгандим. Ўзинглар тилга олганинглар яхши бўлди. Мен сархушман. Агар бордикелдим кечикиб кетса, мендан ранжиманглар. Йўқса, «Хоҳ келинг, хоҳ келманг, ихтиёр ўзингизда. Биз сиздан розимиз», деб хат ёзиб беринг».

Гулбаргбегим шу ондаёқ ана шу мазмунда ёзиг берди. Гулбаргбегимнинг [хатини] олдилар. Бекабегим бироз муболага қилдилар: «Буларнинг гуноҳдан баттар узрига қаранглар. Бизнинг гинахонликдан мақсад – бизни ўз илтифотларидан сарафроз қилсинлар, деган эдик. Улар бўлса ишни буёқга буриб юбордилар. Иложимиз қанча, подшоҳлар!» – деди ва хат ёзиг бердилар. Подшоҳ ҳазратлари олдилар.

Шаъбон ойининг ўн тўртида (1534 й., 18 февраль) Зарафшон боғидан кўчиб, Гужаратга йўл олиб, Султон Баҳодир устига бостириб бордилар. Улар Манҳасурда қарама-қарши келдилар. Жанг қилиб, Султон Баҳодирни мағлуб қилдилар. У қочиб, Чампонир тарафга кетди. Ҳазратларининг ўзлари бош бўлиб, таъқиб қилдилар. У Чампонирни ташлаб, Аҳмадободга қочди. Ҳазратлари Аҳмадобод вилоятини ҳам олдилар. Гужаратнинг борлигини одамларга бўлиб бердилар. Аҳмадободни Мирзо Аскарийга иноят қилдилар. Баҳручни Қосим Ҳусайн Султонга, Патанни Ёдгор Носир Мирзога бердилар. Ҳазратларининг ўзлари бир кичик гуруҳ кишилар билан сайр қилиб, Чампонирдан Канмбойат томонга йўл олдилар.

Бир неча кундан кейин бир аёл: «Сизлар нима қилиб ўтирибсизлар? Канмбойат одамлари тўпланишиб, устингизга бостириб келмоқчи!» – деган хабар келтирди. Ҳазратлари отга миндилар. Ул ҳазратнинг амирлари ўша жамоатнинг устига чопқин ясадилар. Уларни кўлга олдилар ва бир қисмини қатл этдилар. Шундан сўнг Барудага келдилар, у ердан Чампонир томонга йўл олдилар.

[Биз] ўтирган эдик, шов-шув тарқалди. Мирзо Аскарийнинг одамлари Аҳмадободни ташлаб подшоҳнинг олдига келдилар. Мирзо Аскарий билан Ёдгор Носир мириз биргаллашиб, Аграга бормоқчилар, дея арзга етказдилар. Ҳазратлари бу гапни эшигч, Аграга жўнашга зарурат пайдо бўлди.

Гужарат масаласини бир ёқли қилмай, Гужаратни ташлаб, кўча-кўча Агра томонга келдилар. Бир йил-гача Аграда бўлдилар.

Шундан сўнг Чанода тарафга кетдилар ва Чанода ҳамда Банорасни олдилар. Шерхон Паркандада бўлиб, ҳазратларининг хузурига арз юбордиларки, «Бандалари ўзларининг қари қуллари дидир. Менга бир масканни муқим жой қилиб беринг, мен ўша ерда ўтирай».

Шунинг фикрида эдиларки, Гавр Банголанинг подшоҳи ярадор бўлиб, қочиб ҳазратларининг олдиларига келди. Ҳазратлари бунга эътибор бермадилар ва кўчиб Гавр Банголага жўнадилар. Шерхон подшоҳнинг Гавр Банголага кетганини билди. Ўзи ҳам ёлғиз отланиб, Гаврга кетди ва ўғли билан бирашди. Унинг [Шерхон] ўғли билан ўзининг қули Хавосхон Гаврда эдилар. Бориб Гарҳини ишғол қилинг, деб Хавосхон билан ўғлини жўнатди. Улар келиб, Гарҳини олишди. Ул ҳазратлари Жаҳонгирбекка [буйруқ] ёзгандилар ва у бир манзил олдинда борарди. Гарҳига етиб келди. Жанг бўлди. Жаҳонгирбек ярадор бўлди, жуда кўп кишиларга талафот етди.

Ул ҳазратлари Коҳл Гонуда уч-тўрт кун бўлдилар. Олдинга қараб кўчишга ва Гарҳи яқинида тўхташга маслаҳат бўлди. [Улар] олдинга қараб кўчиб, Гарҳи яқинида тушгач, кечаси Шерхон ва Хавосхон

қочдилар. Эртаси куни ул ҳазратлари Гархига кириб келдилар. Гархидан ўтиб, Гавр Банголага йўналдилар ва Гаврни олдилар.

Тўқиз ойгача Гавр вилоятида бўлдилар. Гаврга «Жаннатобод» деб ном қўйдилар. Гаврда давлатни бошқариб турган пайтларида «Амирлар қочиб, Мирзо Ҳиндолга бориб қўшилдилар», деган хабар келди.

Хусравбек, Зоҳидбек ва Сайийд Амир, Мирзо [Ҳиндол] хизматларига етишиб: «Подшоҳ давлат ишлари билан узокқа кетдилар, мирзолардан Муҳаммад Султон мирзо, ўғиллари Улуғ мирзо ва Шоҳ Мирзо яна бош кўтардилар, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлиб турибдилар.

Бандалар пушти паноҳи Шайх Баҳлул жанобла-ри шу орада ертўлада жубба¹, кажим² ва уруш анжомлари яшириб, сўнг араваларига ортиб, Шерхон ва мирзоларга жўнатяпти», деб арз қилдилар. Мирзо Ҳиндол ишонмадилар. Охири бу ишни текшириб кўриш учун Мирзо Нуриддин Муҳаммадни юбордилар. Жубба ва кажимларни топишди. Шайх Баҳлул ҳазратларини қатл эттирдилар. Бу хабар подшоҳга етгач, Аграга қараб йўл олдилар ва Ганг дарёсининг у тарафи бўйлаб келардилар.

Мунгирнинг тўғрисига келганларида амирлар: «Сиз буюк подшоҳсиз, қайси йўлдан келган бўлсангиз, ўша йўл билан кетинг. Токи Шерхон «Келган йўлини қўйиб, бошқа йўлдан кетди», демасин», – деб арзга етказдилар.

Ул ҳазратлари яна Мунгирга қайтдилар. Одамларининг кўпчилиги ҳамда уй аҳлларини кемага солиб,

¹ Жубба – зирхнинг устидан кийиладиган узун енгли кийим.

² Кажим – зирхнинг тагидан кийиладиган кийим.

дарё орқали олиб кетдилар ва Ҳожипур Патнага етиб келдилар. Кетаётган пайтларида Қосим Султон у ерда қолдилар. Шу аснода «Шерхон келди», деган хабар етди. Ҳар гал жанг қилганларида ҳазратларининг одамлари ғолиб чиқардилар. Шу орада Бобобек Жуванпурдан, Миракбек Чанодадан, Мўғулбек Увададан етиб келдилар. Бу уч амир қўшилгандан кейин ғалланинг нархи ошди. Алалоқибат, Худонинг хохиши шу бўлса керак, ғофил бўлиб ўтирганларида, Шерхон келиб босди.

Лашкар яксон бўлди. Кўпчилик оила аҳли ва одамлар асир тушдилар. Ҳазратларининг муборак кўллари яраланди. Уч кун Чанодада бўлдилар. Шундан сўнг Арайилга келдилар. Дарё лабига етганла-рида: «Энди кемасиз қандай ўтамиз?» деб ҳайрон қолдилар. Шу аснода рожа [Бирбаҳон] беш-олти отлиқ билан келиб, уларни сувдан ўтказиб қўйдилар. Одамлар уч-тўрт кундан бери ош-овқатсиз ва сувсиз эдилар.

Ниҳоят, Рожа бозор уюштириб берди. Лашкар одамлари бир неча кунни айш-ишратда ўтказдилар. Отлар ҳам ҳордик чиқардилар. Ким пиёда қолган бўлса, бошқа от сотиб олди. Хуллас, рожа ўз хизматини қойил қилиб бажарди.

Эртаси куни рожага рухсат бердилар. Ўзлари соғу саломат пешин намози вақтида Жамна дарёсининг кирғогига келдилар. Бир жойдан кечув топиб, лашкар одамлари сувдан ўтдилар.

Бир неча кундан кейин Каррага келдилар. У ерда озиқ-овқат ва жой бемалол эди, чунки бу ўзларининг вилояти эди. Лашкар одамлари осойишта Колпига келдилар. У ердан Аграга қараб жўнадилар.

Аграга етиб келмасдан бурун «Шерхон Чавса та-
рафга келяпти», деган хабар келди. Одамлар қаттиқ
саросимага тушишди. Бу тўс-тўполонда баъзилар
умуман ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетдилар. Шу жум-
ладан, Султон Ҳусайн Мирзонинг қизи Ойша Сул-
тонбегим, подшоҳ отамнинг халифаси бўлмиш Бача-
ко, Бекажон кўка, Ақиқабегим ва қорнида етти ойлик
боласи билан Чондбиби ва Шодбиби (буларнинг уча-
ласи подшоҳ харамидан эдилар) сувга чўқдими ёки
бошқа фожия содир бўлдими, қанча излаб-суриштир-
масин, умуман, нима бўлганини ҳеч ким билмади.

Улар [подшоҳ]нинг бетоблиги қирқ қунга чўзилди,
шундан сўнг сиҳат топдилар.

Подшоҳ ҳазратларининг олдидан келган Ҳусрав-
бек, Девонабек, Зоҳидбек Сайид Амир: «Муҳаммад
Султон Мирзо ва унинг ўғли Канаужга келдилар», де-
ган хабар келтиридилар.

Мирзо Ҳиндол Шайх Баҳлул қатлидан ке-
йин Дехлига кетди. Муҳаммад Султон Мирзо ва
ўғилларини тору мор келтириш учун Мир Фақр Али
ва бошқа тарафдорларини бирга олиб кетди. Мир-
золар у тарафдан қочиб, Канауж томонга келдилар.
Мир Фақр Али Мирзо Ёдгор Носирни Дехлига олиб
келди. Мирзо Ҳиндол билан Мирзо Ёдгор Носир ора-
сида ихлос ва тотувлик бўлмагани учун Мир Фақр
Алининг бундай хатти-харакатидан жаҳли чиқсан
Мирзо Ҳиндол Дехлини қамалга олиб ўтирди.

Бу хабарларни эшиитган Мирзо Комронда ҳам
подшоҳлик даъвоси пайдо бўлди. Ўн икки минг
куролланган отлиқ [аскар] билан Дехлига йўналди.
Дехлига етиб келганида, Мир Фақр Али ва Мирзо
Ёдгор Носир Дехлининг дарвозаларини бекитдилар.

Икки-уч кундан кейин Мир Факр Али аҳду паймон, ваъдаларни олиб, Мирзо Комронни кўргани келди: «Подшоҳ ҳазратлари ва Шерхоннинг шу қабилдаги хабарлари келмоқда. Мирзо Ёдгор Носир ўзидан андиша қилиб хизматингизга келяпти. Бундай пайтда давлат манфаати шуни тақозо қиласди, сиз Мирзо Хиндолни олиб, Аграга кетинг ва Дехлида ўтиришни хаёл қилманг». Мирзо Комронга Мир Факр Алиниңг сўзлари ёқди, унга сарпо бериб, Дехлида [қолишга] рухсат бердилар. Ўзлари Мирзо Хиндолни олиб Аграга келдилар ва фирдавс макон [Бобур қабри] ни зиёрат қилдилар, онаси, опа-сингиллари билан кўришдилар ва Гулафшон боғига тушдилар.

Шу орада Нурбек келиб, подшоҳ ҳазратлари келяптилар, деган хабар келтирди. Мирзо Хиндол Шайх Баҳлулни ўлдиргани учун ўзини нокулай се-зуб, Алвар томонга чекиндилар.

Мирзо Комрон подшоҳ ҳазратлари хузурига келдилар. Бир неча кундан сўнг Гулафшон боғидан келиб, подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо айлашди. [Подшоҳ] ҳазратлари етиб келганда, кун кеч бўлган эди. Бориб, таъзим бажо келтирдик.

Бу ҳақир [Гулбадан]ни кўриб: «Аввалига сени танимабман, негаки мен зафарёр лашкарни Гаври Банголага олиб кетаётганимда, сен ҳали бошга дўппи киярдинг, ҳозир эса бошингда бекасам рўмол кўриб, танимабман. Гулбадан, мен сени кўп эсга олдим, гоҳида «Кошкийди ўзим билан бирга олиб келган бўлсам», деб ўзимдан пушаймон бўлдим. Аммо кейин тўс-тўполон кунлари «Худога шукр, Гулбаданни олиб келмаганим яхши бўлди», дедим, Ақиқа ҳали кичкина бўлишига қарамай, «Нега уни лашкар би-

лан олиб келдим», деб юз минг афсус-надомат чек-дим», – дедилар.

Бир неча кундан сўнг подшоҳ ҳазратлари онами кўргани келдилар. Ул ҳазратлари ўзлари билан Мусҳаф жилдини бирга олиб келгандилар.

«Бирпас одамлар ташқарига чиқиб турсинлар», – деб буюрдилар. Одамлар туриб кетишида ва холи қолдик. Охири ҳазратларни очамга ва бу ҳақирга, Афғоний оғочага, Гулнор оғачага, Норгул оғочага ва менинг энагамга қараб: «Ҳиндол менинг кўл ва қанотидир, кўзимнинг нуридай, билагимни кувватидай азиз ва қадрдондир. Шайх Баҳлул воқеаси бўйича мен Мирзо Муҳаммад Ҳиндолга нима ҳам дердим? Тақдири илоҳий не буюрган бўлса, шу бўлди. Ҳозир мен Ҳиндолга нисбатан кўнглимда заррача ғубор йўқ! – дедилар. – Агар ишонмасанглар», деб Мусҳафни кўлга олган эдилар, онам ҳазратлари, Дилдорбегим, бу ҳақир Мусҳафни уларнинг қўлидан олдик ва ҳамма: «Маъкул кўрдик, нега ундан деяп-сиз?» – дедик.

Шундан сўнг: «Гулбадан, сен бориб аканг Муҳаммад Ҳиндол мирзони олиб келсанг, нима бўларди?» – дедилар. Шунда онам ҳазратлари: «Бу қизалоқ ҳали ёш, ҳеч қачон сафар қилмаган. Агар ҳукм бўлса, мен борай!» – дедилар. Ул ҳазратлари эса: «Мен бу бошогриқларни қандай раво кўраман? Ота-она ўз фарзандларига ғамхўрлик қилиши ўз-ўзидан аён-ку! Агар ташриф буюрсангиз, бизга қилган ғамхўрлигингиз бўлади», – дедилар.

Охири Мирзо Ҳиндолни тилатиб, онам ҳазратлари билан бирга Амир Абул Бақони жўнатдилар. Муҳаммад Ҳиндол мирзо бу хабарни эшитиши

билиноқ хурсанд бўлиб, онам ҳазратларига пешвоз чикдилар. Мирзо Хиндол онам ҳазратлари билан Алвардан келдилар ва подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо айладилар. Сўнг ўша Шайх Баҳлулнинг Шерхонга жубба, кажим, уруш анжомлари юбориб тургани ва суриштириб тагига етгач, шунга кўра Шайх Баҳлулни қатл қилганини гапириб бердилар.

Шундай қилиб, бир неча кундан кейин Шерхон Лакнав яқинига келибди, деган хабар бўлди.

Ўша пайтларда подшоҳ ҳазратларининг бир мешкобчи қуллари бўларди. Подшоҳ Чавса сувидан [ўтаётганида] отдан айрилгандилар. Бу қул мешкобчи ўйлаб ўтирамай, ўзини сувга ташлаган, унинг ёрдами билан подшоҳ ҳазратлари гирдобдан эсон-омон кутулиб чиққандилар. Охири ҳазратлари бу мешкобчини тахтга ўтқазадилар. Мен ўша қулнинг отини аниқ эшитмадим: баъзилар Низом дердилар, баъзилар Сумбул. Хуллас, ўша қулни тахтга ўтқазадилар ва: «Ҳамма амирлар унинг хузурига келсинлар, кимга қанча хоҳласа, тортиқ берсин, қандай мансаб истаса, берсин!» – дейдилар. Ўша қулга икки кун подшоҳликни бердилар. Мирзо Хиндол ўша маросимда ҳозир эмасдилар. Улар курол-яроғ топиш учун яна Алварга кетгандилар. Мирзо Комрон ҳам бу йифинга келмадилар. Улар бетоб эдилар ва ҳазратларига: «Кулга бошқа сийлов ва риойиш қилиш лозим эди, тахтга ўтқазиши нима кераги бор эди? Шерхон яқин келиб қолган шундай бир пайтда бу ҳазратларининг нима қилганлари?» – деб айттириб юбордилар.

Ўша кунлари Мирзо Комроннинг касали жуда кучайди. Шундай озиб, заиф бўлиб қолдиларки, озиб-тўзиб кетганларидан умуман рангидан ранг қолмаган,

яшашдан умидини узган эди. Аллоҳнинг инояти билан аҳволи яхшиланди.

Мирзо Комронда «Подшоҳ ҳазратларининг маслаҳати билан оналар унга заҳар беришган», деган гумон пайдо бўлди. Подшоҳ ҳазратлари бу сўзни эшишиб, бир гал Мирзо Комронни кўргани бордилар ва: «Бизнинг хаёлимизга ҳам кириб-чиққани йўқ ва ҳеч кимга буйруқ берганимиз йўқ», деб қасам ичдилар.

Қасам ичишларига қарамай, Мирзо Комронни кўнгли осуда хотир бўлмади ва Мирзонинг беморлиги кундан-кун ёмонлашиб, гапиришга ҳам ҳоли келмай қолди.

«Шерхон Лакнавдан ўтилти», деган хабар етиб келиши билан оқ [подшоҳ] ҳазратлари кўчиб, Канаужга йўл олдилар ва Аграда Мирзо Комронни ўзининг ўрнида қолдирдилар. Бир неча кундан сўнг Мирзо Комрон «Подшоҳ ҳазратлари кўприк ясаб, Ганг сувидан ўтилтилар», деб эшилдилар ва Аградан кўчдилар.

Лоҳур томонда ўтирган эдик, Мирзо Комрон «Сизга мен билан Лоҳурга борсин», деган хукм бўлди, подшоҳ фармонини юбордилар. Мирзо Комрон мен ҳакимда подшоҳга: «Менинг касалим ўта оғир, ўта фарибу кимсасиз ва ғамхўрсизман. Агар Гулбадан-бегимга мен билан бирга Лоҳурга бориши айтилса, айни иноят ва карам кўрсатган бўлар эдилар», деган бўлса керак. Подшоҳ ҳазратлари: «Борсин!» деган бўлсалар керак.

Подшоҳ зафар ва саодат билан Лакнав тарафга икки-уч манзил юргач, Мирзо подшоҳ фармонини кўрсатдилар-у, «Сиз, албатта, мен билан кетасиз», деб қаттиқ туриб олдилар. Онам шу аснода: «Биз-

дан ажралиб ҳеч қачон сафарга чиқмаганлар. – Агар ёлғиз сафар қилмаган бўлса, сиз ҳам юринг, дебдилар.

Сипоҳийлар ва уларнинг катталаридан беш юзтасча, иккала атка ва кўкаларини ҳам қўшиб юбордилар: «Агар бирга келмаса, бирон манзилгача бирга олиб келинглар», дебди. Охири ўша манзилга етганда «Мен сени кўймайман», деб қасам ичишни бошлади.

Охири сўнгсиз йифи-сиги, доду фифон билан оналардан, ўз туқсан онамдан, ёшлиқдан бирга катта бўлган опа-сингиллардан, отамнинг одамларидан, ака-укаларидан – ҳаммасидан ажратиб, жабру зулм билан олиб кетди. Бу борада подшоҳнинг фармони борлигини кўрганимдан кейин иложсиз қолдим ва ҳазратларига арзи ҳол қилиб ёздимки: «Ўз хизматларидан ажратиб, бу ҳақирни Мирзо Комронга тортиқ қиласидилар деб, Ҳазратларидан ҳеч кутмаган эдим». Бу ҳақирнинг арзи ҳолларига жавобан подшоҳ ҳазратлари саломнома ёзиб юборибдилар: «Мен дилимда сени ўзимдан ажратиш ниятим йўқ эди. Аммо Мирзо ўз ожизлиги ва илҳақлигини айтиб кўярда-кўймагандан кейин сени Мирзога топширишим зарур бўлди. Негаки ҳозирда биз ҳам ўта муҳим ишлар билан бандмиз. Иншооллоҳи таоло қачон бу муҳим иш амалга ошса, биринчи навбатда сени тилата-ман», – мазмунида битибдилар.

Мирзо Лохур тарафга қараб йўл олганидан кейин амирлар, савдогарлар ва кимнинг шунга қудрати етса, [от-арава] кира қилиб, ахли оиласини Мирзо Комрон билан бирга кўчириб, Лохурга олиб кетдилар.

Лохурга етганимиздан кейин Ганг дарёси қирғоғида жанг бўлди ва ҳазратларининг лашкари

тор-мор бўлди, деган хабар келди. Ҳар қалай, шунчалик бўлдики, ҳазратлари ака-укалари ва яқинлари билан бу гирдобдан эсон-омон чиқиб олдилар.

Аграда қолган бошқа қариндошлар Алварга йўл олиб, ундан Лоҳурга жўнадилар. Шу аснода ҳазратлари Мирзо Ҳиндолга юзланиб: «Ўша биринчи тўс-тўполонда Ақиқабиби ғойиб бўлдилар. Нега кўз олдимда ўлдирмадим, деб қаттиқ пушаймон едим. Ҳозир ҳам шундай бир ҳолатда аёлларни бирон жойга етказиб олиб бориш ўта мушкул», – дедилар.

Мирзо Ҳиндол: «Она ва сингилларни қатл этаман, десалар, ҳазратлари ўзлари биладилар. То танамда жоним бор экан, уларнинг хизматида чора излайман, Ҳазрати ҳақ субҳонаху таолодан умид қиласманки, бу ҳақир волида ҳазратлари ва опа-сингиллар пойи қадамига жонимни фидо қилгайман», – деб арз қилдилар.

Шундан сўнг подшоҳ ҳазратлари жанг майдонидан омон чиққан Мирзо Аскарий, Ёдгор Носир мирза ва амирларни олиб Фатхпур томонга жўнадилар.

Мирзо Ҳиндол оналари Дилдорбегим, сингиллари Гулчехрабегим, Афғоний оғача, Гулнор оғача, Норгул оғача ва амирларнинг оиласарини олдиларига олиб кетаётганларида, гавор¹лардан катта бир гурухи уларга ҳамла қилдилар. Унинг аскарларидан бир неча киши от қўйиб, гаворларни яксон қилишди. Уларнинг муборак отларида бир ўқ келиб тегди. Шиддатли жанг жадал бўлиб ўтди. Заифаларни гаворлар аслигидан қутқариб, волида ҳазратлари, опа-сингиллари ва бир катта гуруҳ амирлар ҳамда бошқа кишиларни олдиларига солиб, Алварга етиб келдилар.

¹ Гавор – Ҳиндистондаги бир тоифа одамлар.

У ердан чодир ва керакли уй анжомларини ортиб, Лохурга йўл олдилар. Мирзолар ва амирларга керакли нарсаларни олиб, бир неча кунда Лохурга кириб келдилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] Биби ҳожи Тож яқинидаги Ҳожа Фозийнинг боғига тушдилар. Ҳар куни Шерхондан хабар келиб туради. Уч ой муддат Лохурда бўлдилар ва кунига «Шерхон икки курух-уч курух яқин келипти», деган хабарлар келиб туради. Ахиди, Сирҳинд яқинига келипти, деган хабар келди.

Ҳазратлари [подшоҳ]нинг Музafferбек номли туркман амирлари бўларди, унинг қизи Абдулла билан бирга Шерхонни олдига юбордилар. «Бу қандай инсоф? Борлик Ҳиндистон мулкини сенга қолдирдим. Орамизда бир Сирҳинд қолди. Чегара мана шу Сирҳинд бўлсин», – дедилар. Худодан қўрқмаган рози бўлмадилар ва: «Сизга Кобулни қолдирдим. Ўша ерга кетишингиз керак», – дедилар.

Музafferбек ўша заҳотиёқ кўчиб кетди ва олдинроқ бир кишини юбориб: «Кўчиш керак», дебди. Хабар келиши биланоқ ҳазратлари [подшоҳ] кўчишга тушдилар. Гўё қиёмат қойим бўлгандай эди: ҳамма уй-жойларни қандай тузалган бўлса, шундайлигича қолдиришди.Faқат нақд пуллар қанча бўлса, шуни олиб кетишга улгуришди. Шунисигаям шукрки, Лохур сувидан ўтиб олдилар. Барча одамларни сув бўйида қолдирдилар ва дарёning қирғоғида бир неча кун манзил тутдилар. Шерхоннинг элчиси келди. Эртаси куни учрашишга қарор қилинди. Мирзо Комрон: «Эртага йигин бўларкан, Шерхоннинг элчиси келаркан. Агар ҳазратлари шолчаларининг бир чеккасида ўтирсам, токи мен билан ака-укалари ўртасида фарқ

билинса, бошим осмонга етган бўларди», – деб илти-
мос қилдилар.

Ҳамидабонубегимнинг айтишича, подшоҳ мирзо-
га шундай рубоий ёзиб юборибдилар. Менинг эши-
тишимча, Шерхонга жавобан ёзиб, элчидан бериб
юборган. Бу рубоий қуйидагича:

*Гарчи ойнада ўзингни кўурсен,
Лек айрилиқни ўзингдан кўурсен.
Ўзингни гўё бегонадек кўриши ажисбодур,
Бу ажойибот фақат Худонинг иши.*

Шерхондан келган элчи унинг ҳузурига келди.

Муборак дилларига ғам чўкиб, дилгир бўлиб
уйқуга кетдилар. Тушларида бошдан оёқ кўм-кўқ ли-
бос кийган, қўлларида ҳасса тутган бир азиз авлиё ке-
либ: «Мардона бўл, ғам чекма, – [дедилар] ва муборак
ҳассаларини қўлига бериб: – Худойи таоло сенга бир
фарзанд беражак, исмини Жалолиддин Мухаммад
Акбар қўйгил!» – дедилар. Ҳазратлари [подшоҳ]:
«Исми-шарифингиз нима?» – деб сўрадилар. «Зин-
дафил Аҳмади Жом», – дедилар. [Подшоҳ]: «Бу фар-
занд менинг авлодларимдан бўлади», – дедилар.

Ўша пайтларда Биби Гунвар ҳомиладор эди. Ҳамма «Ўғил туғади», дерди. Ўша Дўст муншийнинг
боғида жумод ул-аввал ойида Биби Гунвардан қиз
туғилди. Уни Бахшибонубегим деб номлашди.

Ўша кунларда Мирзо Ҳайдарни Кашмирни олиш-
га тайин қилишди. Шу орада «Шерхон етиб келди»,
деган хабар тарқалди. Ажиб бир саросима рўй берди.
Эртаси куни кўчишга қарор қилинди.

Шу орада Лохурдаги ака-укалар ҳар куни маслаҳат
ва кенгаш қилишарди. Сира бирон-бир қарорга ке-

лишолмасди. Оқибатда, Шерхон етиб келди, деган хабар бўлди. Шундан сўнг иложсиз қолиб, эрталаб нонушта пайтида кўчишди. Ҳазратлари [подшоҳ]-нинг Кашири даъволари бор эди. Мирзо Ҳайдар Кошғарийни юборган эдилар, аммо ҳали фатҳ хабари етиб келмаганди. Кенгаш қилишиб: «Агар ҳазратлари Каширга отлансалар ва Кашири шу заҳоти мусасар бўлмаса, Шерхон эса Лоҳурда бўлса, у ҳолда ўта қишин бўлади», дейишди.

Хожа Калонбек Сиёлкутда эди ва у ҳазратлари [подшоҳ]нинг хизматларига отланди. Муайид-бек хожа билан бирга эди. У ҳазратларига арзи ҳол қилди: «Хожа хузурингизга бориш тарааддуудида, аммо Мирзо Комрон мулоҳазасини қилурлар. Агар ҳазратлари зудлик билан етиб келсалар, Хожа томонидан ҳазратларига таъзим бажо келтириш кўнгилдагидек мусассар бўлур», – деб ёзибдилар. Ҳазратлари бу сўзларни эшитишлари ҳамоно эгниларига жубба кийиб, мукаммал қуролланиб, Хожанинг олдига отландилар ва Хожани ўзи билан бирга олиб келдилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] биз ака-укалар билан Бадахшонга кетайлик, Кобул Мирзо Комронга тегишли бўлсин, деб буюрдилар. Аммо Мирзо Комрон Кобулга боришга рози бўлмади ва: «Фирдавс макон ҳазратлари [Бобур] ҳали ҳаётликларида Кобулни менинг онамга берганлар – мени Кобулга боришим муносибмас», – дедилар.

Ҳазратлари [подшоҳ]: «Фирдавс макон ҳазратлари [Бобур] Кобул бобида Кобулни ҳеч кимга бермайман, дердилар, – дедилар. – Фарзандларим Кобулни таъма қилмасинлар. Негаки Худойи таоло ҳамма фарзанд-

ларни Кобулда ва Кобулни эгаллагандан кейин аксар фатх [ғалаба]лар рўй берди, дердилар».

«Бу мазмунга гувоҳлик берувчи далиллар фирмавс макон ҳазратларининг «Воқеанома» [Бобурнома]сида жуда кўпdir. Мен меҳрибонлик ва ака-укалик юзасидан Мирзога инсонийлик қилган эдим. Нимага энди Мирзо ҳозир бундай дейдилар?» – дедилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] кўнгилларини кўтариб, далада берсалар ҳам Мирзо баттар қайсаарлик қиласарди. Ҳазратлари Мирзонинг одамлари кўплигини кўргач ва у хеч қанақасига Кобулга боришга розилик бермаётгани учун иложсиз Бакҳар ва Мўлтон томонга жўнашга мажбур бўлдилар.

Мўлтонга етиб келгач, бир кун манзил тутдилар. Бу ерда озроқ ғалла топилди. Қалъада топилган ғаллани одамларга улашиб, кўчишиди ва етти дарё кўшилиб, бир дарёга қуйиладиган жойга етиб келдилар. Нима қилишга ҳайрон бўлиб қолдилар, кема етишмайди, катта бир лашкар қошида.

Шу пайт хабар келдики, Хавосхон бир қанча амирлар билан орқадан келмоқда. Шу атрофда Бахшу номли балуж бўлиб, тураг жойи ва кемалари кўп эди. Ҳазратлари унинг олдига бир кишини юбориб, байроқ ва ноғора, от ва сарполар бериб юбордилар. Ундан кема билан ғалла сўрадилар. Оқибатда, Бахшу балуж ғалла билан тўла юзта кемани ҳазратларига жўнатдилар. Ҳазратлари кемадаги ғаллани одамларга бўлиб бердилар ва соғ-саломат сувдан ўтиб олдилар.

Бу балужга раҳматлар бўлсин, бир муносиб хизмат бажо келтирдилар. Ниҳоят, орадаги масофани босиб ўтгач, Бакҳарга етиб келдилар. Бакҳар қальаси дарёning ўртасида жойлашганди. Мустаҳкам қалъаси

бор эди. Қалъанинг подшоси Султон Маҳмуд бошлари кўкка етиб, жойлашганди. Ҳазратлари [подшох] эсон-омон шу қалъа ёнига тушдилар. Қалъа яқинида Мирзошоҳ Ҳусайн Самандар тиклаган боф бор эди.

Шундан сўнг Мир Самандар (Мирзо шоҳ Ҳусайн Самандар)ни Шоҳ Ҳусайн мирзонинг олдига жўнаташиди. «Зарурат юзасидан вилоятингга келдик. Вилоятинг ўзингга муборак бўлсин, бизнинг дахлимиз йўқ. Шунинг учун сен ўзинг келгин ва хизмат лозим топсак, бажо келтиргин. Биз Гужаратга даъвогармиз, сенинг вилоятингни ўзингга қолдиралими», деб хабар қилдилар. Шу алфозда Шоҳ Ҳусайн ҳазратларини беш ойгача ҳийла-мақр билан Самандар [боғи]да ушлаб турдилар. Сўнг бир кишини ҳазратлари [подшох]-нинг хизматларига юбориб: «Қизимнинг тўй анжомларини тайёрлаб, ҳазратларининг хизматларига юборяпман, ўзим ҳам хузурларига етиб бораман», – деб хабар бердилар.

Ҳазратлари уларнинг гапларига ишондилар. Яна уч ой кутдилар, ғалла гоҳида топилади, гоҳида то-пилмайди. Лашкар одамлари ўз отлари ва туялари-ни сўйиб ейишади. Ҳазратлари яна бир марта Абдул Фафурни юбордилар: «Қачонгача кутдирасан? Келишингга тўсиқ бўлаётган ким ва маъталлик сабаби нима?» – деб сўратдилар. Бу гал тобора аҳвол танг бўлиб, кўпчилик қочиб кетаётган эди.

«Қизимни Мирзо Комронга унаштирганман. Кўришга боришим ҳам амри маҳолдир, сизнинг хузурингизга боролмайман», – деб жавоб юбордилар.

Шу аснода, баъзи бир кишиларнинг айтишича, Мирзо Ҳиндол сувдан ўтиб, Қандахор томонга йўл олган экан. Подшоҳ ҳазратлари эшишиб

орқасидан одам юбордилар: «Бориб сўранг: «Эши-тишимча, Қандаҳорга кетаётган эмишсиз?» Мирзодан сўраганларида, Мирзо айтибдиларки: «Нотўғри арз». Подшоҳ ҳазратлари бу хабарни эшитиб, волида (онам) ҳазратларини кўргани келдилар.

Бу йифинда Мирзо [Ҳиндол]нинг ахли ҳарами ва одамлари подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар.

Ҳамиданубонубегимни «Бу ким?» деб сўрадилар. «Мирбобо Дўстнинг қизи», – дедилар. Бузургвор хожа ҳазратларининг рўпарасида тургандилар.

«Бу ўғлон бизга хеш бўладилар», – дедилар. Ҳамиданубонубегимни ҳам, бу бизнинг қариндошимиз, дедилар.

Ўша пайтларда Ҳамиданубонубегим кўпинча Мирзонинг [Ҳиндол] жойларида бўлардилар. Кейинги куни ҳазратлари яна волидамиз Дилдорбегимни кўргани келдилар. «Мирбобо Дўст бизнинг яқинимиз, унинг қизини бизга унаштирсангиз, маъқул бўларди», – дедилар.

Мирзо Ҳиндол: «Бу қизни ўз синглим ва фарзандимдай кўраман. Ҳазратлари подшоҳлар, мабодо турмушлари яхши бўлмай, ғам-кулфат боиси бўлсанчи?» – деб узрларини айтдилар.

Подшоҳ ҳазратлари жаҳл билан ўринларидан туриб кетдилар. Шундан волидамиз ҳазратлари хат ёзиб жўнатдилар: «Қизнинг онаси бунданам баттар ноз қиляпти. Арзимайдиган гапга ранжиб, кетиб қолганлари қизиқ бўлди».

Подшоҳ ҳазратлари жавоб хатда: «Бу ҳикоятингиз бизга жуда ёқди. Ҳар қанча ноз қилсангиз, бош устига, биз розимиз. Турмуш борасида ёзибдилар.

Иншооллоҳ, күнгилдагидай бўлгай», – деб ёзибидилар.

Волида ҳазратлари бориб подшоҳни олиб келдилар. Ўша куни йигин қилдилар. Йигиндан кейин ўз манзилларига ташриф буюрдилар.

Кейинги куни ҳазратлари волидамни олдига келдилар. «Бирон кишини юбориб, Ҳамидабонубегимни чақириб келсин», – дедилар. Волида ҳазратлари киши юборган эдилар, Ҳамидабонубегим келмади.

«Агар мақсад таъзим бажо келтириш бўлса, ўша куни ўзим дийдорларига мушарраф бўлдим. Энди нимага боришим керак?» – дебдилар.

Кейинги гал ҳазратлари Субҳонқулини юбориб: «Мирзо Ҳиндолга бориб айт, бегимни юборсинг», – дедилар. Мирзо [Ҳиндол]: «Мен қанча айтмай, бормаётипти, ўзинг бориб айт», – дедилар. Субҳонқули бориб айтса: «Подшоҳларни кўриш бир марта жоиздир. Кейингисида номаҳрам бўлади. Мен бормайман», – деб жавоб берибдилар бегим. Субҳонқули бегимдан эшитган сўзларини арзга етказдилар. Ҳазратлари: «Агар номаҳрам бўлса, маҳрам қиласиз», – дедилар.

Хуллас, қирқ кунгача Ҳамидабонубегим устидага гап-сўз, баҳс-мунозара бўлди, лекин бегим рози бўлмадилар.

Алалоқибат, волидам ҳазратлари Дилдорбегим насиҳат қилдилар: «Охири ўзинг бошқа бировга тегасан, подшоҳдан ортиқ ким бор ўзи?» – дедилар. Бегим эса: «Шундай кишига тегманки, қўлим унинг ёқасига етсин, қўлим этагига етмаслигини билиб туриб, кишига тегмайман», – деди. Волидам яна анча насиҳат қилдилар.

Хуллас, қирқ кундан кейин 948 сана жумод ул-аввал ойида (1541, сентябрь) душанба куни пешинда Потр манзилида подшоҳ ҳазратлари муборак қўлларига устурлобни олдилар ва саодатли соатни белгиладилар. Мир Абул Бақони чақириби, никоҳлашга ҳукм қилдилар. Мир Абул Бақога никоҳ ҳақи деб, икки юз минг бердилар. Никоҳдан кейин уч кун ўша ерда бўлдилар. Ундан сўнг кўчиб, кемага ўтириб, Бакҳарга жўнадилар.

Бир ой Бакҳарда бўлдилар. Мир Абул Бақони Султон Бакҳарийнинг олдига юбордилар. Ўша ерда бетоб бўлиб, Ҳақ раҳматига етишди.

Охири Мирзо Ҳиндолни Қандаҳорга рухсат бердилар. Мирзо Ёдгор Носирни Ларида ўзининг ўрнида қолдирдилар. Ҳазратларининг ўзлари Сийоҳвонга жўнадилар. Сийоҳвондан Таттагача отли-етти кунлик йўлдир. Сийоҳвоннинг мустаҳкам қалъаси бор. Подшоҳ ҳазратларининг мулозимлари Алика ана шу қалъада эди. Унда бир нечта тўплар ўрнатилган бўлиб, ҳеч кимнинг қалъага яқинлашишга чоғи келмасди.

Подшоҳ ҳазратларининг одамларидан бир қанчаси лаҳим қазиб, унинг яқинига етишдилар ва унга: «Шундай бир пайтда тузлиққа тупуриш яхшимас», – дейишиди. Мир Алика кўнмади. Охири еростидан лаҳим қазиб, қалъанинг бир минорасини қулатдилар. Лекин қалъани ололмадилар. Фалланинг нархи қиммат экан, кўпчилик одамлар қочишга тушибди.

Олти-етти ой муддатгача ўша ерда бўлдилар. Мирзо Шоҳ Ҳусайн нонқўрлик қилиб, ҳар томондан лашкар одамларини қўлга олиб, ўз одамларига

шўр дарёга [денгиз] ташлашни буюарди. Уч юз-
тўрт юз кишини тўплаб, кемага солиб шўр дарёга
ташлашарди. Шу тарзда ўн мингча одамни шўр
дарёга ташлашди. Ҳазратларининг [подшоҳ] олди-
да кам одам қолганидан кейин [Мирзо Шоҳ Ҳусайн]
бир неча кемага тўп ва милтиқ ортиб, Таттадан
ҳазратларининг устига бостириб келди. Сийоҳвон
дарёning яқинида жойлашган эди. Келиб, подшоҳ
ҳазратларининг кемаларини бор анжомлари билан
олиб кетди. Бир кишини юбориб: «Ичган тузим-
нинг ҳурмати ҳақи, тез бу ердан кўчсин», – дебди.
Ҳазратлари иложсиз қолиб, яна Бакҳарга қайтиб
кетдилар.

Ҳазратлари Бакҳарга етиб келмасларидан олдин
Мирзо Ҳусайн Самандар Мирзо Ёдгор Носирнинг
олдига одам юбориб: «Агар ҳазратлари [подшоҳ]
қайтиб, Бакҳарга борсалар, киришга қўйманг, нега-
ки Бакҳар сизга тааллуқли. Мен сиз томондаман ва
қизимни сизга бераман», – дебди. Мирзо Ёдгор Но-
сир унинг сўзларига ишониб, подшоҳ ҳазратларини
Бакҳарга келишга қўймадилар. Ҳийла билан ёки жанг
қилиб олдиларига келмоқчи бўлдилар.

Ҳазратлари бир кишини юбориб: «Отагинам,
сиз бизга фарзанд ўрнидасиз. Биз сизни ўзимизнинг
ўрнимизга қўйиб кетдикки, агар бизга бирон кори
хол бўлса, ёрдам қилинг, деб. Ҳозир эса навкарла-
рингизнинг ёмон ниятларига қўшилиб, бизга шундай
муносабатда бўляпсиз. Бу нонкўр навкарлар сизга
ҳам вафо қилмайди», – деб ёздилар.

Ҳазратлари ҳар қанча насиҳат қилмасин, фой-
даси бўлмади. Охири ҳазратлари: «Хўп, биз Рожа
Молдив томонга кетамиз, бу вилоятни сизга бердик.

Аммо Шоҳ Ҳусайн сизни бу ерда қўймайди. Менинг сўзларимни ҳали эслайсиз», – дедилар.

Мирзо Ёдгор Носирга шу сўзларни айтиб, Молдив томонга йўл олдилар. Жисомир йўлидан олдинга қараб кетдилар. Бир неча кундан кейин Диловар қалъасига етиб келдилар. Бу Молдив рожаси вилоятининг чегараси эди. Икки кун шу ерда бўлдилар. Фалла ва жой топилмади. У ердан Жисомир томонга равона бўлдилар.

Жисомирга яқинлашиб қолганларида, Жисомирнинг рожаси бир тўда кишини юборди. Улар йўлни тўсиб чиқдилар. Жанг бўлди. Ҳазратлари бир неча киши билан йўлдан чекиндилар. Жангда бир неча киши ярадор бўлди.

Шоҳимхон Жалойирнинг укаси Алушбек, Пирмуҳаммад ахта, Равшанг тўшакчи ва бошқа бир нечта киши ярадор бўлдилар. Ниҳоят, ғалаба қозондилар. Кофирлар қочиб, қалъага кирдилар.

Ҳазратлари ўша куни 60 курух (120 милга яқин) чамаси йўл босдилар. Бир кўл ёқасида жой топилди. У ердан чиқиб, Ситалмирга келдилар. Ситалмир халқи ўша куни ташвишга солди, шунинг учун Молдивга қарашли Паҳлуди номли паргана (туман)га етиб келдилар.

Молдивнинг рожаси Жудҳпурда эди. Бир жубба ва туяга ортиб ашрафий (танга) ҳазратлари хизматларига юборди. «Хуш келибсиз», деб дилларини кўп хушнуд қилди. «Мен сизга Биконирни бердим», – деди. Ҳазратлари хотиржам ўтирадилар. «Қандай жавоб бераркин», деб Аткахонни Молдив [рожа]синг олдига юбордилар.

Китобдор Мулла Сурҳ ўша Ҳинд [подшоҳлиги] тор-мор бўлиб, вайронага айланганида, Молдив ви-

лояти томонга кетиб, хизматга кирган эдилар. У ари-
за ёзиб жўнатибдики: «Зинҳор-минг бора зинҳор
ҳазратлари [подшоҳ] олдинга қадам босмасинлар.
Хозир қаерда турган бўлсалар, ўша заҳоти кўчиб, у
ердан кетсинлар. Молдив сизни кўлга олиш пайи-
да. Унинг ваъдасига ишонманг. Шерхоннинг элчиси
келди. Шерхон: «Кўлингиздан келса, ҳазратларини
кўлга олинг. Агар шу ишни уддаласангиз, Ногур ва
Алвар, умуман, ўзингиз истаган жойни бераман», –
деб ёзипти.

Аткахон ҳам келиб: «Кўл қовуштириб туради-
ган вақт эмас», деди. Намозгар пайтида ҳазратлари
кўчдилар. Ҳазратлари отга минай деб турғанларида,
иккита жосусни тутиб келтирдилар. Икковини сўроқ
қилишаётган эди, тўсатдан қўлларини бўшатиб,
Махмуд қиличбознинг белидан қиличини тортиб
олиб, аввал Маҳмудга қилич солди, сўнг Боқи Гу-
валёрийни ярадор қилди. Нариги биттасининг бели-
дан ханжарини тортиб олиб, одамларга қараб ташлан-
ди, бир неча кишини ярадор қилди ва ҳазратларининг
минадиган отларини ўлдирди.

Хуллас, икковисини тинчтитунча роса овора
бўлишди. Шу пайт «Молдив [лашқари] етиб келди»,
деб favfo кўтаришди.

Ҳамиданубонубегим минишига подшоҳ ҳазрат-
ларининг лойиқ отлари йўқ эди. Бегим миниши учун
Турдидекдан от сўрашади. Турдидек от бермабди.
Ҳазратлари: «Менга Жавоҳир офтобачининг түясини
ҳозир қилинглар. Мен туга минаман, бегим менинг
отимга минсин», – дедилар.

Шунда Надимбек подшоҳ ҳазратлари ўзларининг
отларини бегимга тайинлаб, ўзлари туга миниши-

ни мўлжаллаётганини эшитади. У онасини туюга миндириб, онасининг отини подшоҳ ҳазратларига тортиқ қиласди. Ҳазратлари отга миниб, Умаркутга жўнадилар. Бир жойдан йўлни кўрсатиб бориши учун йўл бошловчи олишади. Ҳаво нихоятда иссик, отлар ва чорванинг оёқлари тиззагача қумга ботган, устига-устак, орқадан Молдив лашкари яқин келиб қолганди. Яна кўчишди. Оч-ташна ҳолда йўл босишди. Аксар эркак ва аёллар пиёда эдилар.

Молдив лашкари яқинлашиб қолгач, ҳазратлари Эшон Темур султон, Мунъимхон ва бошқаларга: «Сизлар оҳиста келинглар ва ғанимни ушлаб туринглар, биз йўлга чиқиб, бир неча куруҳ узокроқ кетиб олайлик», – деб буюрдилар.

Улар қолишли. Қоронғи тушди, йўлдан адашишди. Ҳазратлари кечаси билан йўл босдилар. Отлар сув ичмаганига уч кун бўлганди. Тонг отгач, сувлоқ жой топилди. Ҳазратлари отдан тушган эдилар, кимдир чопқиллаб келиб: «Жуда кўп отлиқ ва тую минган хиндлар етиб келдилар», – деди.

Ҳазратлари Шайх Алибек, Равшан кўка, Надим кўка, Мирвалининг укаси Мир Поянда Муҳаммад ва бошқаларга рухсат бердилар. «Бориб кофирлар билан жанг қилинглар», – деб фотиҳа бердилар.

Ҳазратлари, Эшон Темур Султон, Мунъимхон, Мирзо Ёдгор ва бошқа қолдирган одамлари ўлдирилган ёки кофирларнинг қўлига тушган, бу жамоат уларни ўлдириб устимизга бостириб келишди, деб ишончлари комил эди.

Ҳазратлари яна отга миниб, лашкар билан бир неча кишини қолдириб, ўзлари олдинга қараб кетдилар. Ҳазратлари фотиҳа бериб, жангга юборган

ўша жамоатдан Шайх Алибек ёй ўқи билан отиб, рожпутларнинг сардорини отдан қулатди. Қолганлар ҳам ўқ отиб, бошқаларини қулатдилар. Кофирлар орқага қараб қочишиди ва [подшоҳ одамлари] ғалаба қозонишиди. Бир нечтасини тириклай тутиб келишиди. Лашкар аста-секин йўл босар, аммо подшоҳ ҳазратлари узоққа кетиб қолгандилар. Бу одамлар ғалаба қозониб, лашкарга етиб кўшилдилар.

Беҳбудномли подачи бор эди. Уни ҳазратларининг орқаларидан чопар қилиб жўнатдилар. «Ҳазратлари астароқ юрсинлар. Аллоҳнинг инояти билан ғалаба қозонилди. Кофирлар қочди», – деб хабар бердилар. Беҳбуд ҳазратларига етиб олиб хушхабарни етказди. Ҳазратлари отдан тушдилар. Озгина сув ҳам то-пилди.

«Уларнинг аҳволи нима кечдийкин», деб амирларини ўйлаб турганларида, узоқдан бир нечта отлик кўринди. Молдив [одамлари] бўлмасин, деб яна вахимага тушдилар. Бориб, хабар келтирисин деб бир кишини юборишиди.

Эшон Темур Султон, Мирзо Ёдгор ва Мунъимхон ҳаммалари сиҳат-саломат келяптилар, деган хабар келди. Улар етиб келганидан ҳазратлари хурсанд бўлдилар ва Ҳақ таолога шукrona келтиридилар.

Эртаси куни яна кўчдилар. Уч кунгача сув топмадилар, уч кундан кейин қудукларнинг тепасига етиб келдилар. Бу қудуқлар жуда чукур эди. Ўша қудукларнинг тепасига жойлашдилар. Бу қудукларнинг суви ғоятда қизил эди. Ҳазратлари бир қудуқнинг тепасига, бошқа бир қудуқнинг тепасига Турдубекхон, яна бир қудуқ тепасига Мирзо Ёдгор, Мунъимхон, Надим кўка ва яна бир қудуқ тепасига

Эшон Темур Султон, Хожа Фозий ва Равшан кўка тушдилар. Кудукдан ҳар челакни тортиб чиқарганда, яқин келиши билан одамлар ўзини челакка ташлашарди, арқон узилиб, беш-олти киши челак билан қўшилишиб қудукқа қуларди. Қанча одам ташналиктан ҳалок бўлишди.

Ҳазратлари ташналиқдан одамлар ўзларини қудукқа ташлаётганини кўриб, ўзларининг махсус мешкобидан одамларга сув ичиради. Охири одамларни сувга қондириб, пешин намози пайтида кўчишди ва бир кечакундуз йўл босиб, бир саройга етишди. Бу ерда катта ҳалқоб бор эди. Сувнинг ичига тушиб отлар ва туялар шунчалик кўп сув ичишди, аксари [бўкиб] ўлди. Отлар камайиб, туя ва хачирлар қолганди.

Ўша кундан бошлаб ҳар куни сув топилиб турди. Умаркутга етиб келишди. Бу яхши жой эди ва ҳалқоб сувлар кўп эди. Раъно ҳазратларига пешвоз чиқди ва қалъанинг ичига олиб кириб, яхши қўноқ берди. Амирларнинг одамларига қалъанинг атрофидан жой берди.

Кўп нарса ниҳоятда арzon эди. Бир рупияга тўрт эчки берарди. Раъно кўй-кўзидан ва бошқа нарсалардан тортиқ қилди. Шундай хизматларни жойига кўйдики, таърифини не тил билан ёзай?! У ерда бир неча кун тинч-осойишта вақт ўтказиши.

Хазинада пул тугаганди. Турдигекхоннинг жуда кўп тилласи бор эди. Ҳазратлари қарзи ҳасана йўсинида ундан бир микдор маблағ сўратдилар. У ўнга икки [фойда] ҳисобидан саксон минг ашрафий қарз берди. Ҳазратлари олиб, лашкарга ҳиссасини улашдилар.

Раънога ва фарзандлариға белбоғли ханжарлар, сарполар иноят қилдилар. Баъзи одамлар янги от сотиб олдилар.

Мирзошоҳ Ҳусайн Раъононинг отасини ўлдирган эди. Шунга қарамай, икки-уч минг жанговар отлик ҳозирлаб, ҳазратларининг хизматларига қўшиб бердилар. Ҳазратлари яна Бакҳарга йўл олиб, кўпчилик оила аъзоларини Умаркутда қолдирдилар.

Ҳарамдан хабар олиб туриш учун Хожа Муаззамни ҳам қолдирдилар. Ҳамидабонубегим ҳомиладор эди.

Ҳазратлари йўлга тушганларидан кейин уч кун ўтгач, ҳижрий 949, ражаб ул-муражжаб ойининг тўртида (1542 й. 2 август) якшанба куни сахар чоғида, олампаноҳ оламгир подшоҳ ҳазратлари Жалолиддин Мухаммад Акбар подшоҳи Фозий таваллуд топдилар. Ой асад буржида эди.

Бу буржда таваллуд топиш ниҳоятда яхшидир. Мунажжимлар: «Бу соатда [туғилган] фарзандлар иқболи баланд, умри узок бўлади», – дедилар.

Ҳазратлари [подшоҳ] ўн беш курух (~ 30 км) нарида эдилар. Турди Мухаммадхон хабар етказди. Ҳазратлари жуда-жуда хурсанд бўлдилар ва бу хушхабар ҳамда башорат эвазига Турди Мухаммадхоннинг олдинги гуноҳларидан ўтдилар.

Ўша Лохурда кўрган тушларига биноан Жалолиддин Мухаммад Акбар подшоҳ деб ном қўйдилар. У ердан кўчиб, Бакҳар томонга жўнадилар. Раъононинг одамлари судма ва саминчадан¹ ўн минг кишича тўпладилар.

¹ Судма ва саминча – хинд қабилаларидан бири.

Жун паргanasи [туман]га етиб келдилар. Жунда Шоҳ Ҳусайн мирзонинг қули бир неча отлик билан турарди. Улар қочиб кетдилар. У ерда Ойна боғ бир сафоли жой эди. Ҳазратлари ўша бокқа тушдилар ва унинг атрофидаги жойларни одамларга тайин қилдилар.

Жундан Таттагача олти кунлик йўл эди. Ҳазратлари олти ой шу ерда турдилар ва Умаркутга одам юбориб, ҳарам аҳли ва бошқа кўпгина кишиларни чакиртирилар. Жалолиддин Акбар подшоҳ олти ойлик бўлганида, Жунга олиб келдилар.

Ҳарам аҳли билан теварак-атрофдан келган жамоат тарқалиб кетдилар. Раъно Турди Муҳаммадхон билан ораларидан гап қочиб, совуқчилик тушгани туфайли яrim кечада ўзининг вилоятига жўнади. Судма ва саминча жамоаси ҳам унга қўшилиб кетишиди. Ҳазратлари ўз жамоаси билан қолдилар.

Ҳазратлари марди майдон бўлган Шайх Алибекни Музafferбек туркман билан бирга йирик парганилардан бўлган Жожкога юбордилар. Мирзошоҳ Ҳусайн бир гурӯҳ кишиларни уларга қарши юборди. Икки лашкар ўртасида қонли жанг бўлди. Охири Музafferбек яксон бўлиб қочди, Шайх Алибек бир тўда бошқа одамлар билан ўлдирилди.

Холидбек билан Шоҳимхоннинг укаси Алушбек орасида гап қочди. Охири бир гурӯҳ кишилар Алушбек тарафини олишиди. Шу сабабдан Холидбек бир тўда кишилар билан қочиб, Мирзошоҳ Ҳусайннинг олдига кетди.

Подшоҳ ҳазратлари унинг Султоним номли оналарини қамоққа буюрдилар. Гулбаргбегим шу туфайли ранжиган эдилар. Охири унинг гуноҳидан ўтдилар ва

Гулбаргбегим билан бирга Маккаи муazzамага рухсат бердилар.

Бироз муддатдан кейин Алушбек ҳам қочди. Ҳазратлари уни дуоибад қилдилар: «Биз унинг ёнини олиб Холидбекка дағал [муомала] қилган эдик. Шунга қарамай, берган тузимизни оқлаш ўрнига кўрнамаклик қилиб кетдилар. Жувонмарг бўлгусидур».

Шундай ҳам бўлди. Ўн беш кундан кейин кемада ухлаб ётганида, қули пичоқ уриб ўлдирди. Ҳазратлари буни эшитиб, қаттиқ қайғуриб, ўйга толдилар.

Шоҳ Ҳусайн кемаларини дарёдан Жун яқинига олиб келиб кўйганди. Қуруқликда ҳам ҳазратларининг одамлари Шоҳ Ҳусайннинг одамлари билан жанг қиласарди ва икки томондан одамлар ҳалок бўларди. Подшоҳнинг кўпгина одамлари қочиб, ҳар куни Шоҳ Ҳусайн тарафига ўтишарди. Жумладан, Мулло Тожиддинким илмда дурри якто эдилар ва унга бутунлай иноят қиласардилар, ана шу жангда ўлдирилди.

Турди Муҳаммадхон билан Мунъимхоннинг ораларига совуқчилик тушди. Мунъимхон ҳам қочди. Саноқли амирлар қолди. Жумладан, Турди Муҳаммадхон, Мирзо Ёдгор, Мирзо Поянда Муҳаммад, Муҳаммад Вали, Надим қўка, Равшан қўка, Хаданг эшик оғаси ва бир қанча бошқалар ҳазратларининг хизматида эдилар. «Байрамхон Гужарат томондан келяпти, Жожко парганасига етиб келибди», – деган хабар келди. Ҳазратлари хушнуд бўлдилар ва Хаданг эшик оғаси билан бир гурух кишиларга Байрамхонга пешвоз чиқиши буюрдилар.

Шу аснода Шоҳ Ҳусайн, Байрамхон келяпти, деб эшитди. Бир қанча одамларни Байрамхонни тутиб

келишга юборди. Бир жойда ғофил ётганларида, келиб босишиди. Хаданг эшик оғаси ўлдирилди. Байрамхон бир нечта кишилар билан ўзини қутқариб, ҳазратларининг хизматларига мушарраф бўлдилар.

Шу пайтда подшоҳ ҳазратлари ва Мирзо Ҳиндолга Қорачахоннинг арз хатлари етиб келди: «Сизлар анча вақтдан бери Бакҳар атрофида ўтирибсизлар. Шу муддатда Шоҳ Ҳусайн миরзо томонидан давлатга хайриҳоҳлик сезилмади, балки ёмон муносабатда бўлди. Энди Аллоҳнинг инояти билан, агар подшоҳ ўз давлати ва саодати билан келсалар, айни муддао бўлур, агар ҳазратлари келмасалар, сиз [Ҳиндол], албатта, келинг».

Ҳазратлари тўхтаб турганлари сабабли Мирзо Ҳиндол унга пешвоз чиқиб, Қандаҳорни Мирзо Ҳиндолга тортиқ қилган эди.

Мирзо Аскарий Газнайнда эди. Мирзо Комрон: «Қорачахон Қандаҳорни Мирзо Ҳиндолга берди. Қандаҳор ҳақида ўйлаб кўриш керак», – деб арз қилди. Мирзо Ҳиндолдан тортиб олмоқчи бўлиб ишга киришиди. Шу орада ҳазратлари бу хабарларни эшитиб, аммалари Хонзодабегимнинг олдига келдилар. «Мени баҳтиёр этиб Қандаҳорга борсангиз. Мирзо Ҳиндол билан Мирзо Комронга насиҳат қилсангиз. Ўзбек ва туркман сизнинг яқинингизда, шундай бир пайтда биз ва сиз ўзаро иттифоқда бўлсак, яхшиrok. Агар мен Мирзо Комронга ёзган хатларимга рози бўлса ва амалга оширса, улар кўнгиллари нимани тиласа, биз ҳам ўша қабилда иш қилгаймиз», – деб қаттиқ тайинладилар.

Бегим ҳазратлари Қандаҳорга етиб келганларидан тўрт кун ўтгач, Мирзо Комрон ҳам [Қандаҳор]га

етиб келдилар ва ҳар куни «Хутба менинг номимга ўқилсин», деб тинмай қисталанг қиласарди.

Мирзо Ҳиндол: «Хутбани ўзгартиришда қандай маъни бор? Фирдавс макон ҳазратлари [Бобур] ти-риклигида подшоҳликни Ҳумоюнга бердилар ва уни ўзларига валиаҳд қилиб тайинлагандилар. Бизлар ҳаммамиз рози бўлиб, ҳозиргача хутбани уларнинг номларига ўқиб келдик. Энди хутбани ўзгартиришга зарурат йўқ», – дедилар.

Мирзо Комрон Дилдорбегим ҳазратларига хат ёзиб: «Биз Кобулдан сизни эслаб келдик, ажабланарлиси, сиз бир марта келиб бизни кўрмадингиз. Сиз Мирзо Ҳиндолга қандай она бўлсангиз, бизга ҳам шундай онасиз», – дебдилар.

Сўнгра Дилдорбегим уларни кўргани келдилар. Мирзо Комрон: «Энди то Мирзо Ҳиндолни чақиртирганнингизча сизни қўймайман», – дедилар. Дилдорбегим: «Хонзодабегим сизларнинг энг [ёши] улуғингиз. Хутба ҳақидаги ҳақиқатни улардан сўранг», – дедилар. Охири она [Хонзода]га айтдилар. Хонзодабегим: «Агар мендан сўрасангиз, сизлар ҳозиргача фирдавс макон ҳазратлари подшоҳликни Ҳумоюн подшоҳга беришга қарор қилганлари бўйича уларнинг номига хутба ўқидингиз. Бундан буён ҳам уни ўз каттангиз ҳисоблаб, унинг фармонларига бўйсунингиз», – деб жавоб бердилар.

Мирзо Комрон тўрт ойгача Қандаҳорни қамал қилиб, хутба ўқишини қаттиқ талаб қилди. Охири бир қарорга келдилар: «Ҳозирча подшоҳ узоқдалар, хутбани менинг номимга ўқинглар. Қачонки подшоҳ келса, хутбани унинг номига ўқийсизлар».

Қамал узокқа чўзилиб кетгани ва одамлар ҳийналиб кетганини инобатга олиб хутба ўқиш зарурати туғилди.

Қандаҳорни Мирзо Аскарийга бердилар. Ғазнайнни Мирзо Ҳиндолга ваъда килдилар. Ғазнайнга келгач эса Лағмонот ва [унинг атрофидаги] дараларни Мирзо Ҳиндолга бердилар. Шундай ёлғон ваъдалар.

Мирзо Ҳиндол Бадаҳшон томонга йўл олиб, Хўст ва Андаробда ўтириданар. Мирзо Комрон Дилдорбегимга: «Сиз бориб, олиб келинг», – дедилар.

Дилдорбегим ҳазратлари бордилар. Мирзо [Ҳиндол]: «Мен уруш-талашдан кечдим. Хўст бир чекка жой, шу ерда бўлиб тураман», – деб жавоб бердилар. Бегим [Дилдор]: «Агар мақсад дарвешлик ва узлатга чекиниш бўлса, Кобул ҳам бир чекка жой, оила аъзоларингиз ва фарзандларингиз билан бир жойда бўлсангиз, яхширок», – деб уни зўрлаб олиб келдилар. Мирзо Ҳиндол анча вақт Кобулда дарвешлик ҳолатида яшади.

Бу ерда эса Мирзо Шоҳ Ҳусайн подшоҳ ҳазратларининг олдига биттасини юбориб: «Бу ердан кўчиб, Қандаҳорга кетсангиз, давлат [манфаати] га лойик иш бўлур эди», – дедилар. Ҳазратлари рози бўлиб: «Бизнинг кўшинда от билан тия кам қолди, бизга от ва тия беринг, токи биз Қандаҳорга кетайлик», – дедилар.

Шоҳ Ҳусайн Мирзо рози бўлди ва: «Сувдан нариги томонга ўтсангиз, у томонда мингта тия бор, ўшани сизларга жўнатаман», – деди¹.

¹ Бакҳар ва Синд сафарига тегишли сўзлар Хожа Фозийнинг қариндоши Хожа Кепак томонидан битилган, жумлалар Хожа Кепакнинг ёзувлари асосида келтирилди. (*Таржимондан*)

Охири ҳазратлари [подшоҳ] оила аъзолари, лашкар ва бошқа кишилари билан кемага чиқишидди. Денгиздан ўтиш уч кунгача давом этди. У [Шоҳ Ҳусайн]-нинг чегарасидан ўтиб, Нуаси мавзесига жойлашдилар.

Султонқули номли карвонбошини тுяларни олиб келишга жўнатдилар. Султонқули бориб, минг тужа келтирди. Ҳазратлари ҳамма туюларни амирлар, аскарлар ва бошқа лашкар одамларига улашдилар. Бутуюлар шундай туюлар эдики – етти пуштимас, етмиш пушти ҳам гўё шаҳар, одам ва юк кўрмаган эди.

Лашкарда от етишмаслиги сабабли, кўпчилик кишилар туюга минган эдилар ва уларнинг барчасидан ортганини юк ортишга тайин қилинди. Туюлардан қайси бирига минишса, ўша заҳоти минган кишини ерга ағдарар ва ўрмонга қараб йўл оларди. Юк ташувчи туюлардан қайси бирига юк ортилса, от туёқларининг товушини эшитиши билан сапчиб юкини ерга ағдарар ва ўзларини ўрмонга уриб кўздан йўқоларди. Юклари маҳкам боғланган туюлар қанча шатталамасин, юклари ағдарилмас ва улар юк-пуки билан ўрмонга қочиб, ғойиб бўлардилар. Шу алфозда Қандаҳорга қараб кетаётганларида икки юзга яқин тую қочиб кетган бўлса керак. Шу хилда Сиви якинига етиб келишидди. Шоҳ Ҳусайн мирзонинг мулизими Маҳмуд карвонбоши Сивида эди, у қалъани эгаллаб, беркиниб олди.

Ҳазратлари Сивидан олти курух нарида тўхтадилар. Шу аснода «Мирулло Дўст билан Бобо Жужуқ Кобулдан Сивига келганига икки кун бўлди ва Шоҳ Ҳусайн мирzonинг олдига кетишмоқда», деган хабар келди.

Мирзо Комрон Шоҳ Ҳусайн мирзога сарполар, тўбичноқ отлар ва жуда кўп мевалар юбориб, унинг қизини ўзига сўратиби. Ҳазратларининг ўзлари Хожа Ғозийга қараб: «Сен билан Аллоҳ Дўст орасида ота ва болалик муносабати бор, шунинг учун унга бир хат ёзиб юбор, Мирзо Комроннинг бизга муносабати қандай экан ва агар биз унинг олдига борсак, қандай кутиб оларкин?» – деб буюрдилар.

Подшоҳ ҳазратлари Хожа Касакка, Сиви тарафга бориб, Мирулло Дўстга айт, бизнинг олдимизга келиб кўрсалар, яхши бўларди, деб айтдилар. Ўша Хожа Касак Сивига қараб кетди. Ҳазратлари [подшоҳ] то сен келмагунингча, бу ердан кўчмаймиз, дедилар. У Сивига яқин борганида Маҳмуд карвонбоши уни тутиб: «Бу ерга нима иш билан келдинг?» – деб сўрайди. У: «От ва тuya сотиб олиш учун», – дейди. Карвонбоши: «Бунинг ёнини ва бош кийимини текширинглар, эҳтимол, Аллоҳ Дўст ва Бобо Жужукқа вожиб фармон келтирган бўлса», – дейди.

Уни тинтув қилишганда, ёнидан хат чиқади, у хатни бирон ёққа бекитишга улгурмаган эди. Хатни олиб ўқийди ва қайтиб бермайди. Ўша заҳоти Аллоҳ Дўст ва Бобо Жужукни қалъани ичкарисига олиб кириб, уларга анвои қўполликлар кўрсатади. «Бизнинг бунинг келишидан хабаримиз йўқ, бу киши менинг кўлимда сабоқ олган, Хожа Ғозий бизга яқинлик жиҳати бор эди ва Мирзо Комроннинг олдида эди, шунинг учун хат ёзган», – деб қасам ичади. Маҳмуд Касакни бир гурӯҳ ҳамроҳлари билан Шоҳ Ҳусайн ҳузурига жўнатишга қарор қилди. Мируллоҳ билан Бобо Жужук кечаси билан Маҳмуднинг олдида қолиб, уни юмшатдилар ва уни тутқундан халос қилдилар.

Мирулло Дўст ҳазратларига [подшоҳ] уч юз анор ва юз бехи бериб жўнатдилар, қўлга тушишдан кўркиб, арзларини ёзмадилар. Аммо: «Агар Мирзо Аскарийнинг ёки амирларнинг арзномаси етиб келган бўлса, подшоҳ ҳазратларини кўришни хоҳласалар, Кобулга бориш ёмон бўлмайди, акс ҳолда Кобулга боришни маслаҳат кўрмаймиз. Ахир ҳазратларининг одамлари кам, Худо билади не ҳодисалар рўй беради», – деб оғзаки айтиб юбордилар. Касак келиб, арзга етказди.

Ҳазратлари «Энди нима қилсан экан?» деб ҳайратланиб, ўйга толдилар. Кенгаш қилдилар. Турди Муҳаммадхон билан Байрамхон кенгаш бердиларки, Қандаҳорга чегарадош Шимолиён ва Шоли Маstonга азму жазм қилишдан ўзга чора йўқ. Чунки ўша атрофда аффонлар кўп, уларни ўз томонимизга тортамиз, Мирзо Аскарийнинг амирлари ва мулозимлари ҳам биз томонга қочиб ўтсалар керак, дедилар.

Алқисса, ўзаро шундай қарорга келишиб, кўча-кўча Қандаҳорга қараб силжидилар.

Шоли Маston яқинидаги Рали номли манзилга кўндилар. Бу ерда ёмғир, қор ёғиб, ҳаво ниҳоятда совуқ эди. Бу ердан Шоли Маstonга қараб кетишга қарор қилинганди. Намози аср вактида бир ўзбек йигит кирчанғи отда келиб, наъра тортди ва: «Ҳазратлари тезда отлансинлар, йўлда гапимни арзларига етказаман, вакт оз, ҳозир гапириб ўтиришга фурсат йўқ», – дедилар.

Ҳазратлари ўша заҳоти отга миндилар, шовқин-сурон бошланди ва подшоҳ йўлга тушдилар. Икки ўқ етар масофага боргандарида подшоҳ ҳазратлари Хожи Муazzам ва Байрамхонни Ҳамидабонубегимни

келтиришга юбордилар. Булар келиб бегимни отлантиридилар. Жалолиддин Мұхаммад Ақбар подшоҳни олиб кетишга имконлари бўлмади. Бегим подшоҳга қўшилиш учун ўрдадан чиқиши ҳамоно Мирзо Аскарий икки минг отлиқ билан кириб келдилар ва тўстўполон кўтарилди.

Етиб келиши биланоқ ўрданинг дарвозасига шошилдилар ва: «Подшоҳ қаердалар?» – деб сўрадилар. Одамлар: «Овга кетганларига анча вакт бўлди», – дедилар. Подшоҳ чиқиб кетишга улгурганини билдилар. Сўнгра Жалолиддин Мұхаммад Ақбар подшоҳни бирга олиб, ҳамма подшоҳ одамларини ўлдириб, Қандаҳорга олиб кетдилар. Мұхаммад Ақбар подшоҳни ўз аёли Султонимбекимга топширдилар. Мирзо Аскарийнинг аёли Султонимбеким ўта меҳрибонлик кўрсатиб, ғамхўрлик қилдилар.

Подшоҳ отга миниб, тоғ тарафга юзландилар ва тўрт курухча йўл босдилар. Шундан сўнг шиддат билан олға юрдилар.

Ўша пайтда Байрамхон, Хожа Муаззам, Хожа Ниёзий, Надим кўка, Равшан кўка, Ҳожи Мұхаммадхон, Бобо Дўст баҳши, Мирзо Қулибек Чўлий, Ҳайдар Мұхаммад Ахтабеги, Шайх Юсуф Чўлий, Иброҳим эшик оға, Яъқуб кўрчи, Анбар нозир, Малик Мухтор, Сунбул Мирҳазор, Хожа Касакдан иборат жамоат унинг мулозаматида эдилар.

Хожа Фозий, мен ҳам уларнинг мулозаматида эдим, дейди. Бу жамоа ҳазратлари билан бирга жўнадилар. Ҳамидабонубегим айтишича, ўттиз киши билан бирга эдилар ва аёллардан Ҳасан Али эшик оғанинг аёли ҳам улар билан бирга эди.

Хуфтон намози вақтидан ўтганда, тоғнинг тагига етиб келдилар. Тоғни қалин қор босган, тоғ те-

пасига чиқишига йўл йўқ эди. Ноинсоф Мирзо Аскарий орқадан етиб келмасайди, деб ҳадиксирашарди. Аранг йўл топиб, тоғ тепасига кўтарилидилар ва кечаси билан қор тагида қолдилар. Ўша пайтда олов ёкишига ўтин ҳам топилмади, ейишга ҳам ҳеч вақо йўқ эди. Очлик ёмон қийнарди, одамлар чидай олмасдилар.

Ҳазратлари бир отни сўйинг, деб буюрдилар. Отни сўйгач, ош пиширишга қозон топилмасди. Дубулғада гўшт пишириб, кабоб қилишди. Тўрт томонда олов ёкишди. Ўзларининг муборак қўллари билан кабоб пишириб едилар. Ўз муборак тиллари билан баён қилишларича, қаҳратон қишида бунчалик совқотмаган эканлар.

Шундай қилиб, тонг отгач, яна бир тоғни кўрсатиб: «Ўша ерда одамлар яшайди, у ерда балужлар туришади, шу ёққа боришимиз керак», дейишди. Йўлга тушдилар. Икки кун деганда у ерга етиб бордилар.

Бир нечта уй кўрдилар. Бу уйларда биёбон девларидан иборат бир қанча ёввойи балужлар ўтиришарди. Ҳазратлари билан ўттизга яқин киши бор эди. Балужлар уларни кўришлари билан ҳаммалари тўпланишиб келишдилар. Ҳазратлари чодирда подшоҳона қиёфада ўтирганларини кўриб, узоқдан ҳазратларининг ўзлари эканини пайқадилар. Ўзаро: «Агар биз буларни тутиб, Мирзо Аскарийнинг олдига олиб борсак, буларнинг яроқларини, албатта, бизга беришади, балки ундан ортиқроқ нарса ҳам инъом қилар», – деб гаплашардилар. Ҳасан Али эшик оғанинг хотини балуж эди ва у балуж тилини биларди. У бу биёбон девларининг хаёли бузуқлигини маълум қилди. Эртаси куни бу ердан кўчмоқчи бўлишди.

Балужлар: «Бизнинг бошлиғимиз ҳозир бу ерда йўқ, у келгандан кейин кўчинглар», – дейишди.

Кеч кириб қолгани учун кечаси билан ҳушёр туришди. Кечаси алламаҳал бўлганда ўша бошлиқ балуж келиб, подшоҳнинг ҳузурларига кирдилар ва: «Мирзо Комрон ва Мирзо Аскарийнинг фармони келди. Унда эшитишимизча, подшоҳ сизларнинг уйларингизга ташриф буюрганишлар. Агар ўша ерда бўлсалар, зинҳор-базинҳор уни қўйманглар, уни тутиб, бизнинг олдимизга олиб келинглар. От ва молмулки сизларга тегади. Подшоҳни Қандаҳорга келтиринглар, деб ёзибдилар. Мен подшоҳни кўрмасимдан аввал хаёлим бузук эди. Ҳозир ҳазратларининг ҳузурига келганимдан кейин менинг жоним, хонадоним ва беш-олти фарзандим, ҳаммаси ҳазратларининг бош-кўзига, балки ҳазратларининг бир тола соchlарига садака. Ҳазратлари қаерга истаса, бораверсинлар. Мирзо Аскарий мени нима қилса қилсин», – деди.

Ўша балужга бир парча лаъл, марварид ва бошқа нарсалар иноят қилдилар. Эртаси куни кўчиб, Бобо Ҳожи қалъаси томонга ташриф буюрдилар.

Икки кундан кейин етиб келдилар. Бу қалъа Гармсер вилоятининг ичидаги, дарёнинг лабида жойлашган ва у ерда бир гурух сайидлар яшашади. Улар ҳазратларига таъзим бажо келтиришди ва меҳмондўстлик кўрсатишиди. Эртаси куни Ҳожа Аловуддин Маҳмуд Мирзо Аскарийдан қочиб келди. Бир қатор хачир ва от, чодир ва бошқа бисотларини ҳазратларига тортиқ қилишди. Шундан сўнг кўнгил хотиржам тортди.

Индига Ҳожи Муҳаммадхон Кўкай ўттиз-қирқ отлиқ билан келди ва бир гала хачир тортиқ қилди.

Ака-укаларнинг ўзаро келишмовчилиги ва амирларнинг орасида ҳамжиҳатлик йўқлигидан, чорасиз қолиб, шундай маслаҳатга келишдики, барча мавжу- дотларнинг сабабчиси ҳазратларига таваккал қилиб Хуросонга кетишга азму жазм қилишди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ахийри Хуросон минтақасига етиб келишди.

Ҳилманд дарёсига етиб келганида Шоҳ Тахмос бу хабарни эшитиб, Ҳумоюн подшоҳни шу кўйга солган ва борлиқнинг яратувчиси бу ерларга олиб келган бу кажрафтор, ғаддор, носозгор фалакнинг ишларидан ҳайратга тушиб, фикрга толдилар.

Барча аҳоли ва валийлар, олийзот ва олийнасадлар, катта-кичикни жамлаб, подшоҳ ҳазратларига пешвоз чиқардилар. Улар ҳаммаси Ҳилманд дарёсигача келишди. Шоҳ [Тахмос]нинг укалари Баҳром мирзо, Алфоз мирзо ва Сом мирзо ҳаммани уларнинг истиқболига жўнатди. Барчалари шоҳ хузурига келдилар ва иззат-икром билан ҳазратларини олиб келдилар.

Яқинроқ етиб борганларида шоҳнинг укалари унга хабар бердилар. Шоҳнинг ўзи ҳам отга миниб ҳазратларининг истиқболига чиқдилар. Улар бирбири билан дийдор кўришишди. Бу икки юксак мартабали подшоҳнинг ошначилиги ва ҳамжиҳатлиги худди бир пўст ичидаги икки бодом мағзининг бирбирига яқинлигидай эди. Улар орасидаги ихлос ва иттифоқ шу даражага етдики, ҳазратлари у ерда бўлган бир қанча муддат ичидан кўпинча шоҳ уларнинг манзилларига келардилар ва шоҳ келмай қолган куни ҳазратлари уларнинг олдига ташриф буюардилар.

Хурсонда бўлган даврларида ҳамма боғу бўстонларни, Султон Ҳусайн мирзо барпо қилган ва ундан олдин қурилган олий иморатларни барчасига сайд қилдилар ва Ироқда бўлган пайтларида саккиз марта овга чиқдилар. У [шоҳ Тахмос] ҳар гал овга чиққанларида ҳазратларини ҳам таклиф қилардилар.

Ҳамидабонубегим ё кажавада, ё тахтиравонда ўтириб томоша қилардилар. Шоҳнинг синглиси малика Султоним отга миниб шоҳнинг орқа томонида турадилар. Ҳазратлари: «Овда шоҳнинг орқасида бир заифа отга миниб туради ва унинг жиловида бир оппоқ соқолли туради», – деб гапиргандилар. Одамлар: «Бу шоҳнинг синглиси малика Султоним», – дедилар. Хулласи калом, шоҳ [Тахмос] ҳазратларига ҳаддан зиёд меҳрибонлик ва муруват кўрсатар, оталарча ғамхўрлик қилардилар.

Бир куни малика Султоним Ҳамидабонубегимни меҳмондорчиликка таклиф қилганди. Шоҳ синглисига: «Агар меҳмондорчилик қилсангиз, шаҳардан ташқарида маърака барпо қилинг», – дегандилар. Шаҳардан икки куруҳ наридаги бир кўркам майдон саҳнида чодир тикиб, боргоҳлар барпо қилгандилар, соябонлар ва пештоқлар тиклагандилар. Хурсонда ва ўша томонларда шоҳона чодир тикилиб, орқа томони бекитилмасди, подшоҳ ҳазратлари эса тарвузга ўхшаш юм-юмалоқ чодир курадилар. Шоҳнинг одамлари чодир, шийпон ва айвону соябонлар қуриб, гиратрофини ранг-баранг чийлар билан ўрагандилар. Ҳаммаси бўлиб ясан-тусан қилган мингга яқин, шоҳнинг қариндош-уруғлари: шоҳнинг аммаси, опасингиллари, ҳарами, хонлар ва султонларнинг аёллари ҳамда амирларнинг оиласи тўпланишганди.

Ўша куни малика Султоним Ҳамидабонубегимдан: «Хинди斯顿да ҳам соябон ва айвонлар бўладими?» – деб сўрайди. Бегим унга жавобан: «Хуро-сонни икки донг¹, Хинди斯顿ни олти донг, дейдилар. Ҳар қалай, икки донгда битган нарса тўрт донгда ундан аълороқ битса керак», – дейди. Шоҳнинг синглиси малика Султоним Ҳамидабонубегимнинг сўзини кувватлаб: «Амма, сиз ҳам ажойиб одамсиз-а, қаёқдаги гапларни гапирасиз. Икки донг қаёқда-ю, тўрт донг қаёқда, албатта, ундан яхшироқ ва афзалроғи топилади», – деб аммаларига жавоб беради. Бу маърака ва йиғинни кун бўйи яхши ўтказадилар.

Таом тортилган пайтида амирларнинг хотинлари ўринларидан туриб хизмат қилишарди ва шоҳнинг ҳарамлари малика Султонимнинг олдига ош тортишарди. Ундан ташқари, зардўзи қилинган ва бошка турли матолардан кераклигича Ҳамидабонубегимга сарпо беришади. Шоҳ [Тахмос] хуфтон намозигача подшоҳнинг манзилида бўлдилар. Шундан сўнг Ҳамидабонубегим ўз уйларига қайтганларини эшишиб, подшоҳнинг олдидан туриб, ўзларининг уйларига кетадилар. Шу даражада иззат-икром ва ройиш кўрсатардилар.

Шу орада ўзининг вафодорлиги, собиқ хизматларига қарамай, ўша бегона ва хавф-хатарга тўла юртда бевафолик қилди.

Подшоҳ ҳазратларининг туморларида бир нечта дона қимматбаҳо лаъл бўларди. Ҳазратлари ва Ҳамидабонубегимнинг ўзлари ёқ биларди. Учинчи кишининг ундан хабари йўқ эди. Агар подшоҳ

¹ 6/1 қисми. Бу ерда дунёнинг 6/1 қисми назарда тутилмоқда.

бирон жойга ташриф буюргудай бўлса, бу туморни Ҳамидабонубегимга топширади. Бир куни бегим бошини ювишга кетдилар. Ўша туморни кирўрайдиган сочиққа тугиб, подшоҳ каравотининг бош томонига бекитдилар. Равshan кўка фурсатни бой бермай, бешта лаълни ўғирлайди ва Ҳожа Фозий билан тил бириктириб, уларни Ҳожа Фозийга топширади. Бироз вақтни ўтказиб, сарфламоқчи бўлишади.

Ҳамидабонубегим бошини ювиб қайтганидан сўнг подшоҳ ҳазратлари ўша туморни бегимга бердилар. Бегим кўлида турган туморнинг вазни камайиб қолганини дарҳол пайқайди. Бегим буни подшоҳга айтади.

Ҳазратлари: «Бу қанақа гап бўлди? Сиз билан мендан бошқа учинчи кишининг бундан хабари йўқ эди. Нима бўлганийкин? Ким олганийкин?» – дедилар. Улар ҳайрон бўлиб қолдилар.

Бегим укалари Ҳожа Муаззамга шундай иш бўлди, деб айтади. «Агар шундай бир пайтда укалик бурчингизни бажо келтирсангиз ва бу ишни ортиқча шовшувсиз, бир йўлини қилиб сўраб-сuriштирсангиз, мени бу хижолатпазлиқдан кутқарсангиз, соз иш бўлур эди. Йўқса, то тирик эканман подшоҳнинг олдидаги юзим шувут бўлади», – дейди.

Ҳожа Муаззам: «Хаёлимдан бир фикр ўтди: мен подшоҳ ҳазратларига яқинлигимга қарамай, бир ориқ қирчангни от сотиб олишга қурбим етмайди. Ҳожа Фозий ва Равshan кўка, аксинча, ўзларига тўбичоқ отлар сотиб олишган, лекин ҳали тилласини беришмаган. Уларнинг бу харидлари бир нарсага умидворлиги бўлмаса, бежиздан эмас», – дейди.

Бегим эса: «Эй, ука, опа-укаликни кўрсатиш вақти келди. Бу олди-сотдини, албатта, суриншириш керак», – дейди. Ҳожи Муаззам: «Моҳи чечам, сиз ҳеч кимга бу гапни айтманг. Иншооллоҳ, ҳақ жойида қарор топади, деб умид қиласман», – дейди.

Бу ердан тўғри ўша савдогарларнинг олдига боради ва улардан: «Бу отларни қанчага сотдингиз? Қачон тилласини берасиз? Бу тиллаларни қай тариқа адo қиласиз?» – деб сўрайди. Савдогарлар: «Бизга бу икки шахс лаъл берамиз деб ваъда қилишди ва отларни олиб кетишди», – дейди.

Ҳожи Муаззам у ердан Ҳожа Фозийнинг хизматкорини олдига келади. Ундан: «Ҳожа Фозийнинг кийим-кечак бўхчаси ва бор буди қаерда туради?» – деб сўрайди. Ҳожанинг етими: «Бизнинг Ҳожамизнинг бўхча ва ашқол-дашқоли йўқ, битта тақияси бор, уни ухлаётганида гоҳи бошига, гоҳи қўйнига солиб ётади», – дейди.

Ҳожа Муаззам гап нимадалигини фаҳмлайди. Кўнглига келадики, ўша лаъллар Ҳожа Фозийнинг қўлида ва уларни тақиясида сақламоқда. У ҳазратларининг олдига келиб: «Мен Ҳожа Фозийнинг тақиясида ўша лаълларни дарагини топдим. Мен бир йўлини қилиб, уни ўғирламоқчиман. Агар Ҳожа Фозий ҳазратларининг олдига келиб, мендан шикоят қилса, ҳазратлари менга ҳеч нарса демасинлар», – дейди. Ҳазратлари буни эшишиб, табассум қиладилар.

Ҳожа Муаззам ўша кундан бошлаб, Ҳожа Фозийга ҳазил-мутойиба ва қочирим қила бошлайди.

Ҳожа Фозий келиб, подшоҳ ҳазратларига арз қилади: «Мен бир бечораҳол кишиман, ўзимга яраша обрў-иззатим бор. Бу қандай гапки, Ҳожа Муаз-

зам кичик ёшида бўлишига қарамай, бу бегона ви-
лоятда мен билан ҳазил-мутойиба ва мазах қиласи,
мени таҳқирлайди?» Подшоҳ ҳазратлари: «Ҳечқиси
йўқ, ёши кичик, бирон нарса хаёлига келиб қолган
ва бу дилхираликлардан бироз кўнгил очиш учун
беадаблик қилган бўлса керак, сиз ҳеч нарсани
кўнглингизга олманг, у ёш бола», – дейдилар.

Бир куни Хожа Фозий девонхонага келиб
ўтирган эди. Хожа Муассам уни фафлатда қолдириб,
тақиясини бошидан юлиб олади. Унинг ичидан
тенги йўқ лаълларни олиб, подшоҳ ҳазратлари ва
Ҳамидабонубегимнинг олдиларига олиб келиб
кўяди. Подшоҳ ҳазратлари табассум қиласилар,
Ҳамидабонубегим хурсанд бўладилар. Хожа Муаз-
замга оғаринлар ва раҳматлар айтишади.

Хожа Фозий ва Равшан кўка ўз қилмишларидан
шарманда бўлиб, ҳар иккаласи шоҳ [Таҳмос]нинг ол-
дига боришади ва шоҳга хуфёна бир нарсаларни ет-
казишади. Шундай гапларни айтишадики, шоҳнинг
кўнглида хиралиқ пайдо бўлади.

Подшоҳ ҳазратларига маълум бўладики, шоҳнинг
ихлос ва эътиқоди бурунгидай эмас. Дарҳол нимаи-
ки лаъл ва жавоҳири бўлса, ҳаммасини шоҳга тортиқ
қилиб жўнатадилар. Шоҳ подшоҳга, бизни бир-
биримиздан бегона қилган Хожа Фозий ва Равшан
кўканинг гунохи, бўлмаса биз сизни ўзимиз билан
ягона хисоблардик, дейди.

Ҳар иккала подшоҳ қайтадан яқдил бўлишди ва
бир-бирига нисбатан кўнглидаги ғуборни чиқариб
юборишди. Ўша икки ҳаромхўр ҳар иккала подшоҳ
томонидан рад қилинди. Подшоҳ ҳар иккаласини
шоҳга топширди. У лаълларни қандай қилиб бўлса

ҳам, қачон бўлса ҳам қайтиб олдилар, уларни эса тутқунга солишини буюрдилар.

Подшоҳ ҳазратлари Ироқда [Хурросон] бўлган даврларининг охиригача хурсандчилик билан ўтказдилар. Шоҳ турли йўллар билан кўнгилларини кўтарар ва подшоҳ ҳазратларига ажойибу ғаройиб совғалар жўнатар эдилар. Нихоят, ўз ўғлини, хонлар, сultonлар ва амирларини подшоҳ ҳазратлари билан бирга ёрдамга тайинлаб, кўнгилдагидай яроқ, чоди-ру ўтовлар, соябону айвонлар, ипак гиламлар, терма шолчалар ва ҳар хил уй анжомларидан кераклигича: тўшакхона, хазинахона, ҳар хил корхоналар; бовур-чихона (ошхона) ва ҳашаматли мулозимлар хонаси тайёрлаб, қутлуғ соатда бу икки подшоҳи олиймақом бир-бирларига рухсат беришди.

Подшоҳ ҳазратлари у ердан Қандаҳор томонга йўл олдилар. Подшоҳ ҳазратлари ўша пайтда бу икки бевафонинг гуноҳини шоҳдан тилаб, уларни кечириб, ўзлари билан бирга Қандаҳорга олиб кетдилар.

Подшоҳ ҳазратларининг Хурросондан қайтиб, Қандаҳорга келаётганини эшиитган Мирзо Аскарий Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳни Кобулга, Мирзо Комроннинг ҳузурларига жўнатдилар. Мирзо Комрон уни бизнинг аммамиз Хонзодабегимга – она-жонимга топширдилар.

Аммамиз уни олиб боққанларида Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ икки яrim ёшда эди. Уни жуда яхши кўрардилар. Қўл-оёғини ўпардилар ва худди укам Бобуршоҳнинг қўл-оёқларининг ўзгинаси, жудаям ўхшаш, дердилар.

Подшоҳ ҳазратларининг Қандаҳорга келганини аниқлангач, Мирзо Комрон Хонзодабегим

ҳазратларига ялиниб-ёлвориб: «Сиз давлат томонидан подшоҳнинг ҳузурига Қандаҳорга боринг, бизни яраштириб қўйинг», – деб сўрарди.

Хонзодабегим ҳазратлари Акбар подшоҳни Мирзо Комронга топширдилар, Мирзо Комрон ўз аёлларига топширдилар ва зудлик билан Қандаҳорга кетдилар.

Подшоҳ ҳазратлари Қандаҳорга келганларидан сўнг Мирзо Комрон ва Мирзо Аскарийни қирқ кун қамал қилдилар. Сўнг Байрамхонни Мирзо Комроннинг олдига элчиликка юбордилар.

Мирзо Аскарий ожиз ва забун ҳолатда ташқарига чиқиб, гуноҳидан ўтишларини сўради ва подшоҳ ҳазратларининг хизматларига етишди. Подшоҳ ҳазратлари Қандаҳорни олиб, зафар қучдилар ва шоҳ [Тахмос]нинг ўғлига бердилар. Бир неча кундан сўнг шоҳнинг ўғли тоби қочиб ўлди. Подшоҳ ҳазратлари Байрамхон келганидан кейин Қандаҳорни унга бердилар.

Ҳамиданубонубегимни ҳам Қандаҳорда қолдириб, Мирзо Комроннинг орқасидан йўлга тушдилар.

У билан бирга кетаётган онажоним Хонзодабегим Қабалҳак деган жойга етганда, уч кунгача иситмалиди. Табиблар тузатишга қанча уринмасин, фойдаси бўлмади.

Тўргинчи куни сана тўққиз юз эллик бирда Ҳак раҳматига етишдилар. Ўша Қабалҳак мавзесида дафн қилдилар. Уч ой ўтгандан сўнг олиб келиб, подшоҳ отам ҳазратларининг мақбарасига қўйдилар.

Мирзо Комрон Кобулда бўлган бир неча йил давомида ҳеч қачон юриш қилмагандилар. Подшоҳ ҳазратларининг келишларини эшитиб, бирданига

чопқин ясашға ҳаваслари қўзиб қолди. Чопқин ясаш учун ҳазоралар¹ томонга жўнади.

Шу аснода дарвешлик гўшасини ихтиёр қилган Мирзо Ҳиндол подшоҳ ҳазратларининг Ирот ва Хуро-сондан қайтгандарни ҳамда Қандаҳор устидан ғалаба қозонгандарини эшитиб, фурсатни ғанимат билиб Мирзо Ёдгор Носирни сўратиб: «Подшоҳ келиб, Қандаҳорни фатҳ қилибди. Мирзо Комрон сулҳ тузиш учун Хонзодабегимни жўнатган эдилар. Подшоҳ бу тариқа сулҳни қабул қилмадилар. Подшоҳ ҳазратлари Байрамхонни элчи қилиб жўнатгандилар. Мирзо Комрон Байрамхоннинг сўзларига кўнмадилар. Хозир подшоҳ Қандаҳорни Байрамхонга топшириб, Кобулга қараб келмоқдалар. Келинг, сизу биз бир-биrimiz билан аҳду паймон қилиб, ҳийла билан подшоҳ ҳазратлари олдига етиб олайлик», – деди. Мирзо Ёдгор Носир рози бўлди. Бу икков ўзаро аҳду паймон туздилар.

Мирзо Ҳиндол: «Сиз қолишдан қочишни афзал кўринг. Мирзо Комрон эшитгач, албатта, менга, Мирзо Ёдгор Носир қочибди, сиз бориб кўнглини тинчтиб, олиб келинг, дейиши аник. Мен боргунимча, сиз аста-секин кетаверинг. Мен етиб олганимдан сўнг иккаламиз биргаллашиб, имкон борича тезрок подшоҳ ҳазратларининг хизматларига етишамиз», – дейди. Мирзо Ёдгор Носир қарорни бир жойга кўйиб, қочади. Мирзо Комронга хабар кетади. Мирзо Комрон шу ондаёқ қайтиб Кобулга келади ва Мирзо Ҳиндолни тилатиб: «Сиз бориб Мирзо Ёдгор-нинг кўнглига таскин бериб олиб келинг», – дейди.

¹ Ҳазора – жой, кент, қасабага ўхшаш худуд.

Улар шу заҳоти отга миниб, бор кучи билан унга етиб, ҳамроҳ бўладилар. У ердан илгарила, беш олти кунда келиб, ҳазратларининг хизматларига мушарраф бўладилар. Улар ҳазратларига Такия Ҳимор йўли билан кетиш керак, деб арз қиласидар.

Хижрий 951 сана муборак рамазон ойининг тўққизида Такия Ҳиморга тушдилар. Ўша куни ёк Мирзо Комронга хабар етиб борди. Мирзо Комрон бир ажиб изтиробга тушди. Ўша заҳоти чодирларни олиб чиқиб, Гузаргоҳ қаршисида тикди.

Подшоҳ ҳазратлари рамазон ойининг ўн биринчи куни Жулга тепада тушдилар. Мирзо Комрон ҳам жанг қилиш мақсадида унинг рўпарасига тушди. Шу орада Мирзо Комроннинг барча амирлари ва сипоҳийлари қочиб келиб, подшоҳ ҳазратларининг оёқларини ўпишга мушарраф бўлдилар.

Мирзо Комроннинг донги кетган амирларидан бири Бопус ўз жамоаси билан қочиб келиб, ҳазратларининг пойи қадамларини ўпишга муюссар бўлдилар.

Мирзо Комрон якка-ёлғиз қолдилар. Теварак-атрофида ҳеч ким қолмаганини кўргач, донғи кетган амирларидан бўлган Бопуснинг уйи шу яқинда эди, бориб унинг эшик деворини бузиб, вайрон қилдилар. Аста-секин юриб, Наврузий боғи ва Гулруҳбегим қабристони олдидан ўтиб, ўн икки минг отлигини ташлаб кетдилар.

Қоронғи тушгач, ўша йўл билан кўл ёқасидаги Бобо Даштийга келиб тўхтадилар ва Мирзонинг катта қизи Ҳабибабегим, Мирзо Комроннинг ўғли Иброҳим Султон мирзо, Хизрхоннинг акасининг қизи Ҳазорабегим, бегим ҳарамининг синглиси Моҳбегим,

Хожибегимнинг онаси Мехрафуз бека ҳамда Боқи кўканинг барчасини олиб келинг, деб Дўстий кўка ва Жўгиҳонни юбордилар. Нихоят, бу гурух Мирзо Комронга ҳамроҳ бўлдилар ва Мирзо Тата билан Бакарга қараб йўл олдилар.

Бакар йўлида жойлашган Хизрхоннинг вилоятига етганда Ҳабибагимни Оқ Султонга никоҳлаб бердилар, ўзлари эса Бакар ва Тата томонга жўнадилар. Подшоҳ ҳазратлари 12-рамазон куни кечаси соат 12 дан ўтганда ғалаба ва саодат билан Болои Ҳисорга келиб тушдилар. Подшоҳ хизматларига мушарраф бўлган Мирзо Комроннинг одамлари ноғора чалиб ҳазратларининг хизматларида Кобулга кириб келдилар. Шу ойнинг ўн иккинчи куни, онамиз ҳазратлари Дилдорбеким, Гулчехрабеким ва бу ҳақир ҳазратларининг дийдорларига мушарраф бўлдик.

Уларнинг мулозаматларидан беш йил давомида маҳрум эдик. Бу жудолик азобидан ва чеккан кулфатларимиздан халос бўлиб, ул валинеъматнинг висоли давлатига мушарраф бўлдик. Уларни кўришимиз билан ғам тўла дилга хузур, хира тортган кўзларга нур тўлди. Хурсандчиликдан ҳадеб шукроналик намозини адо этардик.

Чауса, Канауж ва Бакар жангларида қатнашиб, ўша жангу жадалларда ҳазратларининг тўдаларида бўлган ва шаҳид кетган, хаста одамларнинг бевалари, етимлари ҳамда ахли оиласига вазифа ва рутба, ерсув, қуллар иноят қиласидилар. Ҳазратларининг давлат тепасида турган пайтларида лашкар одамлари, раият ва бошқалар осуда, роҳат-фароғатда яшадилар. Аксар кишилар ҳазратларининг умри узоқ бўлишини тилаб, дуои фотиха қиласидилар.

Бир неча кундан сўнг Ҳамидабонубегимни ти-
латиб, Қандаҳорга одамларини юбордилар. Ҳа-
мидабонубегим келганларидан кейин Жалолид-
дин Муҳаммад Акбар подшоҳнинг хатна тўйини
қилдилар. Суннат тўйи анжомларини тайёрлашга ки-
ришилди.

Наврӯздан сўнг ўн етти кун шодиёналар бўлиб,
кўк либос кийишди. Ўттиз-қирққа яқин қизларга кўк
кийим кийиб, тоғнинг тепасига чиқишига ҳукм бўлди.
Бир Наврӯзда Ҳафт Додарон тоғига чиқишиди. Аксар
халқ ҳузур-ҳаловатда ва фароғатда яшарди.

Муҳаммад Акбар подшоҳ беш ёшга тўлганда, Ко-
булда хатна тўйи қилишди. Тўйни ўша катта девон-
хона ичидаги ўтказишиди. Ҳамма бозорни безатишиди.
Мирзо Ҳиндол, Мирзо Ёдгор Носир, сultonлар би-
лан амирлар безаш учун кўркам ва чиройли жойлар-
ни тиклашганди. Бекабегимнинг боғида бегимлар ва
заифалар ажойиб жойлар ҳозирлашганди. Барча мир-
золар ва амирлар сочқини ўша девонхона боғига олиб
келишганди.

Бир ажойиб ва ғаройиб маърака бўлди. Одамларга
кўркам либослар ва кўпдан-кўп сарполар улашилди.

Раият, уламою фузало, ғарибу ғуробо, бой ва
камбағаллар, каттаю кичик барча инсонлар тинч-
осуда хаёт кечирдилар.

Шундан сўнг Зафар қалъасига йўл олдилар. Бу
қалъада Мирзо Сулаймон турарди. У жанг қилишига
чиқди. Тўқнаш келгач, қаршилик кўрсатишга тоб бе-
ролмади ва қолишдан қочишни афзал билди.

Подшоҳ ҳазратлари ғалаба ва саодат билар Зафар
қалъасига кирдилар. Кешимда подшоҳнинг ўзлари
ташириф буюргандилар.

Ўша пайтда муборак вужудларида андак беморлик аломати зоҳир бўлди ва ўша куннинг эртасига ҳушдан кетдилар. Ҳушларига келгач, Мунъимхоннинг укаси Фазойилбекни Кобулга юбордилар. «Сен бор, Кобул аҳлига тасалли бериб, тинчлантири, бир амаллаб кўнглини кўтар. Ҳазратлари сал тоблари йўқ эди, лекин хайрлик билан ўтиб кетди деб айт», – дедилар.

Фузайлбек Кобулга кетишдан бир кун олдин [кимdir] Кобулга борган эди. Кобулдан ёлғон хабар Бакардаги Мирзо Комронга етиб борганди. Мирзо Комрон ўша ондаёқ жадаллик билан Кобулга юриш бошлайди. Келганда Зоҳидбекни қатл қилишади ва Кобулга қараб жўнайди.

Сахар пайти Кобул халқи ғафлатда қолиб, дарвозаларни ҳар кунгидай очишади. Сув ва ўт ташувчи ҳамда бошқалар кириб-чиқиб туришарди. [Улар] ўша одамлар оммасига қўшилиб, қалъя ичига кириб олдилар. Ўша пайтда ҳаммомда бўлган Муҳаммад Али Тоғайни дарҳол ўлдирдилар ва Мулло Абдулхолик мадрасасига тушдилар.

Ҳазратлари Зафар қалъасига ташриф буюрганида Навкорни ҳарам дарвозасига тайнилагандилар. Мирзо Комрон: «Болои Ҳисорда ким?» – деб сўрадилар. Биронтаси Навкор деб айтган бўлса керак. Навкор бу хабарни эшитиб, ўша замониёқ аёллар кийимини кийиб, у ердан чиқиб кетаётган эди. Мирзо Комроннинг одамлари – Ҳисорнинг дарвозабонларини тутиб олдилар ва Мирзо Комроннинг олдига олиб келдилар. Улар «Қаманглар», деб буюрдилар.

Ундан сўнг Мирзо Комроннинг одамлари Болои Ҳисорга бордилар. Ҳарам аҳлининг беҳисоб асбоб-ан-

жомини талон-торож қилдилар ва Мирзо Комроннинг саркорига топшириб, бекитиб кўйдилар. Катта ёшдаги бегимларни Мирзо Аскарийнинг уйига ўтқизадилар. Уйнинг эшигини ғишт, оҳак ва шағал билан уриб бекитдилар. Бу уйнинг тўрт девори устидан бегимларга сув ва овқат беришарди. Мирзо Ёдгор Носир турган уйга Хожа Муаззамни ўтқизадилар. Ҳазратларининг ҳарамлари ва бошқа бегимларнинг жойига ўз аҳли оиласини жойладидилар. Қочиб, ҳазратларининг хизматларига ўтган сипохийларнинг аҳли оиласи ва болаларига ўта қўпол муомала қиласидилар. Ҳар бирининг уйини талон-торож қилишади. Оила аҳлининг ҳар бирини биронтасига беришади.

Ҳазратлари Мирзо Комрон Бакардан келиб, шундай ишлар қилганини эшитгач, Зафар қальласи ва Андаротдан чиқиб дабдабаю саодат билан Кобулга қараб йўл оладилар. Зафар қальласини Мирзо Сулаймонга иноят қиласидилар.

Ҳазратлари Кобул атрофига етиб келгач, Мирзо Комрон волида ҳазратлари ва мени уйдан чақирибиб, волидам ҳазратларига қўрбегининг уйида бўлинг, деб хукм қиласидилар. Менга эса, мана шу сизнинг уйингиз, шу ерда бўласиз, дедилар. Нега энди бу ерда бўлар эканман, волидам қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўламан, дедим. Улар менга жавобан айтдиларки, сиз, демак, Хизр хожаонга бир хат ёзасиз, келиб бизга қўшилсин ва хотиржам бўлсинлар, Мирзо Аскарий билан Мирзо Ҳиндол менга ака-ука бўлганларидай улар ҳам менга ака-ука ва ҳозир айни мадад берадиган вақтлари.

Мен унга жавобан: «Хизр хожаон саводи йўқки, мени хатимни таниса. Мен ҳеч қачон ўзим ёзма-

ghanman», – дедим. «Ташқариди фарзандлари номидан ёзишади. Сиз хаёлингизга нима келса, шуни ёзинг», – дедилар. Ниҳоят, Маҳди Султон ва Шер Алихонни тилатиб жўнатдилар. Мен хатнинг бошида: «Сенинг ака-укаларинг Мирзо Комроннинг ёнида. Сен ҳам уларнинг олдига боришни ва ака-укаларингга қўшилишни сира хаёлингга келтирма. Зинҳор-базинҳор ҳазратларидан айрилишни хаёлингга келтирма», – деб ёздим.

Шундай, алҳамдулиллоҳ, шукрки, мен нима деб айтган бўлсам, хон ортиқча иш қилмадилар.

Подшоҳ ҳазратлари Мирзо Комрон Маҳди Султон ва Шер Алини Хизр Хожаёнинни олиб келишга юборганини эшитиб, ҳазратлари ҳам Мирзо Ҳожининг отаси Қамбарбекни Хизр Хожаённи тилатиб юборди.

Ўша пайтларда хон ўзининг турар жойида эди. [Подшоҳ] айтиб юбордиларки, зинҳор-базинҳор Мирзо Комронга бориб қўшилмасин, бизнинг хизматимизга келсинлар. Шундай қилиб, Хизр Хожаён бу хабар ва қутлуғ тилакни эшиитгач, ул фалак мақом хузурларига йўл олдилар ва келиб Уқобайнда хизматларига етишдилар.

Ниҳоят, ҳазратлари Минордан ўтганларида Шеруянинг отаси Шерафканни бош қилиб, лашкарини унга қўшиб, Мирзо Комрон билан жанг қилишга юборди. Биз тепаликдан туриб, унинг ноғора чалиб Бобо Даشتый ёнидан ўтиб кетаётганини кузатардик. Биз: «Худо сенга бориб жанг қилишни буюрмасин», – дердик ва йифлардик.

Ниҳоят, Дехи Афғононга етганларида, икки томоннинг қоровул қўшинлари тўқнаш келди. Тўқнаш

келиши биланоқ ҳазратларининг қоровул қўшини Мирзо Комроннинг қоровулларини қўлга олдилар ва ҳазратларининг олдига олиб бордилар.

Ҳазратлари мўғулларга буюриб, уларни пора-пора қилдирди. Жангга кирган Мирзо Комрон қўшинларининг аксарияти асир тушдилар. Ул ҳазратлари баъзиларни қатл қилдилар, баъзиларни қамоққа ташладилар. Шу жумладан, Мирзо Комроннинг амирларидан бўлган Жўгихон ҳам қўлга тушди.

Подшоҳ ҳазратлари ва уларнинг хизматларида бўлган Мирзо Ҳиндол зафар кучдилар ҳамда шодиёна карнай-сурнай чалдириб, асъасаю дабдаба билан Уқобайнга кириб келдилар. У ерда ўзларига чодир, кўшк, айвон барпо қилдилар. Мирзо Ҳиндолни Пули Мастон посбонлигига, ҳар жой-ҳар жойдан амирларга посбонлик жойини тайинладилар.

Етти ойгача қамал қилиб турдилар. Такдир тақозоси билан бир куни Мирзо Комрон ҳовлидан даҳлиз томонга ўтиб кетаётган пайтда бир киши Уқобайндан тўфанг¹ отди. Улар чопқиллаганича ўзларини чеккага олдилар. Акбар подшоҳни уларнинг рўпарасига олиб чиқиб, ушлаб туришни буюрдилар. Ахийри энг муқаддас ва олийзот Мирзо Муҳаммад Акбарни рўпарада тутиб туришибди, деб огоҳлантиридилар. Ҳазратлари, тўфанг отманглар, деб буюрдилар. Шундан сўнг подшоҳлик одамлари Болои Ҳисордан тўфанг отмадилар. Мирзо Комроннинг одамлари Кобулдан Уқобайнга қараб тўфанг отардилар. Подшоҳнинг одамлари Мирзо Аскарийни уларнинг рўпарасига турғизиб қўйишиди. Подшоҳ қўшини одамлари ҳазил қилишарди. Мирзо Комроннинг

¹ Тўфанг – милитик.

одамлари қалъадан ташқари чиқиб жанг қилишарди ва икки томондан кишилар ҳалок бўлардилар.

Кўпинча ҳазратларининг одамлари ғолиб келардилар. Энди қалъадан довюрак одамлар ташқарига чиқмасдилар. Ҳазратлари аёллар ва болалар, бегимлар ва аҳли ҳарамга бошқа қуроллардан оттирмасдилар ва уйларга сув етказиб беришни камайтирмасди.

Қамал ишлари узокка чўзилгач, ҳазратларининг олдига Хожа Дўст Хованд элчи жўнатиб: «Худо ҳаққи, Мирзо Комрон нима сўраса, рози бўлинг ва биз Худо бандаларини азобдан кутқаринг», – дейишиди.

Ҳазратлари ташқаридан уларга атаб тўққизта қўй, етти шиша гулоб ва бир шиша лимон шарбати, етти-тўққиз матолар ва бир қанча ярим тикилган кийимлар юбордилар. Улар: «Сизларни ўйлаб, қалъага қаттиқ хужумга ўтмаётибман, токи душманларингиз сизларга бошқача муомала қилмасинлар», – деб ёзибдилар.

Ўша пайтларда Жаҳон Султонбеким икки ёшда эди, қамал даврида вафот қилди.

Улар: «Агар биз қалъага қаттиқ хужумга ўтсак, шу онда Мирзо Мухаммад Ақбарни яшириб қўйишлари мумкин», – дердилар. Хуллас, одамлар намозшомдан бомдодгача жанговар ҳолатда туриб, ғавро солишарди. Мирзо Комрон қочган кечаси, намозшом ўтди, хуфтон ҳам бўлдики, ҳеч бир шовқин-сурон кўтарилемади. Ўша ерда бир довон бўлиб, пастдаги ахоли тепага қараб чиқарди. Шаҳар ахолиси тинчлануб, ором олаётган бир пайтда бирданига жуббаю қалқон ва зирхларнинг овози кўтарилиди. Биз бир-биrimизга фала-ғовур бошланди деб хабар қилдик. Жиловхона [қабулхона] олдида мингга яқин одам турарди.

Ҳаммамиз ваҳимада, ҳеч нарсадан бехабар ташқарига чиққандик. Шу пайт Қорачаҳоннинг ўғли Баҳодирхон келиб: «Мирзо [Комрон] қочибди», – деб хабар берди. Девор устидан арқон ташлаб, Ҳожа Му-аззамни чиқариб олишди.

Бизнинг одамларимиз, бегимлар ва бошқалар ташқаридаги эдик. Бизнинг уйимизда бекитилган дарвозани очишиди. Бекабегим: «Кетдик, уй-уйимизга борайлик!» – деб қистади.

Мен эса: «Бирпас сабр қилинглар, кўчадан юриб ўтишимиз керак, эҳтимол, ҳазратларининг олдидан биронтаси келиб қолар», – дедим. Айни шу пайтда Акбар нозир келди ва: «Ҳазратлари мен келгунимча уйларидан чиқмасинлар, деб буюрдилар», – деди.

Бироз вақт ўтгач, ҳазратлари келдилар. Дилдорбегим ва мен билан кўришдилар. Ундан сўнг Бекабегим ва Ҳамидабонубегим билан кўришдилар. Сўнг: «Тезда бу уйдан чиқинглар, бу қафасдан дўстларни Худо сақласин ва душманларга насиб қилсин», – дедилар. Нозирбекка: «Бир томонда сен бўлгин, бошқа томонда Турдибек туриб, бегимларни ўтказиб қўйинглар», – деб буюрдилар. Ниҳоят, ҳаммалари келдилар ва ўша кеча ҳазратларининг хизматларида бўлдик. Ҳурсандчиликдан кеча бир зумда тонгга улашди. Лашкарда ҳазратлари билан бирга келган Моҳ Чучакбегим, Хониш оғо ва ҳарамлари билан кўришдик.

Ҳазратлари Бадахшонга кетганларида Моҳ Чучакхоним қиз туққан эди. Ўша кеча ҳазратлари тушкўрадилар ва тушларида Фахрунисо момом билан Давлатбаҳт бир нарса келтириб, менинг олдимга кўядилар. Қанча ўйламасин, бунинг тагига етолмай: «Бунинг таъбири не бўлғай?» – дедилар. Ахийри

ўйларига келдики, қиз туғилгани учун ҳар икковини номини қисқартириб, биридан «нисо», бошқасидан «баҳт»ни олиб, Баҳтнисобегим деб исм қўйдилар.

Моҳ Чучакбегим тўрт қиз ва икки ўғил кўрдилар: Баҳтнисобегим, Сакинабонубегим, Оминабонубегим, Муҳаммад Ҳаким мирзо ва Фаррухфол мирзолар.

Ҳазратлари Ҳиндистон юришига отланганларида Моҳ Чучакбегим ҳомиладор эдилар, Кобулда ўғил кўрдилар.

Унга Фаррухфол¹ мирзо деб исм қўйдилар. Бироз муддатдан кейин Хонеш оғодан ўғил туғилди. Отини Иброҳим Султон мирзо қўйишиди. Бир ярим йил тўлиқ Кобулда баҳт ва саодат билан яшадилар.

Мирзо Комрон Кобулдан қочиб, Бадахшонга кетди ва Толуқонда яшаб турди. Ҳазратлари Ўртабоғда эрталаб намозга турганларида, ҳазратларининг мулозаматида бўлган Мирзо Комроннинг аксар амирлари қочиб кетдилар, деган хабар келди. Жумладан, Корачахон, Мусоҳибхон, Муборизхон, Побусхон ва кўпчилик бетавфиқлар кечаси қочиб Бадахшонга кетдилар ва Мирзо Комронга қўшилдилар. Ҳазратлари баҳтли соатда Бадахшонга йўл олиб, Мирзо Комронни Толуқонда қамалга олдилар.

Бироз вақтдан кейин Мирзо Комрон унинг ҳукмронлигини қабул қилиб, итоат қилди ва ҳазратларига таъзим бажо келтирди.

Ҳазратлари Кўлобни Мирзо Комронга, Зафар қалъасини Мирзо Сулаймонга, Қандаҳорни Мирзо Ҳиндолга ва Толуқонни Мирзо Аскарийга иноят қилдилар.

¹ *Фаррухфол* – яхшиликка йўйилган фол маъносида (*Таржимон изоҳи*).

Бир куни Кешимда чодир тиқдилар, ака-укалардан Хумоюн подшоҳ ҳазратлари, Мирзо Комрон, Мирзо Аскарий, Мирзо Ҳиндол, Мирзо Сулаймон йиғилишдилар.

Подшоҳ ҳазратларининг хизматларида шай бўлган бир қанча тўрага амр қилдиларки, офтоба-чилопчин обкелинглар, қўл ювиб, бирга таом та-новул қиласлий. Аввал подшоҳ ҳазратлари, ундан сўнг Мирзо Комрон қўл ювдилар. Мирзо Сулаймон ёшга нисбатан Мирзо Аскарий ва Мирзо Ҳиндолдан улуғроқ эди.

Ҳурмат юзасидан ҳар иккала ака-укалар офтоба ва чилопчинни Мирзо Сулаймоннинг олдига қўйдилар. Мирзо Сулаймон қўл ювгандан кейин бурнини хунук қилиб қийшайтириди. Мирзо Аскарий ва Мирзо Ҳиндол ўта жаҳли чиқиб: «Бу қандай қишлоқилик? – дедилар. – Аввало, биз подшоҳ ҳазратлари ҳузурида қўл ювишга не ҳаддимиз бор? Лекин шундай ҳукм қилганлари учун ҳукмини ўзгартиrolмадик. Бу бу-рун жийиришни қандай тушунса бўлади?»

Шундан сўнг Мирзо Аскарий билан Мирзо Ҳиндол ташқарига чиқиб, қўлларини ювиб келиб ўтиридилар.

Мирзо Сулаймон қаттиқ шарманда бўлди. Ҳаммалари бир дастурхонда ўтириб таом ейишиди. Ҳазратлари бу йифинда бу ҳақири эсга оладилар ва укаларига қараб: «Гулбаданбегим Лоҳурда, менинг бир орзум бор, ҳамма ака-укаларни бир жойда кўрсам, дердилар. Бугун эрталаб ўтирганимизда шу сўзи ёдимга тушди. Иншооллоҳ, Ҳақ субҳонаҳу таоло бизнинг йифинимизни ўз паноҳида асрагай! Худога маълумки, менинг замиримда ака-укаларга

зиён етказиш истаги у ёқда турсин, ҳатто бирон мусулмонга зиён-заҳмат етказиш истаги йўқ. Сизларнинг ҳаммангизга ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик тавфиқини Аллоҳ таоло каромат қилсин», – дедилар.

Одамлар орасида ажойиб кайфият ва хушнудлик юзага келди. Негаки амирлар ва навкарларнинг аксарияти бир-бирига қавм-қариндош эдилар. Ўз хўжайнларининг бир-биридан айрилгани жонибидан, улар ҳам бир-биридан ажралган, балки бир-бирининг қонларига ташна эдилар. Эндиликда ҳаммалари бирлашиб, шоду хурамлик билан ҳаёт кечиришарди.

Бадахшондан келгандан кейин бир ярим йил Кобулда бўлдилар. Ундан сўнг Балхга қараб азму жазм қилдилар ва [у ерда] Дилкушо боғида манзил тутдилар. Ҳазратларининг давлатхоналарини ўша боғнинг этагида барпо қилдилар. Бегимлар Кўлибекнинг ҳовлиси яқин бўлгани учун ўша ерга тушдилар.

Ҳазратларига: «Равоч чиққанмикин?» – деб арзга етказдилар. Ҳазратлари: «Лашкар билан кетаётганимиз учун тоғ этаклари орқали кетайлик, токи сизлар равоч чиқишини кўринглар», – дедилар. Намозгар пайтида ҳазратлари отга миниб, Дилкушо боғига келдилар. Бегимлар тушган Кўлибекнинг ҳовлиси яқин эди ва бу хонадон бошқа хонадонлар билан ёнма-ён жойлашган эди.

Ҳазратлари келиб тўхтадилар. Бегимлар ҳаммалари кўрдилар ва ўринларидан туриб кўриниш бердилар. Бегимлар таъзим бажо келтириши билан ҳазратлари муборак қўллари билан келинглар, деб ишора бердилар.

Фахрунисо момо ва Афғоний оғоча олдинроқда кетишарди. Дилкушо боғининг тоғ этакларида ариқ оқарди. Афғоний оғоча бу ариқдан ўтолмай отдан йиқилди. У билан овора бўлиб, бир соат тўхтаб қолишиди. Ниҳоят, бир соатдан кейин ул буюк олийзот хизматларига мушарраф бўлдик.

Моҳ Чучакбегимнинг отлари ўzlари билмаган ҳолда юқорилаб кетди. Ҳазратлари буни кўриб ўта хавотирландилар. Бу боғ тепаликда бўлиб, ҳали де-ворлари олинмаган эди.

Лағмонотга етиб келганларида подшоҳлик чодири, кўшк-айвонлари, бегимларнинг чодирлари ҳали етиб келмаган эди. Ўша вақтда фақат Мехромизнинг чодири етиб келган эди. Биз билан Ҳамидабону ҳам ўша чодирда ҳазратларининг хизматида ярим кечагача бўлди. Охири ана шу чодирда ўша ҳақиқий қиблагоҳимиз хузурида уйқуга кетдик.

Эртасига бориб, равочни қандай ўсишини кўрмоқчи бўлишиди. Бегимларнинг отлари қишлоқда эди, уни олиб келгунларича сайр вақти ўтиб бораради. [Подшоҳ] хукм қилдиларки, ташқарида кимнинг оти бўлса, келтиришсин. Отларни олиб келишгач, ми-нишга буюрдилар.

Бекабегим ва Моҳ Чучакбегим ҳалиям сарполярни кийишарди. Мен: «Агар ижозат бўлса, бориб уларни олиб келай», – дедим. «Тез бориб, олиб кел!» – деб буюрдилар. Мен бегимлар, Чучакбегим ва бошқа ҳарам аҳлларига: «Ҳазратларининг бошлирига садака бўлай, тепада пойлаб турибдилар!» – дедим. Уларни отлантириб олиб келаётган ҳам эдимки, ҳазратлари қаршимиздан ташриф буюрдилар ва менга: «Гулбадан, энди сайр вақти ўтиб бўлди, то у ерга

чиққунимизча, ҳаво исиб кетади. Иншооллоҳ, пешин намозини адо қилгач, кетамиз», – дедилар.

[Бегим]лар Ҳамидабонубегимнинг чодирига келиб ўтиришди. Пешин намозидан кейин то отларни олиб келгунчा, икки намоз ораси бўлди. Шундай пайтда йўлга чиқишидди. Тоғ этакларида қаерда равоч барг ёзган дара бўлса, сайру томоша қилишиди ва шу зайлда шом вақти бўлди. Ўша ернинг устида чодир ва боргоҳ тутишиб, келиб ўтиришди.

Эрталаб намоз пайти ташқарига чиқдилар. Ташқаридан Бекабегим, Ҳамидабонубегим, Моҳ Чу-чакбегим ва камина ҳамда ҳамма бегимларга алоҳида хат ёзибдилар ва қилган гуноҳларингга иқорор бўлиб, узр тилаб ёзинглар, иншооллоҳ, Фарза ёки Истолифда хайр-хўш қилиб, лашкарга кетсам керак, акс ҳолда Худога топширдим, деб буюрибдилар. Охири ҳамма узр-маъзур сўраб зоти олийларига хат жўнатдилар. Нихоят, Ҳазратлари ва барча бегимлар отга миниб, Лағмонотдан Беҳзодийга келдик. Кечаси ҳар ким ўз манзилига кетди. Эртаси куни таом едилар ва пешин намозидан сўнг отга миниб, Фарзага келдилар.

Ҳамидабонубегим бизнинг уйларимизга тўққиз-тўққиз бош қўй жўнатдилар. Биби Давлатбаҳт бир кун олдинроқ Фарзага келган эдилар ва мўл-кўл ош-овқат, сут-қатиқ, ичимлик-шарбат ва бошқа егуликлар тайёрлашган эди. Эртаси куни Фарзанинг тепа томонидаги шаршарага бормоқчи бўлиб Истолифга жўнадилар ва уч кун Истолифда бўлдилар. Ундан сўнг кўчиб, 958 санада Балхга йўл олдилар.

Довондан ўтгач, Мирзо Комрон, Мирзо Сулаймон, Мирзо Аскарийга хат ёзиб: «Биз ўзбек билан жангга отландик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни кўрсатиш

вақти келди, зудлик билан етиб келинглар», – деб хабар қилдилар. Мирзо Сулаймон билан Мирзо Аскарий келиб ҳазратлариға қўшилдилар. Кўча-кўча Балхга етиб келдилар.

Балхда Пир Муҳаммадхон турарди. Пир Муҳаммадхоннинг одамлари ўша куни ташқари чиқиб, жангга саф тортдилар. Подшоҳ лашкари ғолиб чиқди, Пир Муҳаммадхоннинг одамлари мағлуб бўлиб шаҳар ичига кирдилар. Эртаси куни Пир Муҳаммадхон «Чифатой зўр. Мен у билан жанг қила олмайман, яххиси, чиқиб кетганим маъкул» деган қарорга келганди. Подшоҳ амирларидан бири: «Юрт ифлос бўлиб кетибди, агар бу ердан кўтарилиб даштда манзил тутсак, муносиброқ бўлур», дейди. Ҳазратлари «Шундай қилинглар», деб хукм қиласди.

Юк ташиб, ортга бошлишлари биланоқ одамлар талотумга келишди. Бир неча киши жар солса ҳам одамларга ҳеч ким бас келолмади.

Аллоҳнинг иродаси шу бўлгандан кейин ҳеч бир фаним яқинлашмай, ҳеч бир сабабсиз одамлар йўлга тушишди.

Ўзбекларга «Подшоҳ одамлари кўчиб кетишди», деган хабар етди. Ўзбеклар таажжубда қолиши ва подшоҳ яссовуллари қанча уринмасин, оломонга бас келолмадилар, йўлдан қайтаролмадилар. Одамлар кетавердилар.

Ҳазратлари бир муддат тўхтаб турдилар. Кўрдиларки, ҳеч ким қолмади. Зарурат юзасидан ҳазратлари ҳам равона бўлдилар.

Мирзо Ҳиндол ва Мирзо Аскарийнинг подшоҳ лашқари пароканда бўлганидан хабарлари йўқ эди. Улар отланиб, лашкаргоҳга келдилар, кўрдиларки,

лашқаргоҳда ҳеч ким қолмаган ва ўзбеклар орқадан 30
кељмоқда. Булар ҳам Кундуз тарафга жўнадилар. 30
Ҳазратлари бироз йўл босгандан кейин тўхтадилар 30
ва: «Укаларим ҳали ҳам келишмади, қандай қилиб 30
олдинга кета оламан?» – дедилар.

Хизматларида бўлган баъзи амирлар ва бошқалар: 30
«Бирор бориб миззолардан хабар келтиришса 30
бўларди», – дейишди. Ҳеч ким жавоб бермади ва кет- 30
мади. Шундан сўнг Кундуздаги Мирзо одамларидан 30
хабар келди. Улар: «Мағлубият юз берди, деб эши- 30
тилди, қайси томонга кетганларини билмадик», – деб 30
арз қилибдилар.

Бу хат ҳазратларининг қўлига тушгач, ўта безовта 30
бўлдилар. Хизр Ҳожаон: «Агар ижозатлари бўлса, 30
мен бориб хабар олиб келай», – дедилар. Подшоҳ: 30
«Рахматлар бўлсин, – дедилар. – Мирзо Кундузга 30
кетгани рост бўлғай».

Икки кундан кейин Хизр Ҳожаон «Эсон-омон 30
Кундузга етиб келибдилар», деб Мирзо Ҳиндолнинг 30
хабарини келтирдилар. Ҳазратлари бу хабарни эши- 30
тиб, жуда хурсанд бўлдилар.

Мирзо Сулаймонни ўзининг ўрнига Қалъаи За- 30
фарга рухсат бердилар, ўzlари эса Кобулга равона 30
бўлдилар.

Мирзо Комрон Кўлобда эди. Тархонбека ном- 30
ли бир айёр ва маккор кампир: «Ҳарамбегимга 30
ошиқлик изҳор қилинг, бунда бир қанча манфа- 30
атлар бор», деб йўл кўрсатди. Мирзо Комрон ҳам 30
ўша ақли калтанинг гапига кириб, Беги оғо орқали 30
Ҳарамбегимга хат ва рўмолча юборди. Бу кампир 30
хат билан рўмолчани олиб, Ҳарамбегимнинг ол- 30
дига қўяди ва Мирзо Комроннинг мулозамати- 30

ни, беҳад иштиёқини изҳор қиласи. Ҳарамбегим: «Ҳозирча бу хат билан рўмолчани сақлаб қўйинг, қачон мирзолар ташқаридан келишса, бу хат билан рўмолчани келтиринг», – деди.

Беги оғо йиғи-сиги ва илтимослар билан: «Бу хат ва рўмолчани Мирзо Комрон сизга бериб юборди, анча пайтдан буён сизга ошиқ. Сиз бўлсангиз уларга нисбатан бемурувватлик қиляпсиз», – дейди.

Ҳарамбегим қаттиқ эътиroz билдиради ва шу заҳоти Мирзо Сулаймон билан Мирзо Иброҳимни чақириб: «Мирзо Комрон сизларнинг номардликларингизни билганки, менга шу хатни ёзган. Ҳақиқатда, мен шунга лойик бўлсам керакки, менга шундай ёзган. Мирзо Комрон сенинг катта аканг бўлса, мен эса уларга келин ўрнида бўлсам ва менга шунақа мазмunda хат ёсса. Бу хотинни тутиб тилка-пора қилинглар, токи бошқаларга ибрат бўлсин, ҳеч ким бироннинг оиласига кўз олайтирасин, бузук хаёлларга бормасин. Бу хотиннинг мендан ва болаларимдан қўрқмай, шундай хат келтиришига қандай ҳадди сиғди?» – дейди.

Шу ондаёқ Биби Давлатнинг қасдини олиб Беги оғони пора-пора қилиб ташлашади. Мирзо Сулаймон ва Мирзо Иброҳим шу туфайли нафақат Мирзо Комрон билан оралари бузилди, балки душман бўлдилар. «[Мирзо Комрон] қарши чиқиш пайида, қаршилик бундан аниқроқ бўлмайди, чунки Балхга юриш пайтида хизматларида бирга бормади», – деб ҳазратларига ёздилар. Мирзо Комрон Кўлобда бу гаплардан чўчиб, ўзини четга тортишдан бўлак илож топмадилар.

Ўғли Абулқосим мирзони Мирзо Аскарийнинг олдига жўнатади ва қизи Ойша Султонбегимни бирга олиб Мирзо Комрон Толуқон томонга кетади.

Мирзо Комроннинг аёлининг исми Хоним эди. Унга: «Сиз қизингиз билан орқадан келинг. Қаерда жойлашсам, ўша жойга сизларни чакираман. Аммо ҳозирча сиз Хўст ва Андаробга бориб туринг», – дейди.

Бу Хонимнинг ўзбек хонлари билан яқинлиги бор эди. У ўзбекларга маълум қиласиди, агар мақсад ўлжа олиш бўлса, молу дунё ва бор кулларини олинглар, заифаларни кўйинглар. Агар эртага Ойша Султонбегимнинг акасининг ўғли буни эшитса, сиздан ранжийди, дейди. Юз макру ҳийла, юз ҳайронлик ва бехонумонлик билан ўзбеклар тутқунидан қутулиб, Хўст ва Андаробга етиб келиб, ўша ерга жойлашади.

Мирзо Комрон Балх мағлубиятидан хабар топади. Ҳазратлари мен ҳақда ўйлаганча эмас аслида, дейди. Кўлобдан чиқиб кетиб, ҳар қаерларда юарди.

Шу аснода ҳазратлари Кобулдан чиқиб, Даشتி Кипчоққа етиб бориб, ҳеч нарсадан бехабар бир тепаликка тушган эдилар. Мирзо Комрон тиш-тирноғигача қуролланган ҳолда юқоридан ҳазратларининг лашкарига бостириб келдилар.

Аллоҳнинг иродаси экан, бўйнинг узилгур, бир ситамкор золим, нобакор подшоҳ ҳазратларини ярадор қилди. Уларнинг [подшоҳ] муборак бошларига жароҳат етиб, бутун пешонаси ва кўзлари қонга беланди.

Худди шундай подшоҳ ҳазратлари, фирмавс макон Бобурга мўғуллар билан жангда бир мўғул жароҳат етказган эди, ўшанда тақияси ва салласи йиртил-

маган, аммо муборак бошлари жароҳатланган эди. Хумоюн подшоҳ ҳазратлари доим таажжубга тушиб: «Бу ғалати бош экан, тақия ва салла йиртилмаса-да, бош жароҳатланса!» – дерди. Қисқаси, уларнинг му- борак бошлари ҳам шундай бўлди.

Дашти Қипчоқ мағлубиятидан кейин ҳазратлари Бадахшонга кетдилар. Мирзо Ҳиндол, Мирзо Су- лаймон, Мирзо Иброҳим ҳазратларига таъзим бажо айладилар ва ҳазратлари Кобулга кетдилар. Мирзолар давлатни қўллаб-куватлаб, яқдиллик ва ҳамжиҳатлик билан хизматда бўлганлари сабабли Мирзо Комрон жўнаб кетдилар.

Подшоҳ ҳазратлари: «Келинга айтинглар, зудлик билан Бадахшон лашкари ва одамларини тартиб бериб жўнатсин», – деб Ҳарамбегимга айтиб юборди. Бегим ўта қисқа вақт ичиди бир неча минг кишига от ва яроқ бериб, уларни керакли анжом билан таъминладилар ва довонгача ўзлари бирга келиб, у ердан лашкарни олдинга жўнатдилар. Ўзлари орқага қайтдилар. Бу лашкар келиб, подшоҳ ҳазратларига қўшилдилар.

Чорикорон ва Қорабоғда Мирзо Комрон билан жанг бўлди. Ҳазратларининг лашкари ғолиб чиқиб, зафар қозонди ва Мирзо Комронни мағлубиятга учратдилар. Мирзо Комрон қочиб даралар ичига, Лағмонотга кетади.

Мирзо Комроннинг куёви Оқ Султон: «Сиз доимо Ҳумоюн подшоҳ ҳазратларига қарши чиқасиз, бундан қандай маъни бор? Итоат қилиб, хукмга бўйсунсангиз ёки бизга рухсат берсангиз, маъқул бўлмасмикин? Чунки ҳамма биздан кўрятти», – деди. Мирзо Комрон қўполлик қилиб: «Менинг иш-

ларим шу даражага етиб келибдики, энди сен менга насиҳат қиласиган бўлиб қолибсан», – деди. Оқ Султон ҳам аччиқ устида: «Агар мен сизнинг олдингизда қолсам, ҳалолим ҳаром бўлсин», – дейди. Оқ Султон шу заҳоти ажралиб, аёли билан Бакар томонга кетади. Мирзо Комрондан Шоҳ Ҳусайн мирзога фармон келади: «Оқ Султон мени ранжитиб кетди. Агар у ерга боргудай бўлса, уни хотини билан бирга бўлишга йўл қўйманг, аёлинни ундан ажратинг ва унга «Тўрт томонинг қибла!» денг».

Шоҳ Ҳусайн мирзо фармон келиши билан Ҳабибабегимни Оқ Султондан ажратади ва Султонга Маккаи муаззамага кетишга рухсат беради.

Ўша Чорикорон жангиди Мирзо Комроннинг [амири] Қорачахон ва бошқа атоқли кишилари ўлдирилади. Ойша Султонбегим ва Давлатбаҳт оғоча қочиб, Қандахорга кетаётганларида подшоҳлик одамлари Такия Химордан тутиб келишди. Мирзо Комрон афғонларга қўшилиб, уларнинг орасида яшарди.

Подшоҳ ҳазратлари аҳён-аҳёнда норинж¹ боғига бориб турарди. Ўша йили эски одатга кўра норинжни кўриш учун тоғ-дараларига кетдилар. Мирзо Ҳиндол уларнинг хизматида эди. Ҳарам аҳлидан Бекабегим, Ҳамиданубегим ва Моҳ Чучакбегим ва бошқа кўпчилик бегимлар бирга эди.

Менинг ўғлим Саодатёр ўша кунлари бемор эди, бинобарин, мен бора олмадим. Бир куни подшоҳ ҳазратлари даралар бағрида овда эдилар, Мирзо Ҳиндол хизматларида эди. Ов бароридан келиб ту-

¹ Норинж – (норанжа) Жанубий Осиёда ўсадиган яшил цитрус дарахти ва унинг апельсинга ўхшаш хушбўй, лекин нордон меваси.

парди. Мирзо [Хиндол] қайси томонда ов қилса, ҳазратлари ҳам ўша томонга борарди. Мирзо кўп ов қилди. Мирзо Чингизхон тутумига кўра, ҳамма овларини ҳазратларига тақдим қилди. Чингизхон тўраларида кичиклар катталарга шундай муомала қилиши расм бўлган. Хуллас, у ҳамма овини ҳазратларига тортиқ қиласди. Шундан сўнг «Опалар-нинг ҳиссаси қолди-ку» деган фикр Мирзонинг дилидан ўтади. «Тағин опалар гинахонлик қилмасин! Яна бироз ов қилай-да, опаларга олиб борай», – деб Мирзо яна овга машғул бўлди. У бироз ов қилиб қайтаётганида, Мирзо Комрон тайинлаган одам йўлини тўсиб чиқади – Мирзо бундан бехабар – унга қараб ўқ отади. Ўқи табаррук елкаларига тегади. Ахли ҳарамларим ёки опаларим эшитиб безовта бўлмасин деб шу заҳоти «Келган бало ўзи билан даф бўлди», – деди. «Сизлар хотирингиз жам бўлсин. Мен соғ-саломатман», – деб ёзибди. Хулоса шуки, ҳаво исиб кетгач, ҳазратлари қайтиб Кобулга келдилар. Бир йил ўтгандан сўнг ўқнинг жароҳати тузалди.

Бир йилдан кейин, Мирзо Комрон яна атрофига одам тўплаб, жанг қилиш қобилиятига эга, дейишди. Ҳазратлари ҳам жангга тайёрланиб, дараликлар томон йўл олдилар. Мирзо Хиндол уларнинг хизматида эди.

Улар тоғ дараларига асъаса-дабдаба билан етиб тушганларида, жосуслардан ҳар лаҳза ва ҳар соатда «Мирзо Комрон шу кеча чопқин ясашга қарор қилибди», деган хабар келарди.

Мирзо Хиндол келиб ҳазратларига арз қилдилар ва ҳазратлари мана шу тепаликда турсинлар, укам Жалолиддин Мухаммад Акбар подшоҳ ҳузурларида

бирга бўлсин. Бу тепаликда одамлар эҳтиётни қўлдан бермай, посбонлик қилсинлар, деб кенгаш бердилар.

Ўзлари одамларини чақириб ҳар бирига алоҳида алоҳида далда бердилар ва кўнгил кўтардилар. «Ҳамма хизматлар ҳам бир тараф, бугунги кечадагиси бир тараф. Иншооллоҳ, дилларингда нима муддаинглар бўлса, сизлар истагандек юксак даражада қадрланади», – деб таъкидладилар. Ҳаммани жой-жойига қўйиб, ўзларига жубба-жома, тақия ва дубулға келтиришларини сўрадилар.

Тўшакчи бўхчани энди қўлга олган ҳам эдики, кимdir акса урди. Тўшакчи бўхчани бир соат ушлаб турди. Кечикиб кетгани учун яна биттасини таъкидлаб юбордилар. Эслатгандан кейин ҳамма нарсани келтиришди. Ўзлари сўрадилар: «Нега кечикиб кетдинг?» Тўшакчи жавоб қилдики, энди бўхчани ердан кўтарган эдим, кимdir акса урди, шу сабабли бўхчани қайта қўйдим, кечикишимнинг сабаби шу, деди.

«Бекор қилибсан. Иншооллоҳ, шаҳодат муборак бўлсин, дегин», – дедилар. Сўнг: «Дўстларнинг барчаси гувоҳ бўлсин, мен барча ҳаром нарсалардан ва ношойиста амаллардан тавба қилдим», – дедилар.

Ҳозир бўлганлар барчаси фотиха ўқиб, муборакбод қилдилар. Кейин: «Нимча, кийим, жубба келтир», – дедилар ва уни кийиб хандақ тепасига кетдилар. Сипоҳийларга мардоналиқ тилаб тасалли бердилар.

Шу аснода Мирзо Ҳиндолнинг товоқчиси (ошпази) Мирзонинг овозини эшитиб: «Мени қилич билан чопишаётпти», – деб фарёд солди. Мирзо уни эшитиши ҳамоно отдан тушдилар ва уларга қараб: «Биродарлар, бизнинг товоқчини қилич билан чопишса-ю, биз

ёрдам бермасак, бу марданаликдан эмас», – дедилар ва ўзлари хандаққа тушдилар. Сипоҳийларнинг ҳеч бири отдан тушмади. Мирзо икки марта хандақдан чиқиб ҳамла қилдилар. Шу ҳаракатларда шахид бўлдилар. Билмадим, қайси берашм золим ўша беозор йигитни зулм тиф билан жонидан айирдийкин?! Кошки ўша бешафқат тиф менинг кўзу юрагимга ёки ўғлим Саодатёрга ёки Хизр Хожаонга санчилган бўлса! Ох, юз оҳу афсус, во дариф, минг дариф!

*Эй дариго, эй дариго, эй дариг,
Офтоб ниҳон бўлди ортида тиг.*

Хуллас, Мирзо Ҳиндол ҳазратларининг хизматла-рида дили ачишиб, жонбозлик қилди.

Мирбобо Дўст Мирзони кўтариб, хонадонлари-га олиб келди ва ҳеч кимга билдирамади. Ясовулларни олиб келиб, дарвозага қўйди: «Ким келиб сўраса, Мирzonинг жароҳати оғир, ҳазратлари «Ҳеч ким кир-масин» деб амр қилганлар, дейсизлар», – деди.

Подшоҳ ҳазратларининг ҳузурларига келиб: «Мирзо Ҳиндол ярадор бўлди», – деди. Ҳазратлари бориб Мирзони кўрай, деб от чақирдилар. Мир Абдулҳай: «Уларнинг жароҳати оғир, ҳазратларининг боришлари ўринли эмас», – деди. Ҳазратлари тушун-дилар ва қанчалик ўзларини тутишга уринмасин, чи-доммадилар.

Хизр Хожаоннинг қароргоҳи Жўйи Шоҳийда эди. Ҳазратлари Хизр Хожаонни тилатиб: «Мирзо Ҳиндолни Жўйи Шоҳийга олиб бориб, вақтинча ушлаб туринг!» – дедилар. Хон tuyанинг жиловидан тутиб, хўнг-хўнг йиғлаб, фарёд солиб кетар эди. Бу

хабар подшоҳ ҳазратларига етиб борди. Хизр Ҳожага: «Сабр қилмоқ керак. Менинг дилим сеникidan баттар қуймоқда, аммо ўша қонхўр, золим ғанимнинг дастидан сабрсизлик қилмаётибман, ҳолбуки, у яқинда турибди, сабрдан ўзга чора йўқ», – деб айтиб юбордилар.

Юз афсус ва надомат, дарду алам билан Жўйи Шоҳийга олиб бориб омонат кўйдилар.

Агар ўша золим, биродаркуш, бегонапарвар, бераҳм ўша кеча келмаганида, бу бало осмондан ёғилмас эди. Подшоҳ ҳазратлари Кобулга хатлар ёздиilar. Бу хатлар опа-сингилларга етиб келиши билан бутун Кобул мотамсарога айланди ва саодатли шаҳид кетган Мирзонинг ҳолига бутун еру кўк фарёд чекиб, зор йиғларди. Гулчехрабегим Қорахоннинг уйига кетган эдилар. Улар қайтиб келганларидан сўнг қиёмат қойим бўлди. Азбаройи кўп йиғлагани ва ғам-қайғудан бемор бўлиб қолганидан ақл-хушини йўқотди.

Мирзо Комрондай золим ва бераҳм кишининг баҳодирлигидан Мирзо Ҳиндол шаҳид бўлди. Шу кундан бошлаб Мирзо Комроннинг ишларида рушду ривож бўлганини эшитмадик, балки орқага, таназзулга юз тутди, кундан-кун баттар бўлиб, ёмонлашаверди, шундан сўнг Мирзо Комронга давлат ёр бўлмади ва муродига етмади, гўё Мирзо Комроннинг ҳаёти, балки кўзининг нури Мирзо Ҳиндол бўлгандай эди.

Ўша мағлубиятдан сўнг тўғри Шерхоннинг ўғли Салимшоҳнинг олдига қочиб борди. У бир минг руния берди. Шу орада Мирзо Комрон арзи ҳол қилиб, ундан кўмак сўрайди. Салимшоҳ Мирзога жавобан ҳеч нарса демайди, лекин орқаваротдан, ўз укаси

Мирзо Ҳиндолни ўлдирган одамга қандай қилиб ёр-
дам бериб бўлади, дейди. – Бундай одамни, аксинча,
нобуд қилиб, ўлдирса, савоб бўлади.

Мирзо Комрон зимдан бу кенгашни эшитади ва
ўз одамларига ҳам маслаҳат солмай, бир кечада жуф-
такни ростлаб қолади. Бундан Мирзонинг одамлари
бехабар қоладилар. Булар қолдилар. Салимхонга ха-
бар етиши билан кўпчилик одамларини қамоққа хукм
қилди. Мирзо Комрон Бҳира ва Хушобга етиб борган-
да, ўша минтақадаги Одам Гаккар юз ҳийла ва макр
билан уни қўлга тушириб, подшоҳ ҳазратларининг
олдига олиб келди.

Оқибатда, Мирзо Комрондан кўнгли қолган барча
хонлар ва аъёну ашроф, катта-кичик, сипоҳийлар ва
раият аҳли ўша йигинда бирлашиб: «Подшоҳлик ва
хукмронликда ака-укалик расми назарга олинмайди.
Агар ака-укаликни юз хотир қилсангиз, подшоҳликни
тарк этинг, агар подшоҳликни хоҳласангиз, укангиз-
дан кечинг, Даشتி Қипчоқда мана шу Мирзо Ком-
роннинг дастидан муборак бошларига жароҳат етди,
афғонларни макр-ҳийла билан алдаб, тил бирикти-
риб, Мирзо Ҳиндолни ўлдирди. Мирзонинг дасти-
дан кўпчилик Чигатой аҳли нобуд бўлди, оила аҳли
қамоққа тушди, номусидан айрилди. Энди одамлар-
нинг оиласлари ва болаларининг асирилкка, азоб че-
кишга тоб-тоқати қолмади ва бошқалар дўзах азоби-
ни чекмоқда. Бизнинг молу жонимиз, оила ахлимиз
ҳазратларининг бир тола тукларига садақа бўлсин.
Бу ука эмас – бу ҳазратларининг душмани», – деб арз
қилдилар. Хуросай калом, ҳамма бир бўлиб, жиддий
арзига етказдиларки, «...Мулк рахнагари юзтубан
бўлгани яхши». Подшоҳ ҳазратлари уларга жавобан

айтдиларки, гарчи сизларнинг айтган сўзларингиз менинг ёдимда бўлса ҳам кўнглим бўлмаётитпи. «Ўша арзга етказгандаримиз айни муддао», – деб фарёд чекиб тиладилар.

Оқибатда, ҳазратлари: «Агар барчангизнинг маслаҳатингиз ва ризолигингиз шу бўлса, ҳаммангиз йигилиб тилхат ёзинг», – деб буюрдилар. Амирлар ҳаммаси ўнгу сўлдан йигилиб, ўша «Мулк раҳнагари юзтубан бўлгани яхши!» мисрасини ёзиб бердилар.

Подшоҳ ҳазратлари ҳам мажбур бўлдилар. Раҳтош мавзесига етганда Сайд Муҳаммадга: «Мирзо Комроннинг кўзларига мил торт», – деб амр қилдилар. Ўша заҳоти мил тортдилар. Подшоҳ ҳазратлари мил тортгандан сўнг...¹

¹ Кўлёзма шу ерда узилган. Унинг давоми бор-йўқлиги маълум эмас. (*Таржимон изоҳи*.)

Муҳтарам китобхон!

Кўлёзманинг узилиб қолишии, якунланмаганлиги сабаблари бизга қоронегу. Эҳтимол, Гулбаданбегим кейинги воқеаларни ёзишини давом эттиргаган ёки Акбаршоҳнинг таҳтга ўтиришигача кечган воқеалар ҳақидаги маълумотлари номаълум сабабларга кўра йўқолган бўлишии ҳам мумкин.

Нима бўлган тақдирда ҳам «Хумоюннома» «Бобурнома»дан кейинги бобурийлар сулоласи тарихи ҳақидаги ўта муҳим ва қимматли манба ҳисобланади.

1556 йилдан Хумоюннинг ўғли Акбаршоҳ салтанатни бошқара бошлиайди. Шундан кейин мамлакатда адабиёт, илм-фан, санъат, меъморчилик янада ривожланди. Сирасини айтганда, бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда Баҳодиршоҳ II давригача 332 йил ҳукмронлик қилди ва бу давр Ҳиндистон тарихи ва маданиятида чуқур из қолдирди.

Адабий-бадиий нашр

**Гулбаданбеким
Захирийдин Мұхаммад Бобур қизи**

ХУМОЮННОМА

Мұхаррир *C. Саидмуродов*

Бадиий мұхаррир *P. Маликов*

Техник мұхаррир *B. Каримов*

Мусаҳих *Z. Құдратов*

Кичик мұхаррирлар: *D. Холматова, Г. Ералиева*

Компьютерда тайёрловчи *L. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.2009.
Босишига 2016 йил 4 апрелда рухсат этилди.
Офсет қофози. Бичими $80 \times 100^1_{32}$, «Times»
гарнитурасида оффсет усулида босилди.
Шартли босма табоби 5,55. Нашр табоби 5,18.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-177.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Гулбаданбегим, Захириддин Мухаммад Бобур қизи

Г 95 Хумоюннома [Матн]: Гулбаданбегим, Захириддин
Мухаммад Бобур қизи; масъул муҳаррир [А. Иброҳимов;
форс тилидан А. Қуронбеков таржимаси. – Тошкент:
«O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 120 б.

ISBN 978-9943-28-619-1

УЎК: 94(575.1)
КБК 63.3(5Ў)